

**Фазли илоҳий G`M ELIKSIR**  
**маҳаллий универсал**  
**дори воситаси ҳақида қисқача**  
**маълумотларга**  
**ИЛОВА**

# 1. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (янги таҳрири).

2-модда.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

20-модда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир.

Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

23-модда.

Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини химоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас.

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади.

25-модда.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади.

26-модда.

Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

28-модда.

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини химоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Хеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

**Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.**

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

**31-модда.**

Ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тuzатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Хеч ким уй-жойга унда яшовчи шахсларнинг хоҳишига қарши кириши мумкин эмас. Уй-жойга киришга, шунингдек унда олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.

**53-модда.**

Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

**54-модда.**

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир.

Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

**55-модда.**

Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга.

**67-модда.**

Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди.

**Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади.

Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади.

108-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

109-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг кафилидир, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўради;

2) мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш қўради;

19) алоҳида ҳолларда (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

110-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

115-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, солиқ ва бюджет сиёсати амалга оширилиши, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга доир дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда бажарилиши учун жавобгар бўлади.

## **2. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ (Тошкент ш., 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон) - янги таҳрири.**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

#### **2-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик**

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Нотижорат ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ муносабатлар чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонунчилик билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси**

Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

#### **4-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

#### **5-модда. Кичик тадбиркорлик субъектлари**

Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

қонунчиликда назарда тутилган енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-хуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ва ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органларига, давлат статистика органларига, банкларга ва бошқаларга) ёзма равишдаги мурожаатларсиз қўлланилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда янгиланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрини шакллантириш ҳамда доимий равишда янгиланган бўлиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 50 фоиз ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;

кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса.

#### **6-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлик**

Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли.

Хунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун шогирдларни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқ ва мажбуриятларни олади ҳамда амалга оширади. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузаётганида, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини, агар бу битимларни тузиш вазиятининг ўзидан аниқ англашилмаса, кўрсатиши керак. Бундай эслатманинг мавжуд эмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

**7-модда. Жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти**

Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин.

Жисмоний шахслар яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлиши мумкин.

Оилавий тадбиркорликнинг амалга оширилиши, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги тузилиши, фаолият кўрсатиши ҳамда фаолиятининг тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади.

**8-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:**

**қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;**

**юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;**

**мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;**

**ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;**

**тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олишга, бундан товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари мустасно;**

**ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;**

**барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишга, суд тартибдаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно;**

**кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга;**

**ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли.**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

**9-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:**

**ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши;**

**солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;**

**меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнат ҳақини қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиши;**

**меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;**

**рақобат тўғрисидаги ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ҳақидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;**

**реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун сертификатларга эга бўлиши;**

**жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиши;**

**бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритиши;**

ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **10-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмалари**

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади.

#### **11-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шў жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонунчиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.**

**12-модда. Инсофсиз рақобатга йўл қўйилмаслиги** - Тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда афзалликлар олишга қаратилган, қонунчиликка, иш муомаласи одатларига зид бўлган ва бошқа тадбиркорлик субъектлари бўлган рақобатчиларга зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

#### **2-боб. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари**

#### **13-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки унга қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.**

**Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.**

#### **14-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш**

Тадбиркорлик фаолиятининг лицензияланиши лозим бўлган турлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **15-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асоси**

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қонунчиликда назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

#### **16-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилиш**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.



Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредитлар берилаётганда банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликда белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёлари ва мулкый ҳуқуқларидан, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфини суғурта қилиш полисидан фойдаланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектлари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда имтиёзли кредитланиш ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта қилиш қонунчиликда ва шартномада белгиланган тартибда суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

#### **17-модда. Ҳисоб ва ҳисобот**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисоботни қонунчиликка мувофиқ юритади. Ҳисобот тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тайёрланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботи тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, яқка тартибдаги тадбиркорлар эса, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этади.

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари учун қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаши ман этилади.

#### **3-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари**

#### **18-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг конституциявий кафолатлари**

Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлсиздир ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Тадбиркорлик субъекти мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга ҳилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

19-модда. Тадбиркорлик субъектларининг қонунчиликда ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлиги кафолатлари

Тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг муассислари таъсис ҳужжатларида фаолиятнинг фақат асосий турларини санаб ўтишга ҳақли. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектлари таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган фаолият тури билан ҳам шугўлланиши мумкин.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар шугўлланиши мумкин бўлган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

20-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ўз товарлари (ишлари, хизматлари) ва даромадларини (фойдасини) тасарруф этиш эркинлиги кафолатлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари ишлаб чиқарадиган товарларнинг (бажарадиган ишларнинг, кўрсатадиган хизматларнинг) ва уларни реализация қилишдан олинган даромадларнинг (фойданинг) мулкдоридир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қоплаиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) ўз хоҳишига кўра тасарруф этади, бундан суд тартибдаги мажбурий ундирув ҳоллари мустасно.

## **21-модда. Пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этади.**

Банк ёки бошқа кредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварағида (ҳисобварақда) мавжуд бўлган пул маблағларидан, ҳисобвараққа талаблар қўйилганда маблағларнинг мавжуд бўлишини ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши мумкин.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача муддатлар назарда тутилган бўлмаса, банк ёки бошқа кредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан мазкур ҳисобвараққа киритиб қўйиши, тадбиркорлик фаолияти субъектининг топшириғига кўра ҳисобварақдан пул маблағларини бериши ёки ўтказиши шарт. Ҳисобварақ бўйича операцияларнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, банк ёки бошқа кредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти субъектига қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда фоизлар тўлайди.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ёки бошқа кредит ташкилоти ҳисобварақда турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун тадбиркорлик фаолияти субъектига фоизлар тўлайди, фоизларнинг суммаси унинг ҳисобварағига киритиб қўйилади.

**Давлат органлари, банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига нисбатан қонунда ёки шартномада назарда тутилмаган бошқа чекловлар белгилашга ҳақли эмас.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг уларга хизмат кўрсатаётган банклардаги ҳисобварақларида турган маблағлари қонунчиликда белгиланган тартибда нақд пул маблағлари тарзида олиниши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида маълумот талаб қилиб олиш, шунингдек бундай маълумотларнинг банклар томонидан тақдим этилиши тақиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **22-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонунчиликка мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга оширади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги валюта ҳисобварақларини очиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Товарлар импорт қилувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун уларнинг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга асос бўлади.

## **23-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулки дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг ўз мулкдорлик ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ва қонун билан кўриқладиган манфаатларига путур етказмаслиги керак. Тадбиркорлик фаолияти субъекти қонунда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиши шарт.

**Тадбиркорлик фаолияти субъектидан мулкни олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, шунингдек уларни чеклашга йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

Тадбиркорлик фаолияти субъекти бошқа шахснинг қонунга ҳилоф эгалигида бўлган ўз мол-мулкни талаб қилиб олишга, шунингдек ўз мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилиши, гарчи бундай ҳуқуқбузарлик эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, баргараф этилишини талаб қилишга ҳақли.

Мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонунчилик ҳужжати қабул қилинган тақдирда, ушбу ҳужжатни қабул қилиш натижасида мол-мулкнинг мулкдори бўлган тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан мол-мулкнинг қиймати давлат томонидан қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилинади. Мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол- мулкнинг қиймати, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

**24-модда. Фермер хўжаликлари томонидан ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга очиқ танлов асосида ижарага берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланади.

Ер участкасининг ўлчамлари ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Ер участкасини ёки унинг бир қисмини олиб қўйишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ер участкасининг ижара шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкаларининг ижара шартномаларини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари қонунчиликда белгиланади.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, уни юритиш учун берилган ер участкасининг ижара шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

**25-модда. Дехқон хўжаликлари томонидан ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари**

Дехқон хўжалигининг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда белгиланади.

Дехқон хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Ер участкасининг ўлчамлари ва чегаралари фақат дехқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Дехқон хўжалигининг ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишга фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилиб, дов-дарахтларнинг, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг бозор қиймати қоплангандан кейин ёхуд улар бошқа жойга кўчирилгандан ёки ўзга бинолар ва иншоотлар қурилгандан кейин ҳамда бошқа барча зарарларнинг (бой берилган фойдани қўшган ҳолда) ўрни қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўла ҳажмда қоплангандан кейин йўл қўйилади.

**26-модда. Тадбиркорлик субъектларининг қимматли қоғозлар бозорига, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қимматли қоғозлар бозорига, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига эркин киришда, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун товарларнинг айрим турларини етказиб беришда қатнашишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда тенг имкониятларга эга. **Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қимматли қоғозлар бозорига, хом ашё, товарлар ва хизматлар бозорларига кириши давлат органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан бирон-бир тарзда чекланишига йўл қўйилмайди.**

Давлат органлари давлат эҳтиёжлари учун товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) ва етказиб беришга доир буюртмаларни тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида жойлаштириш чораларини кўради. Давлат харидлари бўйича танловлар ўтказишда бошқа тенг шароитларда кичик тадбиркорлик субъектларига афзаллик берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қимматли қоғозлар бозорига, хом ашё, айрим товарлар ва хизматлар бозорларига киришига доир бошқа алоҳида шартлар белгиланиши мумкин.

**27-модда. Фермер ва дехқон хўжаликларининг моддий-техника ресурсларидан, уруғлик материаллардан, кўчатлардан ва зотдор чорвадан эркин фойдаланиш кафолатлари**

Фермер ва деҳқон хўжаликлари моддий-техника ресурслари, шу жумладан ёнилғи-мойлаш материаллари, омихта ем, органик ва минерал ўғитлар бозорларига эркин киришда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан тенг ҳуқуқларга эга.

**Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фермер ва деҳқон хўжалиklarининг уруғлик материалларга, кўчатларга, қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларига, зотдор чорвага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш борасида шароитлар яратади.**

**28-модда. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сув истеъмолини амалга ошириш кафолатлари**

Фермер ва деҳқон хўжаликлари сув истеъмолини уларга хизмат кўрсатувчи сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан белгиланадиган сув объектларидан ҳар йилги сув олиш лимитлари асосида бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг ҳуқуқларда амалга оширади.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун сув объектларидан сув олиш лимитлари уларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас, манбаларнинг суви камайган ҳоллар бундан мустасно.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг сув истеъмоли ҳуқуқини давлат органлари томонидан чеклашга фақат қонунчиликда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

**29-модда. Тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари кредит ресурсларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг дастлабки (бошланғич) капиталини шакллантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланганлик учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларини имтиёзли кредитлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи банклар ва бошқа кредит ташкилотларига қулай шароитлар яратиши мумкин.

Банклар кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

**30-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ахборотдан фойдаланиш кафолатлари**

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонунчилик ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган, тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган, уларнинг расмий веб-сайтларида Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул тақдим этилади, бошқа ахборотни тақдим этганлик учун эса белгиланган тартибда ҳақ ундирилиши мумкин.

Давлат статистика органлари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган статистика ахбороти мунтазам эълон қилиб борилишини таъминлайди.

Тадбиркорлик субъектларига янги корхоналар қуриш учун берилаётган ер участкаларининг, шунингдек реализация қилиш ҳамда ижарага бериш учун таклиф этилаётган қурилиши тугалланмаган объектларнинг, бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларнинг рўйхати тегишли давлат органлари томонидан оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ўз расмий веб-сайтларида мунтазам равишда эълон қилиб борилиши таъминланади.

**31-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш кафолатлари**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат органларига ёки хўжалик бошқаруви органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг аризалари, таклифлари ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Мурожаатларда юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг тўлиқ фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ёки жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи (манзили) кўрсатилиши, шунингдек аризининг, таклифнинг ёки шикоятнинг моҳияти баён этилиши керак. Ёзма мурожаатлар юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ваколатли шахсининг имзоси билан ёки жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган мурожаатлари тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермайдиган мурожаатлар бундан мустасно. Тадбиркорлик субъектларининг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермайдиган мурожаатлари аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таклифлари давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган тадбиркорлик фаолияти субъектига ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Аризалар ёки шикоятлар масалани моҳиятига кўра ҳал этиши шарт бўлган давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиганлари эса, ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.**

Аризани ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, аризани ёки шикоятни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органи раҳбари томонидан истисно тариқасида кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган тадбиркорлик фаолияти субъектига маълум қилинади.

Давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тадбиркорлик субъектларига давлат органларининг ёки хўжалик бошқаруви органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш имкониятини берувчи доимий равишда янгиланган саҳифа яратилади.

**32-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинмаслигининг кафолатлари**

**Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки национализация ва мусодара қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки реквизиция қилинмайди, бундан табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавкулудда хусусиятдаги бошқа ҳолатлар мустасно бўлиб, бунда мулкдорга реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг қиймати тўланади. Реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ва шартларда давлат органлари томонидан қабул қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

**33-модда. Фирма номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш кафолатлари**

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъекти фирма номига бўлган ҳуқуққа эга, бу номни унинг ўзи мустақил равишда белгилайди ва ўз таъсис ҳужжатларида кўрсатади.

Таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фирма номига бўлган ҳуқуқ тадбиркорлик фаолияти субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юзага келади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг илгари рўйхатдан ўтказилган фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган, тегишли тадбиркорлик субъектларини айнан бир деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган фирма номи рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

Товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш ҳуқуқи унинг рўйхатдан ўтказилганлигига асосланиб берилади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) юридик ёки жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъекти номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Фирма номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ушбу номнинг (белгининг) эгасига тегишли бўлади.

Фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) нашр этилганда, омма олдида ижро этилганда ёки улардан ўзгача тарзда фойдаланилганда фирма номининг, товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) ўзига ҳам, уларнинг белгиларига ҳам бирор-бир ўзгартишлар киритишга фақат улар эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

**Фирма номи, товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ фирма номининг, товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) эгасига тегишлидир.**

Фирма номидан, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш ҳуқуқи уларнинг эгаси томонидан бошқа шахсга қонунчиликка мувофиқ улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида берилиши мумкин.

#### **34-модда. Тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари**

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятида қонунчилик бузилганлигини аниқласа, улар ўз ваколатлари доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чоратадбирларни кўриши мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзга қонуний фаолиятига аралашиниш ёки бундай фаолиятни чеклаш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига:

битимлар тузиш, фойдани тақсимлаш, ижроия органи раҳбарини ва унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш) масалалари бўйича ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босишни талаб қилиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш тўғрисида талаб қўйиш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз ваколатлари доирасида тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида қабул қилинган, зарар кўрилишига олиб келган қарорлар учун уларнинг бошқарув органлари аъзоларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тақиқланади.

Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг филиаллари раҳбар ходимларини тайинлашга аралашиниш, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг банклар кредит портфели ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқариш юзасидан банклар фаолиятига аралашиниш тақиқланади.

Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан ушбу хўжаликларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, бу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилашига аралашинишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно.

#### **4-боб. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

##### **35-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш**

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларга, агар бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, раддия берилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Агар тадабиркорлик фаолияти субъектининг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, бу маълумотларга раддия айна шу оммавий ахборот воситаларида берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатилганда, бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зарар компенсация қилинишини талаб этишга ҳақли.

##### **36-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш**

**Тадабиркорлик фаолияти субъектининг интеллектуал фаолиятнинг объектив ифодаланган натижаларига ҳамда уни индивидуаллаштириш воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказога) бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.**

Мутлақ ҳуқуқлар объектлари бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан ва индивидуаллаштириш воситаларидан учинчи шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан фойдаланиши мумкин.

##### **37-модда. Тадабиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат сирини ва ошкор этилмаган ахборотини муҳофаза қилиш**

Тижорат сирини бўлган, учинчи шахсларга маълум бўлмаган ахборот (ошкор этилмаган ахборот) учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган тақдирда, муҳофаза қилинади.

Ошкор этилмаган ахборотни ундан қонунга хилоф равишда фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқи ушбу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни бажаришдан (уни давлат рўйхатидан ўтказишдан, гувоҳномалар олишдан ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоидалари қонунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сирини бўла олмайдиган маълумотларга (юридик шахслар тўғрисидаги, мол- мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳамда мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган битимлар ҳақидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тарихида тақдим этилиши керак бўлган маълумотларга ва бошқаларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

**Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида бу ахборотнинг қонуний эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.**

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил равишда ва қонуний тарзда олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланганлик учун унинг олдида жавоб бермайди.

##### **38-модда. Тадабиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

**Тадабиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан бой берилган фойда бу зарарни етказган шахс томонидан тўла ҳажмда қопланиши керак. Зарар етказувчи бўлмаган шахс зиммасига қонунга биноан зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юклатилиши мумкин.**

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳужжат қабул қилиниши натижасида тадабиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарларнинг ўрни давлат томонидан ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан суднинг қарори асосида қопланиши керак. Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органларининг мансабдор шахслари айби билан етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан мазкур мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

### **39-модда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш**

**Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонунчилик бузилиши содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда хавфни таҳлил этиш натижалари асосида назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.**

**Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилади.**

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган барча текширувлари Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинishi шарт, бундан камерал солиқ текширувлари мустасно.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўтказилган текширувлари натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар тугатилгандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида киритилади.

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олмасдан ўтказилган текширувлари қонунга ҳилофдир.**

**Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувларни ўтказиш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслиги керак.**

Солиқ текширувлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асос бўлади. Сайёр солиқ текшируви ўн кундан ошмаган муддатда ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудитини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

**Солиқ органи солиқ аудитини ўтказишнинг бошланиши тўғрисида солиқ аудити бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир.**

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудити белгиланган тартибда фақат солиқ органи томонидан, солиқ аудитини ўтказиш давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонунчилик бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари аниқлаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Солиқ аудити:

аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан камерал текширув натижаларига кўра тақдим этилган, аниқлаштирилган талабномадан кейин) ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаган ёки тақдим этган асосномалари етарли эмас деб топилган солиқ тўловчилар бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хавфини таҳлил этиш натижалари асосида белгиланадиган юқори даражадаги хавфга эга бўлган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) тоифасига мансуб солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказилади.

**Текширув бошланишидан олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига ўнинг текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакиллари ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки ўларнинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилиб, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларини рад этганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмайди.**



Текширувлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, қонунчиликда белгиланган муддатларда унинг бир нусхаси текшириладиган тадбиркорлик фаолияти субъектига топширилади.

**40-модда. Молиявий санкцияларнинг қўлланилмаслиги ва суммалари камайтирилиши**

**Тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган муддатларда ва тўла ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Мазкур норма солиққа оид ҳуқуқбузарликлар сабабли молиявий санкцияларни қўллаш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.**

Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбга иқроп бўлинганда ва солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланганда жарима миқдори белгиланган миқдорга нисбатан икки бараварга камайтирилади.

**41-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни амалга оширадиган мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

**Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текширув ўтказиш муддатлари, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидаги рўйхатга олиш рақами кўрсатилган буйруғининг кўчирма нусхаси, шунингдек текширувчи мансабдор шахсларнинг текширувлар ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувдан ўтказадиганда текширишларни рўйхатдан ўтказиш китобига қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ёзув киритади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг тижорат сири, хизмат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлари, шунингдек ошкор этилмаган ахбороти сир сақланишини таъминлаши шарт.

**42-модда. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш**

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Бунда тадбиркорлик субъектларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида қўлланилади:

фаолиятни тугатиш;

атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш;

фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно.

## **5-боб. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

**43-модда. Давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;  
тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга оширади, мавжуд муаммоларни ўрганади ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан фойдаланишда кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз товарларини (ишларини, хизматларини) ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат харидларини амалга ошириш жараёнига фаол жалб этиш ҳамда уларнинг маҳсулотини ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ташкил этиш йўли билан кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўмаклашади.

Давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**44-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

тадбиркорликни ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**45-модда. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши**

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш:

тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

экспорт-импорт операциялари, халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техник ва бошқа ахборот билан таъминлаш;

**солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар белгилаш орқали амалга оширилади.**

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш қонунчиликка мувофиқ бошқа йўللار билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

**46-модда. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондлари**

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда фондлар ташкил этилиши мумкин.

**47-модда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига энергия манбалари истеъмоли борасидаги имтиёзлар**

**Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар учун энергия манбалари бўйича белгиланган имтиёзли тарифлар қишлоқ жойларда жойлашган ҳамда фаолиятни амалга ошираётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади.**

**48-модда. Тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ривожлантирилишини таъминлайди.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи ташкилотлар қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзлардан фойдаланади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

**49-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш (унинг фаолиятини тугатиш)**

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш унинг муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки таъсис ҳужжатлари билан тегишли ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига ёхуд суднинг ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти тугатилаётганида бўшатилаётган ходимларга қонунчиликка мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши кафолатланади.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тугатиш унинг қарорига ёки суд қарорига кўра амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти унинг тугатилиши (фаолияти тугатилиши) ҳақидаги ёзув рўйхатдан ўтказувчи органнинг тегишли давлат реестрига киритилганидан кейин тугатилган (фаолияти тугатилган) ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектини тугатиш (унинг фаолиятини тугатиш) қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**50-модда. Давлат органлари ва бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишига кўра бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят берилганлиги шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида судга мурожаат қилганида давлат божи тўлашдан озод этилади.

**51-модда. Низоларни ҳал этиш**

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

**52-модда. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 52-сон, 598-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 12.12.2019 й., 03/19/592/4144-сон; 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон, 09.11.2020 й., 03/20/646/1488-сон, 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 03.03.2022 й., 03/22/756/0180-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон).

### **3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.**

ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш билан шуғулланувчи туманлараро диагностика лабораториялари ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари таркибига киритилади ва марказларга ушбу лабораторияларни молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш ҳамда фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш юкланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамоат ташкилотлари фаолияти ва ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

#### **4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:**

Давлат дастурига киритилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни ажратсин;

келгуси йилларда ретровирусга қарши препаратлар ва ОИВ инфекциясини юқтирган шахсларни даволаш самарадорлиги мониторингини олиб бориш учун зарур бўлган тест-системалар билан таъминлашга Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш босқичма-босқич ошириб борилишини назарда тутсин.

#### **5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

Ўзбекистон Республикаси Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда ОИВ инфекцияси ва қўшимча касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган диагностика умумлар ва тест-системаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси устидан мониторинг олиб борилишини ва ҳар чоракда амалга оширилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботлар тақдим этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида **ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун халқаро ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағларини жалб этиш бўйича зарур чоралар кўрсин;**

Ўзбекистон Республикаси Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш **ҳамда даволаш соҳаларида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича тизимли ишларни олиб бурсин, илмий ва инновацион тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилишини таъминласин;**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгаши, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси юқиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар, хусусан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила-аъзолари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ходимлари орасида ОИВ инфекциясининг профилактикаси бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини ҳамкорликда амалга ошириш шартлигини назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича ахборот-маърифий ишлар олиб борсинлар.

**7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тармоқ режасини тасдиқласин ва бажарилишини таъминласин.**

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

даволаш-профилактика муассасаларини эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, стерилизация бўлимлари ва пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий аппаратлар ва асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

даволаш-профилактика муассасаларини бир маротаба ишлатиладиган тиббий асбоб-анжомлар, тест-системалар, диагностикаумлар ва сарфловчи материаллар билан таъминласин;

**9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

**Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган Давлат дастурининг ижроси таҳлили натижалари бўйича 2019 йилда ОИВ инфекциясига қарши курашиш соҳасидаги комплекс чора-тадбирларни янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин;**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

**10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Акмалов зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2018 йил 25 январь, ПҚ-3493-сон*

#### **4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГРИПП ВА БОШҚА ЎТКИР РЕСПИРАТОР ИНФЕКЦИЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.**

Аҳоли саломатлигини сақлаш, барқарор санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида мамлакатда эпидемиологик барқарорлик таъминланмоқда.

Шу билан бирга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлашда, гриппга оммавий чалиниш ҳолатларининг олдини олишда, пандемик салоҳиятга эга янги юқори патоген вирусли инфекцияларга қарши курашишда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Ўтказилган таҳлиллар натижалари грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг таъсирчан профилактикаси бўйича чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган шарт-шароитлар ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, доимий генетик ўзгаришлар ҳамда одамлар учун хавфли вирусларнинг пайдо бўлиши хавфи, шунингдек, миграция жараёнларининг жадаллашуви юзага келаётган инфекцион таҳдидларга тезкор муносабат билдиришни талаб қилмоқда ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини амалга оширишни қийинлаштирмоқда, жумладан мазкур соҳада самарали халқаро ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, инфекция юқиши хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасини вакцинопрофилактика қилиш даражасининг ҳозирги замон талабларига мос келмаслиги гриппга чалиниш даражасининг ошиши учун шароит яратмоқда;

учинчидан, рўйхатга олиш механизмларининг мукамал эмаслиги вакциналар, ташхис қўйиш тўпламлари ва вирусга қарши воситаларнинг ўз вақтида олиб кирилишини қийинлаштирмоқда; тўртинчидан, импорт қилинадиган вакциналар ва вирусга қарши воситаларнинг ўзига хос фаоллиги, шунингдек, импорт қилинадиган парранда ва чорва маҳсулотларининг одамларга нисбатан хавфли вируслардан холи эканлиги ўстидан лозим даражадаги лаборатория назорати таъминланмаяпти; бешинчидан, даволаш муассасаларини грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга тезкор ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашда, шунингдек, гриппга чалинган беморларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни эрта аниқлашда камчиликлар мавжуд; олтинчидан, барча ихтисосликдаги шифокорларнинг замонавий усуллар билан грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича малакасини ошириш жараёни, шунингдек, шифокорларнинг беморларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш бўйича фаоллигини рағбатлантириш лозим даражада ташкил этилмаган; еттинчидан, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, маҳаллий вакциналар, вирусга қарши воситалар, ташхис қўйиш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу мақсадларга инвестициялар ва грантлар жалб қилиш бўйича ишлар суғуриб олиб борилмоқда.

Грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш, осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб топилсин.

2. Қўйидагилар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бошқа масъул идораларнинг грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

умумжаҳон ва минтақавий санитар-эпидемиологик ҳолатнинг доимий таҳлили ҳамда мониторингини олиб бориш, мамлакатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалиши тенденциялари ҳамда кенг тарқалиши мумкин бўлган ҳолатларни прогноз қилиш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш, вакциналар, вирусга қарши воситалар ва химоя воситаларининг, ушбу касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ҳамда даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари ва аҳолини зарур ҳажмда долзарб вакциналар, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий химоя воситалари билан ўз вақтида таъминлаш ва уларнинг захирасини шакллантириш;

грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг комплекс профилактикасини, биринчи навбатда, юктириш ва оғир оқибатларга чалиниш хавфи юқори бўлган аҳоли тоифасининг умумий вакцинациясини ташкил этиш орқали амалга ошириш;

кенг тарқалиши мумкин бўлган грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг илк эпидемиологик белгиларини аниқлаш ва келгусида аҳоли ўртасида касалланишни камайтириш учун комплекс шошилиш чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун хорижий давлатларнинг, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари)ни ва грантларини ҳамда бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар пайдо бўлганда вакциналар, **вирусга қарши воситалар**, шахсий химоя воситалари, эрта ташхис қўйиш ускуналари **билан таъминлаш ва шошилиш ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан кейинги йилларда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.**

6. 2018 йил 1 августдан гриппнинг оғир шакллари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга чалинган ҳамда клиник-эпидемиологик кўрсатмалар бўйича парранда ва ҳайвонларда учрайдиган гриппнинг юқори патоген вирусларини ҳамда одамлар учун хавfli бўлган бошқа ўткир респиратор инфекцияларни юктирганликда гумон қилинаётган шахсларга ушбу вирус турлари бўйича мажбурий ташхис қўйилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

юқумли касалликлар стационарларида, туғруқ комплексларида ҳамда перинатал марказларда, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида ва унинг филиалларида гриппга ташхис қўйиш бўйича экспресс-тестларнинг ҳамда **гриппни даволовчи вирусга қарши махсус воситанинг қайта тикланувчи захираси ташкил этилишини**, шунингдек, ўткир респиратор инфекцияларнинг оғир шаклларига чалинган беморларни даволаш учун шу соҳага ихтисослашган стационарларнинг жонлантириш ва интенсив терапия бўлимлари зарур асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари билан жиҳозланишини **таъминласин**;

бир ой муддатда грипп юктириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган шахсларни мавсумдан олдин вакцинация билан қамраб олиш мақсадида уларнинг асослантирилган контингентини, шунингдек, зарур молиявий маблағлар ҳажмини аниқласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ушбу контингентнинг вакцинациясини ташкил этиш ва вакциналар харид қилишни молиялаштириш манбаларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда юқори патоген грипп вируслари ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишини назорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин;

**Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларга қарши вакциналар, ташхис воситалари, вирусга қарши воситалар ҳамда шахсий ҳимоя воситаларининг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;**

Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар муддатда грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш бўйича мақсадли илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, илғор хорижий илмий ишланмаларни ва янги юқори самарали воситаларни жорий этиш тажрибасини ўрганиш, кейинчалик инновацион ишланмалар натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, унинг Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот институти базасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тегишли институтларини жалб этган ҳолда ўз вақтида бажарилишини таъминласин;

**2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ўқув дастурини такомиллаштириш чораларини, жумладан ўқув жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш чуқур ўрганилишини назарда тутувчи чораларни кўрсин;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказилишини ҳамда ўтказилган тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ҳисоботлар тақдим этиб борилишини таъминласин.

**8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли ўртасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни профилактика қилиш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб борсин.**

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари даволаш-профилактика муассасаларини эҳтиёжга қараб грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларни самарали профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган самарали шахсий ҳимоя ва тезкор-ташхис қўйиш воситалари, вирусга қарши, патогенетик ҳамда бошқа воситалар ва ускуналар билан таъминласин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда осойишта санитар-эпидемиологик ҳолатни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш мақсадида Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг аҳоли саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиб, 2019 йил 1 мартга қадар муддатда 2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекциялар тарқалишига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

**12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.С. Қосимов, Р.Р. Иноятов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2018 йил 18 май, ПҚ-3729-сон*



## **5. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЯНГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ - 09.11.2018.**

*(<https://president.uz/uz/lists/view/2128>)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь кuni соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбари барча ислохотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экани, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Кейинги икки йилда Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, уларнинг сони 16 тага етди. Халқимизга янада қулай бўлиши учун ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 306 та янги ихтисослашган бўлимлар, 1 минг 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди.

Умуман олганда, жорий йилда тиббиёт соҳасига давлат бюджетидан 2017 йилга нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилди. Йиғилишда келаси йил соҳага қарийб 30 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилгани қайд этилди.

Президентнинг кuni кеча қабул қилинган “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги яна бир ижобий янгилик бўлди. Унга мувофиқ, тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 1 декабрдан 20 фоизга, 2019 йил 1 апрелдан яна 15 фоизга оширилади.

Фармон ва қарорлар чиқарилиб, соҳага шунча имкониятлар яратилди, долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида кутилган натижалар кўринмаяпти. Айниқса, туманлар, чекка қишлоқлардаги аҳоли тиббий хизматдаги жиддий ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезаётгани йўқ, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилнинг ўтган даврида Президентнинг Виртуал қабулхонасига тиббиёт соҳасига доир 45 мингдан зиёд мурожаат келиб тушгани, бу соҳада ҳали муаммолар борлигини кўрсатиши қайд этилди.

Масалан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифохоналарининг моддий-техника базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, ўрганишларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникадан марказий тиббиёт муассасаларигача қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Тиббий хизмат кўрсатишда республика, вилоят, туман ва қишлоқ бўғинлари ўртасида боғлиқликни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда, аввало, маҳаллаларда профилактика ишлари ва тиббий кўриклар яхши ташкил этилиб, касалликларнинг олди олинади, зарур ҳолларда беморлар туман ва вилоят марказларига юборилади. Туман тиббиёт бирлашмалари эса касалларни имкон қадар ўзида даволаб, оғир беморларни вилоят ва республика муассасаларига йўналтиради. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эса ўз ихтисослиги бўйича ягона методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга ошириб, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлайди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Юқумли бўлмаган касалликларни профилактика қилиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани қайд этилди. Қатор ихтисослаштирилган марказларнинг бу борадаги фаолияти танқид қилинди.

Айрим ҳудудларда юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ишлари ҳам қоникарли эмас. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида гепатит, ўпка сили билан касалланиш сони республика бўйича 20 фоизгача камайган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларида камаймаган.

Шу боис республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги моддий-техник база ва даволаш ҳолатини ўрганиб, мавжуд камчиликларни ҳал этиш, ОИТСнинг олдини олиш, хорижий давлатларда меҳнат қилиб қайтган шахсларни мажбурий тест текширувидан ўтказишнинг қонуний механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусий тиббиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, йирик шаҳарларда нафақат юртдошларимиз, балки қўшни мамлакатлар фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

**Шунинг учун мутасаддиларга хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтириш, Тошкент, Самарқанд, Андижон каби йирик шаҳарларда “тиббиёт хаб”ларини барпо этиш бўйича вазифалар топширилди.**

Касалликларнинг олдини олишнинг энг камхарж ва самарали йўли аҳолининг соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятига амал қилишидир.

**Афсуски, камҳаракатлилик ва нотўғри овқатланиш оқибатида Ўзбекистон аҳолисининг ярми ортиқча вазнга эга, одамларимизнинг 46 фоизи қон таркибида меъёрдан ортиқ холестерин мавжуд, 31 фоизида қон босими юқори.**

Шу боис аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини ва соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш орқали касалликлар профилактикасини кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда тиббиёт соҳасини ўрта ва узоқ муддатли истикболда ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда 2025 йилгача соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича концепция лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Масалан, соҳани молиялаштиришнинг амалдаги смета усули эскиргани, тиббиёт муассасалари қанча бемор даволанганига қараб эмас, койка-ўринлар сонига қараб молиялаштириб келинаётгани қайд этилди. Бугунги замон талаблари ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб, синов тариқасида мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида биттадан тиббиёт бирлашмасини аҳоли жон бошига ва стационар шароитда даволанганлар сонига қараб молиялаштириш бўйича топшириқ берилди.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилган. Бу орқали бюджет харажатларини камайтириш, тиббий хизмат сифатини оширишга эришилган.

**Йиғилишда 2021 йилдан бошлаб юртимизда ҳам мажбурий тиббий суғурта тизимини босқичма-босқич жорий этиш, Жанубий Корея, Сингапур, Германия каби давлатлардан халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда, тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.**

Тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, айрим даволаш муассасаларини шундай шериклик асосида юқори технологик усқуналар билан жиҳозлаш, уларга тўлиқ молиявий мустақиллик бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Нуфузли хорижий таълим муассасалари филиалларини очиш, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва ихтисослашган тиббиёт марказлари ўртасида интеграцияни кучайтириш масалалари бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди.

**6. 2019-2025 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Ўтган вақт мобайнида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш миллий хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолати бузилишидан азият чекувчи шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражаларида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3606-сон қарорига мувофиқ аҳолига психиатрия ёрдамини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, психиатрия муассасаларини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш), шунингдек республика психиатрия муассасалари биноларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бажарилмоқда.

Жумладан, «психиатрия» йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталикларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини 2019-2020 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда - Комплекс чора-тадбирлар) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

**руҳий ҳолати бузилган шахслар манфаатлари йўлида маъмуриятчилик сифатини ошириш, психиатрия хизмати билан давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик тизимини шакллантириш;**

**аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини инновацион ривожлантириш, руҳий хасталикларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни амалиётга жорий этиш, ушбу соҳадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш;**

**аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида хусусий тиббиёт амалиёти ривожланишини рағбатлантириш;**

**руҳий ҳолат бузилиши аломатларига эга бўлган инсонларга нисбатан салбий қарашларнинг шаклланиши ва уларнинг камситилишига йўл қўймаслик, руҳияти бузилган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилиши учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш;**

**руҳий саломатликни муҳофаза қилиш масалаларида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан нотўғри тасаввурларга барҳам бериш;**

**ёрдамга муҳтож бўлган аҳолининг барча ёшдаги гуруҳларини психиатрия ёрдами билан камраб олиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш;**

**аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини билан интеграция қилиш;**

**аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;**

**психиатрия ёрдами кўрсатишда, айниқса республика ҳудудларида идоралараро мултидисциплинар бригада иши моделини жорий этиш;**

психиатрия ёрдами кўрсатувчи амалдаги муассасалар негизида фаол терапияга ва кенг кўламли даволаш-реабилитация комплекс тадбирлари ўтказишга, кундалик врачлар кузатувида бўлишга муҳтож бўлган, бироқ куну-тун психиатрия стационарига жойлаштирилиши шарт бўлмаган руҳий ҳолати бузилиши зўрайдиган ёки компенсацияси бузиладиган шахслар учун кундузги стационарлар фаолиятини ташкил этиш;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш ва замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш).

**3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимлари рўйхатига «Ўзбекистон Республикаси Бош психиатри» ва «Ўзбекистон Республикаси Бош суицидологи» лавозимларини киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.**

4. Руҳий ҳолати бузилган шахслар уларга психиатрия ёрдами кўрсатилиши вақтида бепул юридик ёрдам давлат тизими доирасида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб кўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.К. Шодмонов):

психиатрия ёрдами олиш имконияти, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, руҳий ҳолатлар бузилишининг ижтимоий ва иқтисодий юқини камайтириш, шунингдек аҳолининг кўрсатилаётган даволаш-диагностика ва тиббий-реабилитация ёрдамидан тўлиқ қониқиш ҳосил қилишга эришиш мақсадида аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини янада мақбуллаштириш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари амалиётига руҳий ҳолатлар бузилишига ташхис қўйиш ва уларни даволаш клиник протоколларини жорий этсин;

**руҳий ҳолати бузилган шахсларни замонавий юқори самарали дори воситалари билан таъминлаш бўйича чоралар кўрсин;**

иш вақтини хронометраждан ўтказиш орқали, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этадиган мутахассислар иш ҳажми нормативларини, келгусида штат нормативларига ўзгартишлар киритган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда ахборот тақдим этган ҳолда, уларнинг сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ўтказилишини таъминласин;

Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросига, шунингдек аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилишга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни мунтазам тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш юзасидан чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва киритишда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари функциялари ҳамда ваколатлари аниқ чегараланишини назарда тутсин.

7. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимовга - Концепция ва Комплекс чора-тадбирларни ижро этиш юзасидан масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига - Концепция ва Комплекс чора-тадбирларда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажариш;

**илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари раҳбарларига - фундаментал ва амалий фанлар ривожланишини таъминлаш, шунингдек аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизмати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.**

**8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор мақсадлари ва вазифаларини, шунингдек Концепция ва Комплекс чора-тадбирлар ижросининг боришини ёритиш бўйича мақолалар ва мавзуга доир телекўрсатувлар ташкил этсин.**

**9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.**

**10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2019 йил 13 февраль, ПҚ-4190-сон*

## **7. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида нодавлат тиббиёт муассасалари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, хусусий тиббиёт муассасаларининг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишдаги ҳиссасини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни жорий этишнинг институционал ва ҳуқуқий механизмларини яратиш масаласи ҳали-ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хусусий соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизматлар ва усқуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектори иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

**1. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. Белгилансинки:

а) соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий шерик ўртасида қуйидаги бир ёки бир неча шаклларни бирлаштириш орқали амалга оширилади:

соғлиқни сақлаш соҳасида жамоат инфратузилмасини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари хусусий шерикни танлаб олиш тендер асосида ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади;

в) битимнинг амал қилиш муддати давлат ва хусусий шерик томонидан белгиланади. Бунда уч йилдан кам бўлмаслиги ва 49 йилдан ошмаслиги керак;

г) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда хусусий шерикка ажратилган ер участкалари, сотиб олинган тиббий ва бошқа усқуналар, шунингдек, улар томонидан қурилган объектлар битимнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг давлат шеригига топширилади.

**3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда - Жамғарма) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида соғлиқни сақлаш соҳасига инвестиция киритадиган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш (кейинги ўринларда - имтиёзли кредитлаш) тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.**

Жамғарма давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинадиган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2718-сон қарорига асосан очилган кредит линияларининг танланмаган маблағлари ҳисобидан ваколатли тижорат банкларига 10 йил муддатгача, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик ЛИБОР плюс 2 фоизга тенг, умумий миқдори 150 млн АҚШ долларигача бўлган кредит линияларини очсин.

**4. Белгилаб қўйилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида имтиёзли кредитлаш тижорат банклари томонидан:**

фақатгина импорт қилинадиган замонавий тиббий усқуналар ва инвентарларни сотиб олиш учун - чет эл валютасида киритиладиган инвестиция умумий ҳажмининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

3 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, 8 йилгача бўлган муддатга қайта молиялаштирувчи банкнинг маржаси билан бирга йиллик 1,0 фоиз миқдориди;

инвестор томонидан киритиладиган инвестициялар умумий ҳажмининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдориди хусусий, шу жумладан хорижий инвестиция киритиш шарти билан амалга оширилади.

**5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Адлия вазирлиги:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда бир ой муддатда ва кейинчалик ҳар йили давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларининг ер участкалари, бинолари ёки уларнинг қисмлари ва хоналари, шунингдек, самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт муассасалари ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида устувор йўналишга эга бўлган тиббий ва қўшимча хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва улар тўғрисидаги маълумотларни тегишли ихтисослашган веб-сайтларга жойлаштиради;

икки ой муддатда илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик битимларининг намунавий шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иштирокида амалга ошириладиган бирламчи аҳамиятга эга бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепциясини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2019 йил 15 августга қадар давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш ҳуқуқини берувчи тендер эълон қилсин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари билан биргаликда, шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, техник кўмак маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан экспертлар ва консултантларни жалб этган ҳолда давлат-хусусий шериклик аниқ лойиҳаларининг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда хорижий инвесторларга давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисида маълумот етказилишини, шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида ва «Инвестиция портали»да эълон бериш орқали таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти негизида давлат тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари бўйича мазкур тиббиёт муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шартнома асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**7. Қуйидагиларга:**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимовга - соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур қарорнинг амалга оширилишини мунтазам муҳокама қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - молия вазири Ж.А. Қўчқоровга - соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган бюджет маблағларининг ҳажмини ўз вақтида аниқлаш; Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмоновга - соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-

хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ҳамда уларни амалга ошириш, лойиҳалар ташаббускорларига зарур бўладиган молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистик ва бошқа маълумотларни олишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Г.А. Холжигитовга - Соғлиқни сақлаш вазирлигига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш юзасидан шахсий жавобгарлик белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдуҳақимов, Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ*  
*Тошкент ш., 2019 йил 16 апрель, ПҚ-4290-сон*



## **8. 2019 - 2021 йилларда Республика аҳолисига Эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурларини амалга ошириш доирасида аҳолига эндокринология ёрдами кўрсатишнинг яхлит, вертикал интеграциялашган тизими яратилди. Эндокринология муассасаларини юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш ва эндокрин касалликларни профилактика, диагностика қилиш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, эндокринология хизматини янада ривожлантириш эпидемиологик вазиятни баҳолаш ҳамда қандли диабет ва йод танқислиги ҳолати юзага келишининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилишни, шунингдек, эндокринология йўналишларини болалар эндокринологиясининг талаб юқори бўлган йўналишлари билан биргаликда қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Ихтисослашган самарали ва замонавий эндокринология ёрдами тизимини шакллантириш, қандли диабет ва бошқа эндокрин касалликлар профилактикаси ва уларни барвақт аниқлаш чораларини янада такомиллаштириш, аҳолига ихтисослашган юқори малакали эндокринология ёрдами кўрсатиш сифати ва имкониятларини ошириш мақсадида:

1. 2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастури (кейинги ўринларда - Миллий дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Миллий дастурнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

эндокрин касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва аҳолини профилактика тадбирлари билан қамраб олиш бўйича вазиятни тубдан яхшилаш;

қандли диабетга чалинган беморларнинг онлайн-регистрини яратиш, беморларни даволаш амалиётига қандли диабетнинг сурункали асоратлари юзага келиши ва ривожланишини камайтиришга қаратилган клиник ёндашувларни жорий қилиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

вилоятлар эндокринология диспансерлари ва филиалларида эндокрин хирургия, диабетик тўпиқ, диабетик нефропатия ва реанимация бўлимларини ташкил қилиш орқали кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтириш;

«қандли диабет» ташхиси қўйилган болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёлларни аналогли инсулин ҳамда инсулин юбориш учун мосламалар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситалари билан таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш;

ҳудудий ўзини ўзи назорат қилиш мактаблари негизида профессионал инструкторларни жалб қилган ҳолда эндокрин касалликларга чалинган беморлар ва уларнинг оила аъзоларини касалликларни тўғри олиб бориш ва назорат қилишга ўқитиш;

эндокринология муассасаларининг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

эндокринология соҳасидаги маҳаллий илмий тадқиқотлар кўламини, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш амалиётига жаҳондаги илғор тажрибалар, илмий ишланмаларни татбиқ қилиш;

янги эндокринология муассасаларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий диагностика ва маҳсус тиббий ускуналар, воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) орқали эндокринология муассасаларини модернизация қилиш ва уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва халқаро ҳукумат молиявий ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини жалб қилиш бўйича чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қуйидагиларни мунтазам равишда амалга оширишни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

қандли диабетнинг I тури билан касалланган болалар ва ўсмирлар учун аналогли инсулинлар ва ўзини ўзи назорат қилиш воситаларини (тест-чизиқчалар) марказлашган тарзда харид қилиш ва барча вилоят эндокринология диспансерлари орқали тарқатиш;

калий йодид препаратлари билан узлуксиз таъминлаш орқали аҳолининг касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган гуруҳлари (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар) орасида йод танқислиги касалликларини профилактика қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида ушбу бандни ижро этиш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг штатлар нормативларини қўшимча эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритишни кўзда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, эндокринолог, шу жумладан болалар эндокринологи лавозимларини киритиш бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг мавжуд штат birlikлари доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2019 йил 19 апрель, ПҚ-4295-сон***

## 9. ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ - 15.11.2019 (<https://president.uz/uz/lists/view/3000>)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш ҳамда аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилган эди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатдан ўтказиш муддати қисқартирилди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар хомашё ва технологик ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод этилди.

Буларнинг натижасида сўнгги икки йилда 41 та янги фармацевтика корхонаси ташкил этилиб, жами корхоналар сони 191 тага етди. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Фармацевтикага ихтисослашган 8 та эркин иқтисодий зонада қиймати 84 миллион долларлик 18 та янги қувват ишга туширилиб, 600 турдаги дорилар ва 50 дан ортиқ тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лекин бу қувватлар ҳали етарли эмас, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ассортименти ҳам тор. Шу боис ички бозор эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмаяпти ва импорт қилишга тўғри келяпти.

**Мамлакатимиз фармацевтика бозори 1 миллиард доллардан зиёд бўлиб, унда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссаси юқори эмас.** Дори воситалари ҳаракатининг тўлиқ циклини кузатиш - маркировка тизими жорий этилмагани оқибатида уларнинг сифати ва нархини назорат қилиш қийин кечмоқда. **Масалан, ўтган икки йилда юртимизга сифат стандартига жавоб бермайдиган 123 миллиард сўмлик дори-дармонларни олиб кириш ҳолатлари аниқланган.**

Бундай шароитда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг ишончли ва самарали йўли - диёримизда етиштирилган табиий тоза, доривор ўсимликлар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ҳамда сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникалари билан таъминлаш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

**2025 йилгача ички бозорда дори воситалари истеъмол ҳажмининг камида 50 фоизини маҳаллийлаштириш, жумладан, ўзлаштирилган дори номларини ҳозирги 2,5 мингдан 4 мингтага етказиш учун имкониятлар етарли экани таъкидланди.**

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига янги турдаги маҳсулотлар рўйхатини шакллантириб, Ҳиндистон, Россия, Украина, Хитой, Венгрия, Болгария ва Словакиянинг йирик фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

**Мутасаддиларга яқин беш йилда маҳаллий оригинал дори воситалари сонини камида 100 тага етказиш ҳамда саноат усулида ишлаб чиқариш, шу мақсадда корхоналар ва илмий текшириш институтлари ҳамкорлигида Қибрай туманида замонавий технопарк ҳамда Буюк Британиянинг нуфузли олий таълим даргоҳи филиалини ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.** Замон талабига мос кадрлар тайёрлаш, соҳа мутахассисларининг хорижда малака оширишини ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига дориларни махсус маркировкалаш ва ҳаракатини назорат қилиш бўйича дастурий таъминот яратиб, 2020 йил якунига қадар амалиётга жорий этиш топширилди. Бу контрафакт дори воситалари айланишига чек қўйиш ва дориларга бўлган реал талабни “онлайн” равишда кузатиб бориш имконини беради.

Мамлакатимиздаги тармоқ корхоналарида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсия этган GMP стандарти жорий қилинмоқда. **Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида, импорт қилинаётган хорижий дори воситаларини рўйхатга олишда ҳам мазкур стандартга мувофиқлигини мажбурий текшириш тартибини ўрнатиш бўйича тавсиялар берилди.**

Йиғилишда яна бир муҳим масала - соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармонлар билан тўлиқ таъминлаш ҳолати кўриб чиқилди. Бу борада шаффофлик ва ошкоралиқни таъминлаш мақсадида эндиликда давлат тиббиёт муассасалари учун дорилар хариди, уларни сақлаш ва етказиб бериш янги тартибда амалга оширилиши белгиланди.

**Яъни, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказлашган харидлар бўйича тендерлар ташкил этади ва харидлар шаффофлигини таъминлайди. Тендер ғолиблари дори воситаларини марказлашган харид қилиш, сақлаш ва давлат тиббиёт муассасаларига етказиб бериш хизматларини амалга оширади.**

**Дори воситалари бозорида коррупцияни бартараф этиш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, ижтимоий дорихоналарни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан ўзлуксиз таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.**

**Сохада олиб борилаётган ислохотлар аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали тўшунтириш, халққа етказиш муҳимлиги таъкидланди.**

**Фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича беш йиллик концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.**

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларнинг ахбороти эшитилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

## **10. ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ - 27.01.2020**

*(<https://president.uz/uz/lists/view/3326>)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Охирги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонида мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан ҳамкорликда ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкиллаштириш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати чақириқларни автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ рақамлаштирилди ҳамда 150 та махсус “Форд” автомобиллари билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда республиканинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинич ва тез тиббий ёрдам хизматини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳадаги кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. **Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта тор мутахассислар етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.**

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

**Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.**

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилади.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислохотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларигача қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди. Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

## **11. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ-11.03.2020. (<https://president.uz/uz/lists/view/3442>)**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратилади.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлиliga кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан.**

Шу сабабдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илғор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

**Аҳоли саломатлиги профилактикаси аввало қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак хасталикларига, атмосферадаги радиация, озик-овқат маҳсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи қон-томир, юрак, эндокрин, асаб касалликларга сабаб бўлмоқда.**

Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси кўйилди.

Ҳозирда жаҳон бўйлаб коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки, синовдан ўтказётган ушбу хасталикнинг Ўзбекистонга кириб келмаслигини таъминлаш аввало мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, профилактика ишларини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига бу борада кўрилатган карантин ва профилактика чоралари бўйича кўшимча топшириқлар берилди.

**Бунда, энг аввало, халқаро тажриба асосида Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш марказини бириктириб, Агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди.**

Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда алоҳида марказлари ташкил этилади. Қишлоқ поликлиникаларида бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун унга мутахассислар ажратилади. Улар қишлоқ аҳолисини тўғри овқатланиш, гигиенага риоя қилиш, онкологик, юрак қон-томир касалликларига мойил бўлганларни барвақт аниқлаш билан шуғулланади.

**Қишлоқ врачлик пунктлари аҳолини юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар бўйича мақсадли тиббий кўрик ва сўровдан ўтказишни ташкил этиши зарурлиги айтиб ўтилди. Масалан, 40 ёшдан ўтганда инфаркт, инсульт, диабетга, 35 ёшдан ошган аёлларда эса саратонга мойиллик пайдо бўлади.**

Шунингдек, Агентлик ходимлари ҳар бир хонадон, таълим муассасалари ва ташкилотларга бориб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштиради.

**Президентимиз ушбу соҳада фанни ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасаларини қўллаб-қувватлаш борасида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.**

Мазкур муассасалар ҳудудлардаги касаллик омиллари ва сабабларини таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бири бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши, Агентлик ҳар бир ҳудуд бўйича дастурлар қабул қилиши ва ҳокимликлар билан ижросини ташкил этиши лозимлиги таъкидланди.

**Шу билан бир қаторда, илмий-тадқиқот муассасаларининг ҳозирги аҳволи бу ишларни ташкил этишга тайёр эмаслиги кўрсатиб ўтилди.**

Овқатланиш, меҳнат, ўсмирлар гигиенаси билан шуғулланадиган, санитар меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқувчи илмий-тадқиқот институтида атиги 13,5 та штат мавжуд.

Шунингдек, ёш болалар ўртасида паразитар, рахит ва дистрофия касалликлари хавфи катта бўлсада, уларни олдини олиш ва даволашнинг самарали тизими йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу хасталиклар болаларнинг иммун тизимини ишдан чиқариб, бошқа дардларга мойиллигини кучайтиради.

**Шу сабабли, Самарқанддаги Тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти клиникаси Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти билан бириктирилади. Улар негизида Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар республика илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, даволаш жараёни илм билан бирга амалга оширилади.**

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди - хасталик омилларини таҳлил қилиб, даволовчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

**Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт илмий-тадқиқот университети ҳамда Туркиянинг Баҳчешехир университети филиал ва клиникаларини очиш ишларини жадаллаштириш кераклиги қайд этилди.**

Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

**Масалан, 2018 йилда 24 мингтага яқин аниқланган хавfli ўсма касалликларининг 55 фоизи 3 ва 4-босқичда аниқланган. Бу ҳар иккинчи беморнинг даволанишига умид йўқлигини аниқлади.**

Шу муносабат билан, касалликларнинг олдини олишда содда, лекин замонавий ва самарали услубларни қўллаш, уларни жорий этиш қўламларини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

Мисол учун, оддийгина вазн, бўй, бел айланаси, қон босимини ўлчаб, турмуш тарзини сўраб-суриштириб, инсонда инфаркт, инсульт, диабет, гипертония каби қўплаб касалликларни барвақт аниқлаш мумкин.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

**Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилмаган, дейишга асослар етарли. Мисол учун, уларнинг таркибида техник пальма мойининг ишлатилиши қатъиян тақиқланган, лекин бунини аниқлайдиган механизмлар йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу маҳсулот инсон организми учун ғоят зарарли бўлиб, ҳаётий муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга онкологик касалликларга сабаб бўлади.**

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

## **12. КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ХОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.**

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда.

Бу эса энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида ҳам ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида:

### **1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, 10 трлн сўм миқдоридagi Инқирозга қарши курашиш жамғармаси (кейинги ўринларда - Инқирозга қарши курашиш жамғармаси) ташкил этилсин.**

Қуйидагилар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

а) коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан:

#### **даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;**

хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш;

**юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;**

б) қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:

Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

в) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, шу жумладан қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш, шу жумладан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали;



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

«Ишга марҳамат» мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

г) куйидагилар орқали иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг суствлашиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

2. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига), халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан 1 млрд АҚШ доллари миқдоригача ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

икки ҳафта муддатда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаб топиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, «яширин» иқтисодиётни қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигининг янги самарали шакллари жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда комплекс чора-тадбирлар ижроси ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар юзага келаётган макроиқтисодий вазиятни, шунингдек, куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини аниқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан кичик саноат зоналарига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш;

Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ҳамда тадбиркорликни ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун харажатларни ошириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йилда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзларининг чегаравий ҳажмларини қайта кўриб чиқиш;

қўшимча харажатларни мақбуллаштириш ва чеклаш юзасидан аниқ таклифларни киритган ҳолда қатъий бюджет интизоми.

4. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чоратadbирлар ишлаб чиқиш белгилансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки кун муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиладиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг ҳудудий штабларини уларнинг аниқ функция ва вазифаларини белгилаган ҳолда ташкил этсин.

Барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташкилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш мақсадида қилган муурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш, расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилади;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори 5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилади;

умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга камайтирилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади;

в) қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади;

г) 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилади;

д) жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур бандда белгиланган имтиёзни 2020 йил 1 апрелдан амалга киритишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, шунингдек, уларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколоти берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этсин. Бунда, кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) солиқ тўловчиларнинг аризаси, шунингдек, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг хулосалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда:

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;

солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларни жалб қилиш йўли билан солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда «Солиқ хизмати» ДУК орқали солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

10. 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилсин, жинойт ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Тадбиркорлик субъектларига:

божхона расмийлаштируви санасига қадар 12 ой давомида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортига нисбатан 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга;

2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда:

юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб, импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизми жорий этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта муддатда глобал ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт-логистика тизимлари ва савдо алоқаларидаги узилишлар таъсир қилаётган инвестиция лойиҳалари ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар юзасидан таклифлар киритсин.

14. Худуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясига 2020 йил 1 октябрга қадар экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

Худуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси икки ҳафта муддатда экспорт қилувчиларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини тасдиқласин, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги экспорт қилувчиларнинг юзага келаётган қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал қилишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган республика ҳудудларидаги қуйидагиларни куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни назарда тутувчи 2020 йилга қўшимча инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун - 400 млрд сўм миқдориди;  
шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланишдаги йўллари жорий таъмирлаш учун - 1 трлн сўм;  
сув таъминоти ва канализация объектлари учун - 500 млрд сўм;  
ирригация ва мелиорация объектлари учун - 400 млрд сўм;  
соғлиқни сақлаш объектлари учун - 500 млрд сўм;  
умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун - 800 млрд сўм;  
иқтисодий фаоллик ва бандликни, шу жумладан ипотека кредитлаш ҳажмларини оширишни таъминловчи бошқа объектлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши ва ўрнатилган талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

#### 16. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;

коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таққиланади.

#### 17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга ошириш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдориди ҳар кунлик кўшимча тўловлар жорий қилсин;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминласин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш чораларини кўрсин.

#### 18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий қилсин:

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларнинг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўрнини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъи назар (шу жумладан 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилади;

карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчилар ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

#### 19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) банк ва тўлов тизимларининг узлуксиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини қуйидагилар орқали кўриш:

пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиш ҳисобига пул бозорига ҳар ойда умумий суммаси 1 трлн сўмгача ликвидлик тақдим этиш;

банкматларнинг етарли миқдордаги нақд пул маблағлари билан узлуксиз таъминланиши, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) тижорат банклари томонидан:

туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш;

хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

2020 йил 1 июнга қадар кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш, шунингдек, муаммоли кредитларнинг ортиш хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бориш натижаларини тақдим этиш.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун кафиллик ва компенсациялар тақдим этиш ҳажмларини оширишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини 500 млрд сўмгача оширсин.

21. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ:

бир ой муддатда «Uzbekistan airways» АЖнинг 111 млн АҚШ долларига тенг бўлган кредитини қоплаш графигини 2020 йил учун қарздорликлар тўловини тўхтатган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги муносабати билан кредитлар ва улар билан боғлиқ тўловларни қайтариш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича «Uzbekistan airways» АЖнинг хорижий кредиторлари билан музокаралар олиб борсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси уч кун муддатда чекловлар амал қиладиган давр учун енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилсин ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатлари асосида бир кунлик муддатда тегишли сертификатлар берсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларнинг биржага кўйиш ҳажмини ошириш чораларини кўрсин;

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан импортга харид қилинадиган ва интервенция амалга ошириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва зарур ҳажмларини аниқласин;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан кунлик мониторинг ўтказишни таъминласин ҳамда уларнинг нархларни сунъий ошириш, сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси озиқ-овқат маҳсулотларини шартномалар асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда, бозорни тўлдириш ва ички бозорлардаги маҳсулотлар нархларини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли ҳажмларда сотишни таъминласин.

25. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н. Арипов):

жорий йил 22 мартдан бошлаб икки ой давомида кунлик селектор йиғилишларини ўтказиб, ҳар бир ҳудудда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, саноат, инфратузилма, транспорт ва логистика, ижтимоий соҳа объектлари, савдо тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини батафсил муҳокама қилиб борсин ҳамда уларнинг натижаларига кўра юзага келадиган масала ва муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилсин;

ушбу Фармоннинг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ҳафта ахборот бериб борсин ҳамда, зарур ҳолларда, инқирозга қарши курашишнинг қўшимча чоралари бўйича таклифлар киритсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш устидан шахсий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг мурожаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва бандликни таъминлаш бўйича қўшимча захиралар аниқланишини таъминласин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ошиб бораётган юкломани ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини қабул қилиш учун «тезкор алоқа линиялари»нинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсирини юмшатиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида аҳоли ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

**29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 19 март, ПФ-5969-сон*

### **13. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда - Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шошилиш профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

**коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;**

**нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;**

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

**дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.**

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2020 йил 26 март, ПҚ-4649-сон.*

**14. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ - ЖАСОРАТ НАМУНАСИ - 26.03.2020 (<https://president.uz/uz/lists/view/3472>)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилди.

**- Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Касалланганлар сони 450 мингдан, вафот этганлар 21 мингдан ошди.**

Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунга келиб вирус билан касалланганлар сони 65 нафарни ташкил қилмоқда.

Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

**Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.**

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кундан оқ барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сиҳатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

**Ушбу вирусли инфекцияни жиловлash, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.**

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулудда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охириги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилакторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илғор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади.

Чунки, коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак.

Давлат томонидан кўриляётган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлashга қаратилган.

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмаса, тартиб-интизомли бўлиб, карантин



қоидаларига риоя этмаса, барча кўрилатган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаяпти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий огоҳлантираман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Беруний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини қўпол равишда бузиб, эртаси куни 120 нафар кишини чақириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юқтиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани ҳали номаълум.

Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. **Ушбу қонунга асосан, бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.**

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлиғини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

**Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётини заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!**

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос “жанг майдони”да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охирига касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди.

**Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.**

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар ойда қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилади.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юқтириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдоридан алоҳида тўлов берилади.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирусдан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиш бериш зарур.

**Ҳурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман, - деди давлатимиз раҳбари.**

## **15. ТИББИЙ-САНИТАРИЯ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқеини ошириш, шунингдек, 2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда - Вазирлик), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 1-иловага мувофиқ 47 та тиббиёт коллежларини Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи Комплекс дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминласин:

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг моддий-техник базасини янада кучайтириш, амалиёт хоналарини белгиланган нормативларга асосан жиҳозлаш, ўқув-симуляцион аудиторияларни ташкил этиш; валеология, тиббий психология, нутрициология, диетология, фармакология, кинезиология, реабилитология, профпатология фанларини чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилишини жорий этиш ҳамда мазкур техникумларнинг ўқув режалари ва фан дастурларини илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқиш; тиббиёт олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларини:

муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади; жорий сақлаш, фаолият юритиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) тиббиёт олий таълим муассасаларининг даволаш (амалиёт) ишлари проректорлари (директор ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида ушбу олий таълим муассаса клиникаларининг бош шифокорлари ҳисобланади;

б) тиббиёт олий таълим муассасаларида:

бакалаврият таълим йўналишлари, магистратура ва клиник ординатура (резидентура) мутахассисликлари ўқув режаларидаги мутахассисликка оид бўлмаган фанлар улуши 2 баробарга қисқартирилади; клиник ординатурасига (резидентурасига) мақсадли қабул қилинган талабаларнинг битирув курсини вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида ташкил этиш тизими йўлга қўйилади;

в) ҳудудларнинг шифокорларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриятнинг «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилади;

г) тиббиёт олий таълим муассасалари «Даволаш иши», «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим (даволаш иши)» йўналишлари битирувчилари яшаш бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар давлат гранти асосида мақсадли қабул параметрларида кўрсатилган туман (шаҳар)да камида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти киритилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банднинг «в» ва «г» кичик бандларида кўрсатилган таклифларни амалга ошириш механизмларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Вазирлик Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришда тиббиёт кадрларига эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар учун бакалавриат ва магистратурага давлат гранти асосида ўқишга мақсадли қабул параметрларини 50 фоизгача оширишни инobatга олсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) таълим босқичидан қатъи назар 2-иловага мувофиқ чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро сертификатга эга бўлган тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларига (мутахассислик фанларни «қониқарли» баҳога ўзлаштираётган талабалардан ташқари) Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик стипендиясига базавий стипендия миқдорида қўшимча тўлов амалга оширилади;

б) давлат тиббиёт муассасаларининг халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингдаги тиббиёт йўналишида биринчи 200 ўринни эгаллаган олий таълим муассасаларида клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган, шунингдек, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимлари лавозим маошига қуйидаги миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади:

клиник ординатура (резидентура) ва магистратура мутахассислигини тамомлаган ходимга - меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдорининг етти бараварига тенг миқдорда; фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олган ходимга - меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдорининг ўн беш бараварига тенг миқдорда. Мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда:

а) уч ой муддатда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил қилиш ва ўқув жараёнини 2020/2021 ўқув йилидан бошлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2021 йил 1 январга қадар:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахчишеҳир университетининг филиаллари ва клиникаларини Ўзбекистонда ташкил этиш юзасидан; мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар, шунингдек, филиалларни очиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлик Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер ва Акфа университетларини жалб қилган ҳолда ушбу университетлар ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб соғлиқни сақлаш соҳаси учун менежер мутахассисларни (Master of Healthcare Administration) тайёрлаш бўйича магистрлик йўналишини жорий қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Молия вазирлиги 2022/2023 ўқув йилида соғлиқни сақлаш соҳаси учун 50 нафар менежер мутахассисларни магистрлик йўналиши бўйича давлат гранти асосида тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш чораларини кўрсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар мутахассислик йўналишларида асосий ҳисобланган халқаро тан олинган муаллифларнинг адабиётлари, шунингдек, профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича хорижий дарсликларни муаллифлик ҳуқуқлар талабларига риоя қилган ҳолда белгиланган тартибда ўзбек тилига таржима қилиш асосида тиббиёт олий таълим

муассасаларининг бакалавриат, магистратура ва клиник ординатура ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин.

Бунда ушбу тадбирларни молиялаштириш Вазирлик ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Вазирликнинг:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда - Марказ) этиб қайта ташкил этиш;

Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизида Марказнинг кўп тармоқли клиникасини тузиш;

тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган ҳудудларда (Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида) ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида Марказнинг филиалларини очиш;

Марказда 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион марказини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

Марказ Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказнинг кўп тармоқли клиникаси муассиси Марказ ҳисобланади ҳамда унинг фаолияти Марказ томонидан мувофиқлаштирилади;

Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари бир вақтнинг ўзида Марказнинг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Марказ фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Узлуксиз касбий тиббиёт таълимида тўпланадиган кредитлар ҳажми 4-иловага мувофиқ белгилансин.

12. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш тизимида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб аккредитациядан ўтмасдан, Вазирлик томонидан ҳар йили тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида ўқитиш ҳуқуқи куйидаги муассаса ва ташкилотларга тақдим этилсин:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва пуллик асосда - республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

пуллик асосда - нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тегишли тиббий-санитария мутахассисликлар бўйича ўқув-симуляцион маркази (шу жумладан мобил ўқув-симуляцион марказ) ва илмий даражага эга мутахассислари мавжуд бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари.

Белгилансинки, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш мазкур бандда белгиланган муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда ташкил этиладиган сайёр циклар ва масофадан туриб ўқитиш асосида амалга оширилади. Вазирлик узлуксиз касбий малака ошириш тизимида тиббиёт ходимларини ўқитиш билан шуғулланадиган ташкилотларга юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ўқув курсларини ташкил қилишда яқиндан кўмаклашсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

шифокорлар учун ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтиш тартиби киритилади ҳамда уларга қулайлик яратиш ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш учун аттестацияни онлайн тартибда аудио ва видеокузатув остида ташкил этиш тизими жорий этилади; бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларини аттестациядан ўтказиш учун тўлов бекор қилинади.

14. Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари учун малака оширишни назарда тутувчи узлуксиз касбий таълим тизимини жорий этган тиббиёт олий таълим муассасалари (шу жумладан нодавлат тиббиёт олий таълим муассасалари), республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларига малака оширишдан муваффақиятли ўтган мутахассисларга ўтилган ўқиш кредитлари кўрсатилган ҳолда Вазирлик томонидан белгиланадиган намунадаги сертификат расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

15. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2020 йил 7 апрель, ПҚ-4666-сон***

## **16. ПРЕЗИДЕНТ КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ - 07.05.2020. (<https://president.uz/uz/lists/view/3553>)**

**Президент Шавкат Мирзиёев 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши бошида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.**

- Охирги пайтда дунёда ҳар куни 90-100 минг нафар инсон бу вирусни юқтириб олмақда, - деди давлатимиз раҳбари. - Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони қарийб 4 миллионга етди. Минг афсуски, уларнинг 265 минг нафари оламдан ўтди.

Ўзбекистонда касалликка чалинганлар сони 2 минг 269 нафарни ташкил этмоқда. Улардан 1 минг 624 нафари ёки 72 фоизи соғайди. Айна пайтда шифохоналарда 635 нафар бемор даволанмоқда. Хориждан қайтган ва беморлар билан мулоқотда бўлган 45 минг фуқаромиз карантинга олинган.

Биз жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги ва чуқур тушуниши, сабр-тоқати билан Ўзбекистонда бу офатни жиловлаб турибмиз. Лекин барибир жуда ҳам зийраклик ва эҳтиёткорлик билан, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ.

Республикаимизда эпидемиологик вазият барқарорлашганидан фойдаланиб, вирусдан холи ҳудудларда иқтисодий юзғизиб юбориш ва одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошладик. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг кўплаб мурожаатларини ҳам инобатга олдик.

**Ўтган селекторда берилган топшириққа мувофиқ, Республика комиссияси томонидан 8 майдан бошлаб, инфекция аниқланмаган ёки беморлар тўлиқ соғайган Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари “яшил”, охирги 14 кунда вирус аниқланмаган, лекин даволанаётган беморлар бўлган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри “сарик”, доимий равишда инфекция аниқланаётгани учун бошқа ҳудудларнинг барчаси “қизил” тоифали ҳудуд деб эълон қилинди.**

Шунингдек, минтақаларнинг тоифасига қараб, рухсат этиладиган хизмат турлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилди. Албатта, “яшил” ҳудудларда кўпроқ, “сарик”да камроқ, “қизил”да чекланган сондаги хизматлар кўрсатилади.

Такрор ва такрор айтаман, жаҳонда, айниқса биз яқин ҳамкорлик қиладиган давлатларда пандемия тобора кучайиб бораётганини, бу ҳолат бизга ҳам катта хавф солиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу сабабли барчамиздан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Бу борада, фаолиятини умуман тўхтатмаган корхоналарда ҳам, ўз ишини қайтадан бошлашга рухсат берилган соҳаларда ҳам вирусга қарши курашиш бўйича чекловлар сўзсиз бажарилиши керак.

Яна бир бор такрорлайман, ҳар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт.

**Шу билан бирга, “сарик” ва “қизил” тоифадаги вилоятларда касаллик умуман аниқланмаган туманлар ҳам борлигини инобатга олиш лозим. Худди шундай, эртага “яшил” вилоятдаги бирор бир туманда касаллик аниқланадиган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартириш шарт эмас, - деди Президентимиз.**

Республика комиссиясига ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш бўйича топшириқ берилди.

## **17. ПРЕЗИДЕНТ: БЕПАРВОЛИК ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ БАРЧА ИШЛАРИМИЗ НАТИЖАСИНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШИ МУМКИН - 26.05.2020**

*(<https://president.uz/uz/lists/view/3605>)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 26 май куни инвестиция масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

- Кейинги кунларда коронавирус билан касалланганлар сони республикаимизда ҳам кўпайганлиги қайд этилмоқда.

Айтиш керакки, аксарият ҳудуд ва корхона раҳбарлари, фуқароларимиз карантин чораларининг юмшатишганини “касаллик тугади” деб, нотўғри қабул қилмоқдалар.

Бугунгача чет элдан олиб келинган фуқароларимиз сони 47 мингтани ташкил этмоқда. Афсуски, уларнинг, айниқса кейинги икки ҳафта давомида кириб келганларнинг аксариятида коронавирус аниқланган.

Беморларнинг қарийб 50 фоизини ҳам хориждан келган фуқаролар ташкил этади.

Кейинги 10 кунда 3,5 минг одам ҳаво йўллари, 7 мингга яқин ватандошимиз чегара постлари орқали юртимизга кириб келиши кутиляпти. Бунга қўшимча яна 100 минг нафардан ортиғи Ўзбекистонга қайтиш истагини билдириб, навбат кутмоқда.

Фуқароларимиз қайтиб келаётган давлатлар ҳамда қўшни мамлакатлардаги вазиятнинг оғирлигини ҳисобга олиб, хотиржамликка берилиш мумкин эмас.

Айниқса, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатларимиз, бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатларимиз натижадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Республика комиссияси вилоят ҳокимлари билан бирга бир кун муддатда эпидемиологик вазият ёмонлашган ҳудудларнинг тоифасини қайта кўриб чиқсин ҳамда карантин чораларини кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги “қизил” ва “сарик” ҳудудларда кунлик тест олиш сонини ошириши лозим. Бунда тиббиёт муассасалари, бозорлар, банклар ва аҳоли кўп жойларда назорат тестлар олишни кўпайтирсин.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчиман. Пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилдик. Лекин жойларда ушбу қарорлар ижросини ташкил этиш оқсамоқда, яратилаётган шароит ва имтиёزلарни фуқаролар ва тадбиркорларга манзилли етказа олмаяпмиз.

Олий Мажлис палаталари жойларда халқ депутатлари кенгашлари билан бирга пандемияга оид Президент қарорлари ва топшириқлари ижроси юзасидан парламент ва кенгашларнинг таъсирчан назоратини йўлга қўйиш кутилган натижа бериши мумкин.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент қарорлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, оммавий ахборот воситалари, парламент вакиллари ва кенг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб борсин.

Албатта, карантин чораларини юмшатиш туфайли 19 мингдан зиёд (91 фоиз) саноат, 9 мингга (76 фоиз) қурилиш, 51 мингга (52 фоиз) хизмат кўрсатиш, 45 мингга (44 фоиз) савдо корхоналарининг фаолияти тикланди.

Бунинг натижасида май ойида солиқ ва божхона тушумлари ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 230 миллиард сўмга, товар-хом ашё биржасида қурилиш материаллари савдоси ҳажми эса 20 фоизга кўпайди.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш ҳажми ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ўсди.

Бу борадаги ишларимизни карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳам тармоқ, ҳам ҳудуд кесимида манзилли тарзда давом эттиришимиз лозим.

## **18. КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИ ЮМШАТИШ, АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИГИ ВА САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Дунёда коронавирус пандемияси хавфининг тобора кучайиб бораётгани юқумли касалликлар, шу жумладан коронавирус инфекциясига қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда.

**Айниқса, касалликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис қилиш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилинч тиббий ёрдам муассасалари) ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўйиш зарур.**

Шунингдек, жамоат саломатлигини сақлашда касалликлар профилактикаси, инсон иммунитетини мустаҳкамлаш, бунинг учун аввалам бор тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш устувор вазифага айланмоқда.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, санитария-эпидемиология хизматининг яқин ва ўрта истиқболдаги ривожланишини белгилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (замонавий лабораториялар, асбоб-ускуналар, махсус техника, тест тизимлари, химоя воситалари ва бошқалар), соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва жалб қилиш мақсадида:

**1. Мамлакатда коронавирус пандемияси кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси (А.Н. Арипов) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш бўйича қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширсин:**

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда беш кун муддатда ҳудудларда шаклланган ижобий тажрибадан келиб чиқиб:

маҳаллалар ва аҳоли хонадонларида юқумли касалликлар, шу жумладан коронавируснинг олдини олиш, симптомсиз, енгил кечаётган беморлар ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар бир оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда мобил гуруҳларни ташкил қилсин;

мобил гуруҳлар таркибига биринчи навбатда малакали шифокор ёки инфекционист ҳамда патронаж ҳамшираси киритилишини таъминласин;

**Молия вазирлигини жалб қилган ҳолда мобил гуруҳларни дори-дармон, алоқа, транспорт воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуна ва анжомлар (шахсий химоя воситалари, пульсоксиметр, пирометр ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин;**

мобил гуруҳлар учун соддалаштирилган йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини тизимли йўлга қўйиш, лаборатория текширувидан ўтказишда тирбандликнинг олдини олиш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида лаборатория текшируви амалиётига хусусий секторни жалб қилган ҳолда экспресс-тест ва иммунофермент таҳлили усуллари киритилишини таъминласин;

б) алоҳида хизмат кўрсатиш ташкил этилган тиббиёт муассасалари, улардаги бўш койкалар сони, касалларни қабул қилиш ҳолати, касалликка чалинган ва тиббиёт муассасаларида ҳамда бошқа **рухсат этилган ҳудудларда даволанаётган беморлар сони, уларнинг ҳолати, дори воситалари, шунингдек, зарур лаборатория ва тиббиёт анжомлари ва техникасининг мавжудлиги ҳамда ҳолати юзасидан маълумотларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан ижтимоий тармоқларда эълон қилинишини таъминласин;**



в) аҳоли томонидан мурожаат қилинганда ҳамда уларда касаллик белгилари аниқланганда тезкорлик билан коронавирус инфекциясига таҳлил олиш ва таҳлил натижаларини уч кунлик муддатда уларни шахсий телефон рақамлари орқали хабардор қилиш чораларини кўрсин;

г) ўн беш кун муддатда тиббиёт муассасалари ўртасидаги ахборот алмашиш тизимини соддалаштириш мақсадида ҳисоботлар тури, даврийлиги ва бошқа қоғозбозликлар билан боғлиқ жараёнларни электрон тизимга ўтказиш орқали кескин қисқартирилишини таъминласин;

д) қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда коронавирус касаллигига чалинган беморларга уй шароитида ёрдам кўрсатишнинг қуйидаги тартибини жорий қилсин:

ҳар бир оилавий поликлиника кесимида умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси учун аниқ хонадонлар тақсимланади ҳамда умумий назорат оилавий поликлиника мудирини томонидан амалга оширилади;

ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида тажрибали шифокорлардан иборат бўлган касалликка чалинган беморларни саралаш ва эвакуация қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гуруҳлари тузилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида бирламчи бўғин шифокорлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг врачлари оператив маслаҳатлашиш ва беморлар аҳволини тўғри баҳолай олиш имконини берадиган алоқа тизими ўрнатилади;

оилавий поликлиника мудирини ҳар куни касаллиги симптомсиз, енгил кечаётган беморлар, улар билан мулоқотда бўлган шахслар сони, аҳволи, шунингдек, даволаш муолажаларини олаётган беморларда касаллик кечиш динамикаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки онлайн видеоалоқа тизими орқали туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникалар бўйича координаторига етказиб боради;

уй шароитида даволанаётган беморлар аҳволи динамикасида салбий ўзгаришлар кузатилган тақдирда мобил гуруҳга мурожаат қилиб, беморни туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлган тиббиёт муассасаларига ётқизиш чораларини кўради;

е) соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини соддалаштириш мақсадида:

икки ҳафта муддатда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги мавжуд кичик ва ўрта тиббий ходимлар вакант жойлари тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари, пенсионерлар ва бошқа тиббиёт мутахассислигига эга бўлган шахслар орасидан тўлиқ тўлдирилишини таъминласин;

ўн беш кун муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда тиббиёт муассасалари умумий клиник лабораторияларининг врач-лаборантларини вирусология лабораторияларида фаолият кўрсатиши учун тайёрлаш, шу жумладан амалий кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

йигирма кун муддатда республикадаги олий таълим муассасаларининг «Биология» таълим йўналишини тугатган битирувчиларини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, Тошкент тиббиёт академияси ва унинг ҳудудий филиаллари, Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларида вирусология лабораториясининг врач-лаборант мутахассислиги бўйича бир ойлик қайта тайёрлаш курсларини йўлга қўйсин. Бунда, мазкур курслар онлайн тарзда ўтказилиб, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича эълон қилинган карантин тадбирлари якунига қадар барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг давлат гранти асосида таҳсил олган битирувчиларини 1 йилгача бўлган муддатга вазият оғир бўлган ҳудудларга жалб қилинишини таъминласин. Бунда вазият оғир бўлган ҳудудларга жалб қилинаётган мутахассислар учун уй-жой ва бошқа қулай шароитлар яратиш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

йигирма кун муддатда Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳудудий бўлинмаларининг тиббий ходимларини «валеолог» мутахассислигига қайта ихтисослаштириш бўйича бир ойлик қисқа муддатли онлайн курсларини ташкил қилсин;

ж) Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази томонидан бирламчи тиббий-санитария муассасаларини (қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар) жалб қилган ҳолда аҳолининг кенг қатламлари ва ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, зарарли одатларга қарши курашиш, тиббий маданиятни ривожлантириш, жисмоний тарбия, спорт ва тўғри овқатланишни фаол тарғиб қилиш бўйича доимий равишда зарур чоралар кўриб борилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4310-сон қарори билан эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни бирламчи тиббиёт-санитария муассасалари учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) тайёрлаш тизими йўлга қўйилганлиги инобатга олинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 15 августга қадар бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) таҳсил олаётган умумий амалиёт шифокорларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

2020 йил 20 августга қадар бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) таҳсил олиш учун шифокорлар мутахассисликлари рўйхатини тасдиқласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларини (интернатура) тўлиқ жорий қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда - Санитария-эпидемиология хизмати), унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати унинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар билан бирга яхлит тизимни ташкил қилади.

4. Санитария-эпидемиология хизматининг тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланиши татбиқ этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Санитария-эпидемиология хизматининг жозибдорлигини ошириш ва тизимга малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида 2021 йил 1 мартга қадар пандемиядан кейинги даврда ҳам тиббиёт ва Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янгиланган тизимини тасдиқласин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4695-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш шартлари Санитария-эпидемиология хизматининг ходимларига қўлланилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг амалдаги ойлик иш ҳақларига қўшимча равишда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлганда лавозим маошига - 30 фоиз, фан доктори (DSc) илмий даражаларига эга бўлганда - 60 фоиз ҳар ойлик устамалар белгиланади;

Санитария-эпидемиология хизматининг илмий-тадқиқот муассасалари:

бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобига базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади;

**раҳбар ходимларининг иш ҳақи бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;**

б) Санитария-эпидемиология хизматига моддий-техника базасини яхшилаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадида аҳолига пуллик асосда (лаборатория хизмати, сертификация, экспертиза ва бошқалар) хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилади;

**в) Санитария-эпидемиология хизмати Давлат бюджетидан тизимга ажратилган маблағлар, уларнинг сарфланиш йўналишлари, самарадорлик натижалари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича жамоатчиликка эълон қилади ва ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.**

6. Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари Махсус жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларидаги барча қолдик маблағлари Жамғармага тўлиқ ўтказилади.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун Санитария-эпидемиология хизмати томонидан қўлланилган жарималар ва жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи (назорат тадбирлари бошқа давлат органлари билан биргаликда амалга оширилганда, жарима ҳамда жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 25 фоизи);

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин қолган суммасининг 15 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан уй-жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимига кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Санитария-эпидемиология хизмати олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида хорижий ва маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш.

9. Қуйидагиларни назарда тутувчи Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Давлат бюджетининг 1,7 млрд сўм ва халқаро молия институтларининг (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма ва инвестиция банки) жалб қилинган 194,5 млн АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, юқори технологияли асбоб-анжомлар, аппаратуралар, жиҳозлар, махсус техника, сарфловчи ва бошқа воситалар билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

Белгилансинки, чора-тадбирлар режасига мувофиқ харид қилинаётган асосий воситалар, қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари асослантирилган ҳисоб-китобларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Мусаев) билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) чора-тадбирлар режасига мувофиқ харид қилинаётган асосий воситалар, қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари бўйича жалб қилинаётган халқаро молия институтлари маблағларининг тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни бошқариш гуруҳларини бирлаштириш ва ягона

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. 2020 - 2025 йилларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш жараёнига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро экспертларни жалб қилсин.

12. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни (кейинги ўринларда - Белги) бериш амалиёти жорий қилинсин.

Белгилансинки:

Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги - «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифалар бўйича 12 ой муддатгача берилади;

«яшил» тоифадаги Белгига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига йўл қўйилмайди (оммавий захарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектлари «яшил» тоифадаги Белгига эга бўлган объектларга тенглаштирилади;

Белги тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси билан (ихтиёрий) ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда давлат органлари ташаббуси билан (мажбурий) берилади;

тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси билан (ихтиёрий) Белгини олиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳамда пуллик асосда амалга оширилади. Бунда, кўрсатилаётган хизматлар учун олинган даромад Санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ходимларни рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Санитария-эпидемиология хизмати ва Савдо-саноат палатаси манфаатдор идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар Белгини бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилаётганлиги муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тугатилсин.

Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари - тегишинча Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

15. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда тегишли тиббиёт олий таълим муассасаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида санитария-гигиена ва эпидемиология ҳамда микробиология йўналишидаги филиаллар, шунингдек, халқаро факультетлар очилишини таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 мартга қадар содир бўлган фавқулодда ҳодиса, табиий офатлар, пандемия даврида йўл қўйилган камчиликлар ва орттирилган тажрибадан келиб чиқиб,

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ва «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларни янги таҳрирда ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

Бунда, лойиҳаларда юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, табиий ёки техноген хусусиятга эга офатлар содир бўлиши хавфи юзага келган шароитда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича батафсил «ҳаракатлар алгоритми» ва амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5814-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 25 июль, ПФ-6035-сон*

## **19. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори**

2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 - 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса сурункали касалликлар профилактикасида ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик жиҳатидан амалда синалган халқ табobati муҳим ўрин тутди.

Ўтган давр ичида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси ташкил этилди, халқ табобатининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шарт-шароитлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишлар таҳлили халқ табobati хизматларини кўрсатишни, унинг усуллари самарадорлигини баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, халқ табobati замонавий соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш, ушбу йўналишда мутахассислар ва бошқа тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Халқ табобатининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усуллари замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

**1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Халқ табobati соҳасидаги 2014 - 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин. Унинг мақсади қуйидаги йўналишларда аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлашдан иборат:**

**саломатлик, осойишталик, инсонларга қаратилган тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни таъминлаш, тиббий-санитария хизматлари сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамраб олишни кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларга ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратишда халқ табобатининг салоҳиятидан фойдаланиш;**

**меъёрлар ва қоидаларни белгилаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда халқ табobati маҳсулотлари ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимига интеграциялаш, кадрлар малакасини ошириш, даволаш кўникмалари, хизматлари ва усуллари такомиллаштириш йўли билан халқ табobati хавфсиз ва самарали қўллашга лозим даражада кўмаклашиш.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон халқ табobati ассоциацияси, «Табобат» академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 - 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ табobati ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси» билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

**Ушбу Концепцияни ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:**

**таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони билан тасдиқланган ва ҳозирда амалга оширилаётган 2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқлиги;**

**аниқ механизмлар ва бошқичларни кўрсатган ҳолда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқ табобати соҳасидаги 2014 - 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида назарда тутилган тавсиялар ва таклифларни амалда бажариш;**

Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг халқ табобатини ривожлантириш борасидаги илғор институционал тажрибасини, шу жумладан жойига бориб кенг ўрганиш;

ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида халқ табобати воситалари ва усулларининг сифати ҳамда хавфсизлигини тартибга солишнинг институционал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг асосий йўналишларини ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқ табобати ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан:

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ табобати илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда - Республика маркази);**

**тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида мазкур қарорнинг 8-бандида кўрсатилган молиялаштириш манбалари билан юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ табобатини ривожлантириш марказларини (кейинги ўринларда - Ҳудудий марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.**

4. Қуйидагилар Республика марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқ табобати усулларида, шу жумладан ўзбек халқ табобатининг тарихий анъаналари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

халқ табобатининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксиотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш;

халқ табобатини касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича, шу жумладан илмий-тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали таклифлар тайёрлаш;

халқ табобатида фойдаланиладиган ўсимликларни ўстириш ва ўсимлик кўринишида бўлмаган хомашё тайёрлашни, ушбу йўналишда лаборатория ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, халқ табобатида энг кўп ишлатиладиган ўсимликлар ва хомашёни ўстиришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

халқ табобати бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни Ҳудудий марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

фуқаролар саломатлигини таъминлашда халқ табобатининг ролини ошириш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий мамлакатларнинг халқ табобати вакили бўлган ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, мамлакатимизда халқ табобатини янада ривожлантириш масалалари бўйича биргаликда анжуманлар, форумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

5. Қуйидагилар:

Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Халқ табобатини ривожлантириш марказлари ташкил қилинаётган тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

Республика маркази халқ табобати соҳасида бош муассаса, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси эса ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича клиник база ҳисобланади;

Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда - Вазирлик) ташкилий тузилмасига қиради ва унга ҳисобдор бўлади;

Республика марказига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Республика маркази директори меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Вазирлик бош бошқармасининг бошлиғига тенглаштирилади;

Республика маркази Вазирликнинг илмий-амалий, тадқиқот ва бошқа муассасаларини оптималлаштириш ҳисобига тўлдирилади;

Худудий марказлар Республика марказининг жойлардаги бўлинмалари ҳисобланади, Республика маркази уларга методик раҳбарлик қилади ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

Худудий марказларда ўқитиш Вазирлик томонидан тасдиқланган, Республика маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ва «Табобат» академияси томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича пуллик асосда амалга оширилади;

Худудий марказларда ўқитиш қийматининг миқдори Республика маркази томонидан белгиланади;

Худудий марказларга тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Вазирлик томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Худудий марказларнинг битирувчиларига халқ табобати бўйича малака оширганлик тўғрисида расмий ҳужжат деб тан олинадиган белгиланган шаклдаги сертификат берилади;

халқ табобати бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларга Вазирлик томонидан тасдиқланадиган шаклдаги халқ табобатининг тегишли йўналишларида фаолият олиб бориш ҳукуқини берувчи гувоҳнома берилади;

Худудий марказларнинг директорлари Республика маркази директори томонидан лавозимга тайинланади;

Худудий марказларда ўқитувчилик фаолиятига тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, халқ табобати бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимлари жалб қилинади;

Худудий марказлар ходимларига тиббиёт олий таълим муассасаларида тегишли лавозимлар учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

талаб юқори бўлган доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳамда халқ табобати соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тегишли тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари балансида турадиган ва Худудий марказларга доимий фойдаланиш учун бериладиган 1 гектаргача бўлган майдонга эга мини-плантациялар (кейинги ўринларда - мини-плантациялар) ташкил қилинади;

Худудий марказларда илғор илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб бориш учун замонавий лабораториялар ташкил этиш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлик, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ва «Табобат» академияси билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар муддатда мини-плантациялар ташкил қилиш учун кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни танлаш ва ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ишларини амалга оширсин.

8. Худудий марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин: шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан халқ табобати бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари;

ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юримдик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари;



қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Вазирлик ва Ўзбекистон халқ таъбиоти ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан қуйидагиларда халқ таъбиоти хоналарини очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ва ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 1 нафардан штат бирлигини ажратиш орқали уларни тўлдириш;  
нодавлат тиббиёт ташкилотларида.

Вазирлик бир ой муддатда ушбу банд талабларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқиш қисми бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминласин.

10. Вазирлик икки ҳафта муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Худудий марказларнинг тузилмаси ва низоми;

Худудий марказларда тингловчиларни ўқитиш дастури;

касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ таъбиотининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш механизмлари ҳамда тартиби.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан халқ таъбиоти усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган ҳамда маҳаллий табиий ва ўсимликлардан олинадиган халқ таъбиоти дори воситалари рўйхати шакллантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиоти соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3968-сон қарорида халқ таъбиоти усулларидадан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш кўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик Фанлар академияси билан биргаликда мазкур маълумотлар базасига халқ таъбиоти усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган табиий ва ўсимликлардан олинадиган дорилар, халқ таъбиоти воситалари, шунингдек, халқ таъбиоти усулларидадан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни киритиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

ҳар йилги давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда халқ таъбиоти бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари учун танлов эълон қилинишини таъминласин;

Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари ва Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши қарорлари асосида Жамғарма маблағларини мазкур қарорга мувофиқ Худудий марказларда замонавий лабораторияларни ташкил этиш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш учун йўналтиришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика маркази буюртманомаларига асосан Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш мақсадида хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилиши (муддати узайтирилиши), шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилиши (муддати узайтирилиши)ни белгиланган тўловларни ундирмаган ҳолда таъминласин.

14. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш жараёнига хорижий давлатлардан, шу жумладан халқ таъбиоти энг яхши ривожланган Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция ва Россия давлатларидан халқ таъбиоти масалалари бўйича мутахассис ва экспертларни жалб қилишни таъминласин;

уч ой муддатда халқ табобати соҳасида истиқболга ва ривожланиш тажрибасига эга бўлган мамлакатлар билан ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан илмий-таълим лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича меморандум ва келишувларни имзолашнинг мақсадга мувофиқлиги ва механизмлари тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил якунига қадар республиканинг (ташкilotларнинг) халқ табобати соҳасидаги халқаро профессионал ташкilotларга (Жаҳон акупунктура ва моксотерапия ассоциациялари федерацияси, Жаҳон хиро-амалиёт федерацияси, Жаҳон гидротерапия ва климатотерапия федерацияси, Жаҳон хитой тиббиёти жамиятлари федерацияси ва бошқаларга) аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритсин;

б) Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкilotлар билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар Ҳудудий марказлар кутубхоналарини Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Абу Мансур Қумрий, Исмоил Журжоний каби қомусий олимлар, файласуфлар, табиблар ва халқ табобати соҳасидаги бошқа буюк аждодларнинг илмий меросини ўрганиш билан боғлиқ ишлар тўпламларининг нусхалари билан таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси, «Табобат» академияси ва манфаатдор ташкilotлар билан биргаликда аҳоли ўртасида халқ табобатининг, касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларга асосланган табиий маҳсулотларнинг афзалликларини кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

15. Республика маркази Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй манзилида жойлаштирилсин.

16. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бевосита ижросини таъминлаш қуйидаги шахслар зиммасига юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ўринбосари - мазкур қарорни сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро қилиш, масъул вазирликлар, идоралар, ташкilotлар ва ҳокимликлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, кўрилган чоралар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов - Республика маркази ва Ҳудудий марказлар иши самарали ташкил этилиши, уларнинг келгусида фаолият юритишини таъминласин, Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини янада ривожлантириш масалалари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotи, бошқа халқаро ва ноҳукумат тузилмалар билан яқин ва фаол ҳамкорликни ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Қ. Юсупалиев - касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ табобатининг замонавий тиббиётга босқичма-босқич интеграциялашувини, халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи шахсларни хатловдан ўтказиш ва уларни кейинчалик тегишли гуруҳларга таснифлашни таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкilotлар раҳбарлари - барча тадбирларни мазкур қарорга мувофиқ белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарсин, қўйилган вазифаларни амалга оширишда Вазирликка ёрдам кўрсатсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
**Тошкент ш., 2020 йил 10 апрель, ПҚ-4668-сон**

## **20. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШГА ҲАМ, ИҚТИСОДИЁТНИ ИШЛАТИШГА ҲАМ МАЖБУР ВА МАСЪУЛМИЗ - 28.07.2020**

*(<https://president.uz/uz/lists/view/3742>)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ҳудудларда коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазиятни тартибга солиш бўйича кўрилатган чоралар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бутун дунёда COVID-19 тарқалиши ҳамон давом этмоқда. Мамлакатимизда охириги беш кунда инфекция юқтирганлар сони 3 мингга кўпайиб, 21 минг 700 нафарга етди.

**Жумладан, Тошкент вилоятида 347 та, Қашқадарёда 193 та, Сурхондарёда 130 та, Самарқандда 123 та, Сирдарёда 83 та, Андижонда 79 та янги касалланганлар аниқланган. Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистонда пневмония ҳолатлари анча кўпайган.**

Маълумки, Республика махсус комиссиясининг қарорига мувофиқ, юртимизда карантин талаблари муддати 15 августгача узайтирилди. Шу билан бирга, ҳозирги вазият пандемияга қарши кураш ишларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Йиғилишда бу борада ҳудудларда долзарб бўлиб турган масалалар кўриб чиқилиб, қўшимча вазифалар белгиланди.

Республика махсус комиссиясига жойлардаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган гуруҳлар тузиб, ҳар бир ҳудудга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

Ушбу гуруҳларга мутасадди идоралар, ихтисослашган тиббиёт марказлари ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлири раҳбар ва мутахассислари, шунингдек, нафақадаги тажрибали шифокорлар жалб этилади. Бу ҳудудларда аҳолига эрта ва аниқ ташхис қўйиш, беморларни касаллик даражасига қараб тўғри ва малакали даволашда муҳим омил бўлади.

**Ҳокимликларга коронавирусга ихтисослашган шифохоналар ташкил этиш, интенсив ва реанимация ўринларини кўпайтириш, уларни зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармон билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Тошкент шаҳридаги тажриба асосида COVID-19 ва пневмония билан касалланганларга дастлабки малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган “махсус поликлиникалар” ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.**

Давлат раҳбари оғир касаллар аҳволини енгиллаштирадиган тиббий ускуналар таъминоти масаласига алоҳида тўхталди.

**Кайд этилганидек, охириги икки ҳафтада қўшимча равишда 370 та сунъий нафас олдириш аппарати, 1 минг 41 та портатив нафас олдириш ускунаси, 1 минг 164 та кислород концентратори ва бошқа зарур тиббий жиҳозлар олиб келиниб, ҳудудларга тарқатилди. Касаллар кўпайиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Республика махсус комиссиясига жойларга яна қўшимча ускуналар етказиш бўйича топшириқ берилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкил этилди. Ушбу хизматнинг бугунги кундаги энг асосий вазифаси вирус занжирини узиш ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими, ҳокимликлар билан биргаликда беморларни соғайтириш ва улардан бошқаларга вирус юқишини камайтириш ҳам энг муҳим йўналишдир.

Йиғилишда ёш болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар, ногиронлиги ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги белгиланди.

Карантин даврида бирор бир эҳтиёжманд оила эътибордан четда қолмаслиги, кам таъминланган аҳоли қатламига моддий ёрдам, озиқ-овқат ва дори-дармонларни манзилли етказиб бериш тизими “соат”дай аниқ ишлаши кераклиги таъкидланди.

**- Ҳозирги шароитда касалларни даволашга ҳам, иқтисодий ётти ишлатишга ҳам мажбур ва масъулмиз. Шунинг учун аҳоли саломатлигини сақлаш, айна пайтда темир интизом билан ҳамма ишларни давом эттиришимиз керак, - деди Шавкат Мирзиёев.**

Ҳокимлар ўз худудидаги реал вазиятдан келиб чиқиб, аниқ чоралар кўриши бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, 65 ёшдан ошганлар зарурат бўлмаса уйдан чиқмаслиги қоидаларига қатъий риоя қилишнинг аҳамияти қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар ва сектор раҳбарлари қатнашганидан фойдаланиб, экспорт ва инвестиция масалалари, бюджет тушумлари прогнозининг бажарилиши, ғўза парвариши ва экинларни суғориш ишларининг бориши кўриб чиқилди. Булар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

## 21. ПАНДЕМИЯНИ ЖИЛОВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ 04.08.2020 - (<https://president.uz/uz/lists/view/3751>)

Айни дақиқаларда Президент Шавкат Мирзиёев навбатдаги видеоселектор йиғилиши ўтказмоқда. Тадбирда бугун Ўзбекистон бўйлаб коронавирус пандемиясини жиловлаш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинмоқда.

Жумладан, охириги пайтда дунёда COVID-19 инфекциясининг тарқалиши кескин тезлашиб, жами касаллар сони 19 миллионга яқинлашгани, қурбонлар ҳам кўпайгани афсус билан таъкидланди. Вазият ғоят жиддийлигини 31 июлда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти пандемия билан боғлиқ халқаро фавқулодда ҳолатни яна 3 ойга узайтиргани ҳам кўрсатиб турибди.

**Мамлакатимизда охириги бир ҳафтада 5 мингдан ортиқ янги касал аниқланиб, жами вирус юқтирганлар сони 27 мингга яқинлашди. Энг ёмони, коронавирусуга қўшимча тарзда, асорати оғирроқ бўлган пневмония ҳолатлари ҳам кўпаймоқда.**

**Ушбу ҳолатни инобатга олиб, юртимизда қўшимча чоралар кўрилди. Жумладан, охириги 20 кунда коронавирусни даволаш ўринлари 3,5 баробарга кўпайтирилди ва қарийб 65 мингга етказилди.**

**Жойларга қўшимча равишда қарийб 800 та тез тиббий ёрдам машиналари етказиб берилди.**

**Қўшимча 4 мингга нафас бериш ўскуналари (ЎСВ, портатив сунъий нафас бериш аппарати, кислород концентратори) олиб келиниб, уларнинг сони 6,5 мингга етди.**

- Аҳоли ўртасида вирус тарқалишининг олдини олиш ва беморларни даволаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишларни янада кучайтирган ҳолда давом эттиришимиз зарур, - деди давлатимиз раҳбари.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди.

Жойлардаги бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизими ишини янада жонлантириш кераклиги таъкидланди.

Мисол учун, пойтахтимизда “оилавий поликлиника - мобил бригадалар - махсус поликлиникалар - “103” тез ёрдам хизмати” тизимининг узвий ишлашини таъминлаш ҳисобига бир ҳафтада соғайганлар улушини 45 фоиздан 58 фоизга оширишга эришилди.

Шу муносабат билан, Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаевга ҳокимликлар ва сектор раҳбарлари билан бирга бир ҳафта муддатда “Тошкент шаҳри тажрибаси” негизида ҳудудларда симптомсиз беморларни ўз уйида мобил тиббий гуруҳлар ёрдамида уларнинг кўмак ва тавсиялари асосида даволаш тизимининг жорий этилишини яқунлаш вазифаси юклатилди.

Президент Шавкат Мирзиёев, шунингдек, ҳудудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турдаги ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлигини айтди.

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳудудларга Тошкентдан бириктирилган ихтисослаштирилган марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ишини янада самарали ташкил этишларига ҳар томонлама кўмаклашишлари керак, - деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев таъкидланидек, ҳар бир оғир беморни даволаш тактикаси бўйича юртимиз ва хориждаги малакали мутахассислар билан видеоалоқа орқали маслаҳат бериш тизимини мунтазам равишда унумли ишлатиш мақсадга мувофиқ.

**Маълумки, бугун қатор мамлакатлар соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимларида коронавирусу давосини топиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Мисол учун, Хитой, Ҳиндистон, Буюк Британия, Россия фармацевтика компаниялари яқин вақт ичида вакцина ишлаб чиқаришни бошлаши ҳақида хабар қилинган.**

**Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаевга бир ҳафта муддатда етакчи олимлар ва тажрибали шифокорлар билан маслаҳатлашган ҳолда, вакцинани харид қилиш ва мамлакатимиз аҳолиси вакцинациясини амалга ошириш йўллари пухта ўрганиб чиқиш топшириғи берилди.**

Касалликнинг олдини олиш, коронавирусга шубҳа бўлган фуқароларни шифохоналарга етказиш, карантин талабларини тушунтириш ва бу жараёнда жамоатчилик назоратини амалга оширишда жойларда маҳалла идораларининг иштирокини кескин кучайтириш кераклиги уқтирилди.

Чунки халқимиз турли хил масалаларда биринчи навбатда маҳаллага мурожаат қилишга ўрганган.

- Республика бўйича 9 минг 150 та маҳаллада қарийб 40 минг одам бюджетдан ойлик олиб ишлайди, - дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. - Уларнинг ойликларини ҳам жорий йилда қарийб 1,5 баробарга ошириб бердик. Шундай оғир шароитда нима учун улар четда туришлари керак? Ўз аҳолисининг аҳволидан яхши хабардор бўлган, қайси хонадонда қандай бемор борлигини, кимнинг яшаш шароити қандайлигини, ким ёрдамга, ким врачга муҳтожлигини улардан яхши биладиган бошқа одамнинг ўзи йўқ пастки тизимда.

Бунинг учун ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари ҳар бир маҳаллада маҳалла раислари, профилактика инспектори ва бошқа ходимлар, маҳалла фаоллари ва нурунийлар, маҳаллаларга бириктирилган тиббиёт муассасалари ходимларини бирлаштириб, ўз ҳудудидаги аҳоли, айниқса кексалар ҳолидан кунига хабар олиш, коронавирусга шубҳа бўлган ва касалликка чалинганларни тез тиббий ёрдам хизмати ва шифокорлар билан боғлашни ташкил этишга бош-қош бўлишлари шартлиги тайинланди.

Шунингдек, улар ёрдамга муҳтож оилаларга озик-овқат, уйда даволанишга тавсия қилинган беморларга дори-дармон етказиб бериш ишларида фаол иштирок этишлари лозим.

- Бунга қўшимча равишда, улар маҳалла ҳудудида аҳолининг зарурат бўлмаса кўчага чиқмаслиги ва тўпланмаслиги, тиббий маска тақиб юриши ва ижтимоий масофани сақлаши, тўй ва тадбирларни вақтинча ўтказмаслиги каби мажбурий талабларни доимий тушунтириши ва жамоатчилик назоратини амалга оширишлари шарт ва зарур, - деди Президент Шавкат Мирзиёев.

## **22. ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

Сўнги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

**Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида:**

**1. Адлия вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қўйидагиларни назарда tutувчи таклифларига розилик берилсин:**

биринчи босқичда (2020 йил давомида) - фуқаролар соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини қисқартириш ва тартибга солишнинг муқобил усулларига ўтказиш, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжат талаб қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланишини камайтириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, тегишли ҳужжатларни бериш жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш орқали шаффофликни таъминлаш;

иккинчи босқичда (2020-2021 йиллар давомида) - лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг паспортларини ишлаб чиқиш, айрим турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришнинг намунавий маъмурий регламентларини жорий қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш.

2. Белгилансинки 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг:

1-иловага мувофиқ айрим турлари бекор қилинади;

2-иловага мувофиқ айрим турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилинади;

3-иловага мувофиқ айрим турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинади;

б) 4-иловага мувофиқ лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилади.

Хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият (ҳаракат) учун расмийлаштирилган лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиши ўз кучида қолади ва ушбу фаолият (ҳаракат)ни амалга ошириш учун ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилмайди.

**Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органлар (кейинги ўринларда - ваколатли органлар) 2021 йил 1 январга қадар аввал расмийлаштирилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрини хатловдан ўтказсин ва янги тартиб асосида юритилишини таъминласин.**

3. Лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш ихтиёрий этиб белгилансин;

б) қўйидагилар бекор қилинсин:

кредит бюрolari фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби;

дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан уларнинг худди шундай фаолият билан шуғулланувчи филиаллари ташкил этилганда ҳар бир филиал манзилини асосий

лицензияда кўрсатиш амалиётини жорий қилиш орқали филиалларга алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда талабгордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби.

#### 5. Белгилансинки:

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият жумласига фаолиятни бошлаш ёки ҳаракатни амалга ошириш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилиниши талаб этилмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солиниши ҳамда тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритишни таъминлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиш орқали амалга ошириладиган фаолият турлари киради;

хабарнома юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқ эканликларини тасдиқлайди. Бунда, автоматлаштирилган электрон тизим орқали қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва шартларга мувофиқлиги ҳужжатларни тақдим этиш жараёнида устувор равишда инсон аралашувисиз текширувдан ўтказилади;

**амалга оширилиши учун лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ва ваколатли органи хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турлари рўйхатлари қонун билан тасдиқланади ҳамда тегишли қонун қабул қилингандан сўнг ушбу рўйхатларга киритилмаган фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахслардан маъмурий тартиб-таомиллардан ўтишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.**

6. Ваколатли органлар томонидан қуйидаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши тақиқлансин: лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва уларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг электр энергияси, табиий газ етказиб бериш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлиги сабабли давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган ўзаро шартномаларга алмаштириш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш, ушбу ҳужжатларни бериш, шунингдек, назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъектини лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларда назарда тутилмаган ҳақ эвазига бошқа турдаги хизматлардан фойдаланишга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олишга бевосита ёки билвосита мажбурлаш.

**7. 2020 йилда муддати тўғайдиган барча лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 1 январга қадар узайтирилсин ва уларнинг муддати ўтганлиги муносабати билан жавобгарликка тортиш ва бошқа чоралар қўлланилиши тақиқлансин.**

8. Фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва нодавлат ташкилотларнинг тегишли лицензияни олмасдан фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи 2021 йил 1 январдан бекор қилинсин.

9. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятига эга ҳамда махсус мобил иловаси мавжуд бўлган «Лицензия» ахборот тизими ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, «Лицензия» ахборот тизими қуйидаги имкониятларга эга бўлиши назарда тутилсин:

**а) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш борасида:** лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш ёки амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни топшириш, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш;



ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида ваколатли органни хабардор қилиш учун хабарномалар юбориш ва хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқномалар олиш;

**аризани кўриб чиқиш учун давлат божи, йиғим ва барча турдаги тўловларни Ягона биллинг тизими орқали электрон тўлаш;**

**лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;**

б) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда ваколатли органларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида:

бошқа ваколатли органлардан қўшимча ҳужжат ва маълумотларни олиш ҳамда улар билан келишишни «бир дарча» тамойили асосида тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда амалга ошириш;

берилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ҳамда хабарнома юборган тадбиркорлик субъектларининг автоматлаштирилган реестрларини юритиш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ҳамда хабарномаларга алоқадор маълумотларни тегишли идораларнинг маълумотлар базаси орқали автоматик тарзда текшириш;

в) лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномаларга тегишли бўлган талаб ва шартларнинг бажарилишини мониторинг қилиш борасида:

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномаларга доир талаб ва шартларга риоя этилиши устидан ваколатли органлар томонидан масофавий назоратни амалга ошириш;

давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб бориш;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарномалар билан боғлиқ ҳаракатлар, шу жумладан бекор қилиш ва тўхтатиб туриш бўйича ваколатли органлар томонидан суд ва бошқа идораларга мурожаат қилиш;

аризаларни кўриб чиқиш, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд беришни рад этиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорлар устидан жамоатчилик назоратини жорий этиш, шунингдек, тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳамда белгиланган талаб ва шартларни бузиш ҳолатлари ҳақида тўғридан-тўғри жойлашиш нуқтасини кўрсатган ҳолда маълумот бериш;

ваколатли органларнинг автоматик шакллантириладиган рейтингини юритиш;

**ваколатли органлар томонидан берилган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ҳамда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти (ҳаракати) давомида назорат қилишнинг аниқ мезонларини белгилаган ҳолда «хавфни таҳлил этиш» тизимини жорий қилиш.**

**10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:**

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич тўлиқ электрон тарзда «Лицензия» ахборот тизими орқали амалга оширилади, бундан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига «Ягона дарча» божхона ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган тартиб-таомиллар мустасно;

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш ҳамда ваколатли органни хабардор қилиш ҳақидаги аризалар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар электрон шаклда Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғи орқали қабул қилинади;

барча турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ҳамда хабарнома қабул қилинганлиги ва реестрга киритилганлик ҳақида хат уларнинг ҳаққонийлигини онлайн текшириш имконини берадиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда

**расмийлаштирилади ва уларни махсус бланкаларда бериш тартиби бекор қилинади**, бундан халқаро шартномаларга мувофиқ махсус қоғоз бланкаларида расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлар мустасно;

бошқа ваколатли органлардан қўшимча ҳужжатларни олиш ёки улар билан келишиш асосий ваколатли орган томонидан тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз «Лицензия» ахборот тизими орқали мустақил равишда, шу жумладан жавоб беришни талаб этмайдиган, тўғридан-тўғри маълумот олишга имкон берувчи интеграциялашган платформага уланиш орқали амалга оширилади. **Белгиланган муддатларда бошқа ваколатли органлар томонидан жавоб берилмаганда қўшимча ҳужжатлар олинган ёки улар билан келишилган ҳисобланади, бунда мазкур ваколатли органлар вужудга келиши мумкин бўлган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади;**

тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳамда белгиланган талаб ва шартларни бузиш ҳолатлари билан боғлиқ, шунингдек, ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд беришни рад этиш ҳамда унинг амал қилишини тўхтатиб туриш билан боғлиқ қонун бузилишларини аниқлаб, бу ҳақда ваколатли органларга хабар берган жисмоний шахслар ҳуқуқбузарлик ўз тасдиғини топганда ундирилган жариманинг 10 фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

**ваколатли органлар ташаббуси билан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тугатиш ва бекор қилиш фақат суд тартибида амалга оширилади, бундан лицензиатнинг лицензия берганлик учун давлат божини тўламаган ҳоллар мустасно;**

лицензия даъвогари маълум бир соҳада лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўла туриб, худди шу соҳадаги алоҳида фаолият турига лицензия бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилса, у томонидан лицензияловчи органга фақатгина қўшимча лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган маълумотлар тақдим этилади;

фаолиятни бошлаганлик ҳақида ваколатли органни хабардор қилишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизигача йиғим ундирилади, бундан қурилиш-монтаж ишларини ва алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни бошлаганлик ҳақидаги хабарномалар мустасно.

11. «Лицензия» ахборот тизими Давлат хизматлари агентлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқининг «Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари тақдим этишни такомиллаштириш ва маҳаллий бошқарув даражасини ошириш» қўшма лойиҳаси грант маблағларини жалб қилган ҳолда очиқ тендер асосида ишлаб чиқиши маълумот учун қабул қилинсин.

«Лицензия» ахборот тизими ишлаб чиқиши муносабати билан давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини ҳамда уларнинг талаб ва шартлари назоратини амалга ошириш борасидаги барча электрон дастурлар ишлаб чиқиши тўхтатилсин, бунда ушбу дастурларни ишлаб чиқиш Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ижобий ҳулосасига мувофиқ давом эттирилиши мумкин.

Ишлаб чиқиши тўхтатиладиган дастурлар учун мўлжалланган маблағлар «Лицензия» ахборот тизимининг ишлаши учун зарур бўлган идоравий инфратузилма ва электрон базаларни яратишга йўналтирилсин.

**12. Адлия вазирлиги «Лицензия» ахборот тизимини юритиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ҳамда унга лицензиялаш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан риоя этилиши ўстидан мониторингни амалга ошириш ваколати берилсин.**

13. «Лицензия» ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда унинг давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграциялашувини ташкил этиш бўйича ишлар Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин.

«Лицензия» ахборот тизими оператори этиб Адлия вазирлиги белгилансин.

Адлия вазирлиги «Лицензия» ахборот тизими тўлиқ ишга туширилганидан сўнг олти ой муддатда уни ўрнатилган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфига беғараз равишда ўтказиб берсин.

#### 14. Белгилаб қўйилсинки:

ҳар бир лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомили унинг амал қилиши натижасида эришилган мақсадларни, ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолатини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг харажатларини баҳолаган ҳолда камида ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида янги турдаги лицензияланадиган фаолият йўналиши ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни ёхуд фаолиятни бошлашнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш назарда тутилаётганда ушбу тартиб-таомилнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш мажбурий ҳисобланади;

янги турдаги лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва фаолиятни бошлашнинг хабардор қилиш тартибини жорий этишни ҳамда уларни тартибга солиш шакллари ушбу тартиб-таомилнинг назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ижобий хулосалари мавжуд бўлгандагина, шунингдек, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда Адлия вазирлигига киритилади.

15. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини комплекс ва тизимли ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун:

а) уч ой муддатда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларни бирлаштириш йўли билан қуйидагиларни назарда тутувчи яхлит қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ягона ва шаффоф тартибини ўрнатиш;**

**лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштирадиган, келишадиган ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган ваколатли орган ва ташкилотларнинг ваколатларини белгилаш;**

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнида ваколатли орган ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатда бўладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ягона тизимини жорий қилиш;

лицензияланадиган фаолият турлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шунингдек, ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият ва ҳаракатлар рўйхатини тасдиқлаш;

лицензия шартномасини расмийлаштириш амалиётидан воз кечган ҳолда, лицензия талаб ва шартларини қонун ҳужжатларида белгилаш;

юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари томонидан лицензияланадиган, рухсатнома олиш ёки хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турларини амалга ошириш тартибини аниқлаштириш;

лицензияни чақириб олиш тартибини ва ушбу тартибга асосан чақириб олинishi мумкин бўлган фаолият турларини аниқ белгилаш;

«хавфни таҳлил этиш» тизимини жорий қилиш орқали лицензия ва рухсат беришга доир талаб ва шартларга риоя қилиш аҳволини назорат қилиш;

б) 2021 йил 1 февралга қадар Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва ваколатли органлар билан биргаликда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш мақсадида уларнинг паспортларини ишлаб чиқиш ва кодификациялаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

#### 16. Адлия вазирлиги қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Бош прокуратура билан биргаликда уч ой муддатда юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олинishi ҳамда хабардор қилинishi шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки рухсатномасиз ёхуд хабарнома юбормасдан шуғулланганлиги, шунингдек, хабардор қилиш тартибида фаолият юритиш учун белгиланган талаб

ва шартларнинг бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлгон ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун жавобгарликни белгиловчи қонун лойиҳасини;

2020 йил 1 декабрга қадар тегишли ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаб, тегишли ваколатли органларга хабар юборган жисмоний шахсларни рағбатлантириш тартибини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

17. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров айрим турдаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари ўрнига хабардор қилиш тартиби жорий этилиши муносабати билан тегишли қонун қабул қилинганидан сўнг хабардор қилиш тартиби бўйича низомлар қисқа муддатларда тасдиқланишини таъминласин;

б) Адлия вазирлиги (Давлетов):

ваколатли органлар билан бевосита ва онлайн видеоалоқа тизими орқали учрашувлар ташкил этиш графигини тасдиқласин;

тасдиқланган графикка асосан ваколатли органларга мазкур Фармонда назарда тутилган тартибларни ва «Лицензия» ахборот тизимининг ишлаш тамойилларини тушунтириб борсин;

ваколатли органларга тегишли лойиҳаларни тайёрлашда амалий ёрдам кўрсатсин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков):

Адлия вазирлиги билан биргаликда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этадиган ва келишиш жараёнларида иштирок этадиган барча давлат органлари идоравий ахборот тизимларининг «Лицензия» ахборот тизими билан интеграциялашувини таъминлаш чораларини кўрсин;

**«Лицензия» ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминласин ҳамда Адлия вазирлиги томонидан «Лицензия» ахборот тизими фаолиятида нуқсон ва носозликлар аниқланганида, Вазирлик талабномасига асосан уларнинг уч кун ичида бартараф этиб борилишини таъминласин;**

г) ваколатли органлар:

икки ой муддатда «Лицензия» ахборот тизимига уланиш ва ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилиш, тегишли инфратузилмани яратиш ҳамда ўз электрон базаларини шакллантириш чораларини кўрсин;

амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби ҳамда хабардор этиш тартиби тўғрисидаги низомларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқсин;

мазкур Фармон қабул қилингунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этилган ва лицензияланадиган фаолият билан шуғулланадиган ташкилотларга уларнинг мурожаатларига асосан белгиланган тартибда лицензиялар берилишини таъминласин;

д) Бош прокуратура (Йўлдошев):

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда лицензиялаш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан тизимли назоратни ўрнатсин;

белгиланган муддатларга риоя қилмаслик оқибатида автоматик тарзда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шу жумладан уларни идоралараро келишувда ижобий хулосалар берилишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилсин, коррупциявий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш чораларини кўрсин;

е) Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Шарипов) лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш ва хабардор қилиш жараёнида асоссиз рад этиш ёки ҳаракатсизлик орқали бозорларга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига (фаолият юритишига) тўсиқ қўйиш йўли билан рақобат чекланишининг олдини олсин, рухсат этиш тартиб-таомиллари учун давлат божи ва йиғимлар миқдори шакллантирилишининг асослилигини назорат қилсин;

ж) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Касимов) ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга

хужжати мавжуд субъектлар фаолиятида ўтказиладиган текширувлар лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжат талаблари доирасида амалга оширилиши устидан назоратни олиб борсин;

з) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (Ходжаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли орасида кенг ёритиш чораларини кўрсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ*  
*Тошкент ш., 2020 йил 24 август, ПФ-6044-сон*

## **23. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, соҳага илғор ва рақамли технологиялар ҳамда сифат менежментини жорий этиш, тиббиёт муассасалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига соғлиқни сақлаш вазирининг:

тиббий ёрдамни ташкиллаштиришга;

**ихтисослашган тиббий хизмат ва янги технологияларни жорий этишга;**

**оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатлиқни таъминлашга;** стратегик ва рақамли тиббиётни ривожлантиришга;

молия, инвестиция ва моддий таъминотга масъул ўринбосар лавозимлари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган барча давлат тиббиёт муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларда замонавий профилактика, диагностика ва даволаш услубларини жорий қилиш, халқаро стандартлардан қолишмайдиган тиббиёт инфратузилмасини яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари - Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи лавозими киритилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари - Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази бош директори лавозими тугатилсин.

4. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари намунавий тузилмалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаси 3 - 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 139 нафар, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларининг чекланган сони - 423 нафар этиб белгилансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлига, зарур ҳолларда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, унинг ҳудудий органлари, шунингдек, идоравий ташкилотларининг тузилмаларига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, мазкур банд билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига қўшимча равишда киритилаётган штат бирликларини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари соғлиқни сақлаш вазири томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, ҳудудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари соғлиқни сақлаш вазири ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев бир ой муддатда:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, унинг таркибий бўлинма раҳбар ва ходимлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва уларни профессионал билим даражасига эга бўлган, малакали ходимлардан шакллантириш чорасини кўрсин;

б) Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига:

республика ҳудудларида аҳолининг сони ва касалликлар учраши таҳлиллари асосида тиббиёт муассасаларини барпо этиш;

тиббиёт ташкилотларини лойиҳалаштириш, куриш, жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

**соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараёнлар таҳлили ва IT-реинжинирингини ривожлантириш;**

**тиббиёт муассасалари молиявий барқарорлигига кўмаклашиш ҳамда тиббий туризмни ривожлантиришни ташкил этишга йўналтирилган Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни лойиҳалаштириш марказини тузиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.**

7. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларига 2021 йил 1 июндан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 1 йилдан 3 йилгача - 0,3, 3 йилдан 5 йилгача - 0,6, 5 йилдан 10 йилгача - 0,8, 10 йилдан 15 йилгача - 1,0, 15 йилдан 20 йилгача - 1,2, 20 йилдан юқори - 1,5. Бунда, кўп йиллик ишлаганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳолига кенг кўламда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш, тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш, соғлиқни сақлаш соҳасида молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ва **бозор механизмларини кенгайтириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.**

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 2 октябрь, ПҚ-4847-сон*

## 24. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ - 06.11.2020

(<https://president.uz/uz/lists/view/3933>)

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинди. 2019 йилги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи шу бўғинда олдини олиш мумкин бўлган юрак-қон томир касалликлари ҳисобига тўғри келган. Онкология йўналишидаги беморларнинг ярмида касаллик иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқланмоқда. Биринчи бўғинда сифат пастлиги учун аҳоли тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришга мажбур бўлмоқда.

Чунки шароит билан талаб, иш ҳажми мутаносиб эмас. Масалан, қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори зиммасига 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилган.

Шу боис давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди.

Илғор хорижий тажриба асосида умумий амалиёт шифокорини ҳақиқий оилавий шифокорга айлантириш чоралари белгиланди. Уларга ёрдам бериш учун терапия, педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилади. Бу бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида “тиббий харита”лар шакллантириб, манзилли иш олиб боради. Аҳолининг саломатлик ҳолати баҳоланиб, электрон базаси яратилади. Бунинг учун тиббиёт ходимлари планшет, мобил диагностика воситалари билан таъминланади.

5 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, туғиш ёшидаги ва 35 ёшдан ошган аёллар, 40 ёшдан ошган шасхлар доимий назоратга олиниб, скрининг текширувлари ўтказилади. Касалликка мойил бўлганлар индивидуал патронажга олинади.

Бундан буён, бепул тиббий ёрдам учун йўлланмани ҳамда бепул тарқатиладиган дориларга рецептни ҳам оилавий шифокор беради. Маҳалладаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари, касалликларнинг эрта аниқланишига қараб, оилавий шифокорлар меҳнати рағбатлантирилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни шаҳар ва туманларда босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт бригадаларини илғор тажриба асосида қўшимча ўқитиш, оилавий шифокорлар фаолиятини баҳолаш мезонлари ва рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 20 мингдан зиёд шифокор штати бор, лекин атиги 12 минг мутахассис ишламоқда. Чунки бугунги кунда умумий амалиёт шифокори касби олий ўқув юртлари битирувчилари учун жозибадор эмас. Ходимларни рағбатлантириш, малакаси ва лавозимини оширишга эътибор йўқ.

Шу боис Президент шифокорларга муносиб шароитлар яратиш орқали уларни энг қуйи бўғин - қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг учун чекка ҳудудлардаги бирламчи бўғин тиббиёт тизими учун “Қишлоқ шифокори” дастури жорий қилинади. Бу дастурга мувофиқ олис ҳудудлардаги бирламчи бўғинга ишга кирган тиббиёт ходимларига 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағи берилади, улар хизмат уйи билан таъминланади ёки ижара тўлови компенсация қилинади.

Шифокорларга бўлган эҳтиёжларни маҳаллалар кесимида аниқлаб, тиббиёт олий ўқув юртларида квотани ошириш, ипотека асосида қурилаётган уй-жойларни аввало бирламчи бўғин шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, келгуси йили 100 та қишлоқ врачлик пункти ва 24 та оилавий поликлиника ташкил этилиши белгиланди.

Сирдарё вилояти мисолида ҳар бир бўғин вазифалари аниқ белгиланган, давлат томонидан қафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетларини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Буни молиялаштириш учун давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилиб, алоҳида жамғарма ташкил қилинади.



Шифокорлар иш кунининг 60 фоизини ҳисобот тўлдиришга сарфлаётгани таъкидланиб, бу жараёнларни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, даволаш инсон саломатлигини таъминлашнинг 10 фоиз омили, холос. Ирсий омиллар 15 фоиз, атроф-муҳит 20 фоиз, энг асосийси, турмуш тарзи 55 фоизни ташкил этади. Коронавирус касаллиги ҳам нотўғри турмуш тарзи оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатди.**

- Тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллик орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини барча тушуниши керак, - деди Президент.

Бирламчи бўғин ходимлари аҳолини тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбияга ўргатиши муҳимлиги таъкидланди.

**Аниқланишича, 40 фоиз аёлларда фолий кислотаси ва темир моддаси етишмаслиги кузатилмоқда, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизида темир моддаси етишмаслиги сабабли камқонлик келиб чиқяпти. Боғча ва мактаб ёшидаги 70 фоиз болаларда ичак паразитар касалликлар мавжуд.**

**Шу боис келгуси йил 1 июндан бошлаб, 5 ёшгача бўлган болаларни витаминлар ва микронутриентлар билан, 10 ёшгача ўғил-қизларни паразитларга қарши дорилар билан, хомиладор, эмизикли аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларни йод препаратлари билан, 35 ёшгача аёлларни фолий кислотаси ва феррум билан бепул таъминлаш чоралари белгиланди. Ушбу дори воситалари ва витаминлар оилавий шифокорлар томонидан тарқатилади.**

Йиғилишда ҳар бир ҳудуддаги касалликлар таркибига қараб, ихтисослашган даволаш муассасалари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мисол учун, Фарғона ва Сирдарёда нафас йўллари, Қашқадарёда эндокринологик, Тошкент шаҳрида ошқозон-ичак, Андижонда юрак қон-томир, Қорақалпоғистон ва Хоразмда буйрак касалликлари энг кўп қайд этилган.

Шу каби долзарб йўналишлар бўйича ҳудудларда илғор хорижий клиникалар филиалларини ташкил этиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

17 та ихтисослашган тиббиёт марказини ҳудудий шифохоналар билан боғлаш, телемедицина орқали тажриба алмашинувни ривожлантириш, касалликлар тури ва динамикасидан келиб чиқиб, жойларда ихтисослашган марказнинг минтақавий филиалларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йиғилиш Тиббиёт ходимлари куни арафасида ўтказилаётганига урғу бериб, барча шифокорларни байрам билан табриклади.

- Бугунги давр талаби шундайки, байрам кунлари, тантанали айёмларда ҳам, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган турли муаммолар ҳақида ўйлашимиз, уларнинг самарали ечимларини топишимиз зарур. Барча соҳалар қатори тиббиёт тизими олдида ҳам ғоят мураккаб вазифалар юзага келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда. Аминманки, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, Ўзбекистон тиббиёт мактаби анъаналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар, ўз фаолиятингизни ана шундай юксак мезонлар асосида ташкил этиб, олижаноб бурчингизни бундан буён ҳам шараф билан адо этасизлар, - деди Президент.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб кадрлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий тиббиёт марказлари ва олийгоҳлари билан илмий-амалий ҳамкорликни кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиши таъкидланди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бу курашга 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари сафарбар этилгани, улар ўзларини аямасдан, жонларини гаровга қўйиб, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатаётгани эътироф этилди.

- Ишонаман, жонкуяр шифокорларимиз бугунги белгиланган вазифаларни ҳам фидойилик ва матонат билан, бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, албатта урдалайдилар. Энг катта бойлик бўлган халқимиз саломатлигини сақлашда ҳақиқатда жонбозлик кўрсатадилар, - деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида соҳа мутасаддилари, вилоят ҳокимлари, тиббий марказлар ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

## **25. АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори [кўчирма]**

Республикада соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу тизимларни такомиллаштириш баробарида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга мазкур соҳада давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, 2025 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, 2022 йилга қадар юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепциялари ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, жисмоний фаоллик ҳамда овқатланиш меъёр ва қоидаларига амал қилмаслик, таркибида туз, қанд, ёғ микдори кўп бўлган таом ва ширинликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, шунингдек етарли даражада витамин ва минераллар истеъмол қилмаслик оқибатида ёшларда рационал ўсиш ва ақлий ривожланишда ортда қолиш, катталарда эса юрак қон-томир, эндокрин, хавфли ўсма каби инсоннинг эрта ўлимига олиб келувчи қатор касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.**

**Шу билан бирга, коронавирус пандемияси оқибатларидан олинган сабоқлар касалликнинг оғирлиги ва ўлим ҳолатларининг катта қисми нотўғри турмуш тарзи туфайли келиб чиқадиган йўлдош касалликлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.**

Аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлашда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир фуқарода соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш мақсадида:

### **1. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:**

#### **а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:**

**6 - 23 ойлик болалар учун ўй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукунни билан;**

**6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар «А» витамини билан;**

**2 - 10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланади;**

#### **б) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:**

**ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 - 15 ёшдаги болалар йод препарати билан;**

**35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фоллий кислотаси препарати билан бепул таъминланади;**

в) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав буғдой уни билан бир қаторда олий нав буғдой уни микронутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилади.

3. Болаларнинг 5 ёшгача бўлган даврда оптимал ривожланиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи патронажнинг универсал-прогрессив модели 2022 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этилсин:

ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун амалдаги штатлар доирасида алоҳида патронаж ҳамширасини бириктириш;

ушбу патронаж ҳамшираси томонидан умумий ҳолати қониқарли ва хавф гуруҳидаги аҳолини аниқлаш ҳамда улар соғлиғининг умумий ҳолатини дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

умумий ҳолати қониқарли бўлган барча ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилаларни ягона меъёр асосида бевосита кузатиш;

руҳий тушкунлик ҳолати, боланинг тўғри овқатланиши ва ривожланиши учун соғлом муҳитни таъминлашда қийинчиликлари мавжуд хавф гуруҳидаги ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги

аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг ҳар бирига индивидуал режа асосида кенгайтирилган ёрдам кўрсатиш.

4. Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида 2021 йил 1 январдан бошлаб эксперимент тариқасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларидан иборат «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари:

аҳолига тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик масалаларида яқка тартибда профилактик тадбирларни олиб боради;

республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан зарур моддий-техник воситалар билан жиҳозланади;

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг (кейинги ўринларда - Марказ) туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова) Молия вазирлиги (Ж.И. Аброев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиб, уни республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Марказ, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларига бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббий ходимлари учун диетология бўйича қайта тайёрлаш курсларини, аҳоли учун овқатланиш бўйича маслаҳатчи тайёрлаш курсларини ташкил этиш ваколати берилсин.

6. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтига қўшимча равишда соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари хомашёсининг асосий турларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш, аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати, касби ва касалликларидан келиб чиққан ҳолда соғлом ва парҳезли овқатланиш ҳамда профилактик тиббиёт масалалари бўйича санитария қоидалари ва меъёрларини тайёрлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифалари юклатилсин.

Илмий-тадқиқот институти (Ў.Х. Адилов):

2021 йил 1 февралга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида диетолог мутахассислар ва овқатланиш бўйича маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини тайёрласин;

2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти билан биргаликда аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати ва касбига кўра гуруҳлари учун тавсия этиладиган ўртача кунлик овқатланиш меъёрлари ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин.

7. Марказ (Б.Т. Одилова) тарғибот ишларини таниқли маданият вакиллари ва спортчиларни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда видеоролик шаклида, аҳоли орасида инфографик тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш амалиётини йўлга қўйсин. Бунда, айниқса, нотўғри овқатланиш ва кам ҳаракатланишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, хусусан бунинг оқибатида юзага келадиган касалликлар ва уларнинг асоратлари ҳамда касалликлар профилактикаси ва уни даволашда мева ва сабзавотларнинг хусусиятлари, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдасини ёритишга алоҳида эътибор қаратсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Х. Набиев), Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширишда Марказга яқиндан кўмаклашсин.

8. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, Ж.И. Аброев) 2021 йилдан бошлаб тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича кенг қўламли тарғибот ишларини, жумладан аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун тарқатма материалларни тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишларни молиялаштириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

**Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, хусусан соғлом овқатланиш масалалари бўйича муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.**

9. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

мактабгача таълим ташкилотларида «Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари» машғулоти ўтказилади;

республика умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дарсларини қайта кўриб чиққан ҳолда 1 - 4-синфлар учун «Тарбия» ва «Атрофимиздаги олам» фанлари, юқори синфлар учун «Биология» фани таркибида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича «Саломатлик сабоқлари» мавзулари киритилади;

академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг «Жисмоний тарбия» фани доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича машғулоти ўтказилади;

тиббиёт техникумларида валеолог, диетолог, нутрициолог мутахассисликларини тайёрлаш, нутрициолог ва диетолог магистратура (интернаттура, клиник ординатура) мутахассисликларини 1 йиллик ўқув дастурлари асосида тайёрлаш йўлга қўйилади;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият, клиник ординатура, магистратура, тиббиёт коллежлари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг барча йўналишларида тўғри овқатланиш мавзулари алоҳида циклда ўқитилади;

барча мутахассисликлар бўйича врач ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари бўйича фан дастурларига «Соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мезонлари» мавзулари киритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган ўқув машғулотларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ишлаб чиқсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Р.С. Ирматов):

а) уч ой муддатда малака ошириш ва семинар-машғулоти ўтказиладиган жой ҳамда уларни молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда қуйидаги дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, жумладан кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктларида фаолият юритувчи врач ва ўрта тиббиёт ходимларини диетологияни чуқурлаштириб ўргатган ҳолда валеология бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш;

оилавий шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига асосан юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича катта ёшдаги аҳолига маслаҳатлар бериш юзасидан ўқитиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ходимлари ҳамда декретив гуруҳ вакиллари учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва санитар-гигиеник кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-машғулоти ўтказиш;

«Саломатлик йўлақлари»да давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда пиёда ва велосипедда юриш бўйича марафонлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш;

б) 2021 йил 1 октябрга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича тавсиялари асосида юқумли бўлмаган касалликларга оид диагностика (даволаш) стандартлари ва клиник протокол (қўлланма)ларни қайта тасдиқласин;

в) 2022 йил 1 январга қадар маҳаллалар кесимида юқумли бўлмаган касалликлар бўйича «аҳолининг саломатлик профили»ни яратсин ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб борсин. Бунда, аҳолининг овқатланиш характери, тана вазни индекси, алкогольли ичимлик ва тамакига қарамлиқнинг мавжудлиги, артериал босим, қондаги қанд миқдори ва холестерин даражаси каби кўрсаткичларнинг қамраб олинишини назарда тутсин.

11. Белгилансинки, озиқ-овқат маҳсулотларини таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан тамғалаш қуйидаги тартибда икки босқичда жорий этилади:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

озик-овқат маҳсулотларини тамғалаш ихтиёрий равишда амалга оширилади;  
хавфсизлик белгиси билан тамғаланган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси имтиёзли тарифлар асосида тарқатилади (жойлаштирилади);

таълим, спорт ва тиббиёт муассасаларида хавфсизлик белгиси билан тамғаланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга йўл қўйилмайди ҳамда бундай маҳсулотларни реализация қилиш савдо қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудудида реализация қилиш учун олиб кириладиган ва маҳаллий ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан мажбурий тартибда тамғаланади.

Бунда, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдорини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини белгилаш давлат санитария назорати органлари томонидан амалга оширилади.

12. Қуйидагилар:

2020 - 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

2020 - 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш индикаторлари 2-иловага мувофиқ;

2021 - 2023 йилларда қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

2021 - 2023 йилларда қайта кўриб чиқиладиган озиқ-овқат хавфсизлигига оид санитария қоидалари ва меъёрлари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

мазкур қарорнинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш бўйича ҳаракатлар режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари миллий стандарт ва меъёрларга мувофиқлигини ҳамда маҳсулот ўрамидаги маълумотларнинг тўғрилигини ҳолис ўрганувчи «Сифат назорати» телевизион кўрсатуви намойиш этиб борилишини таъминласин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги» тадбирини 2021 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида ўтказишни йўлга қўйсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги «2106 90 980 3» позиция билан тўлдирилсин:

«	2106909803	Микронутриенты для обогащения муки	0	».
---	------------	------------------------------------	---	----

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, вазир ўринбосари Э.И. Баситханова, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ. Юсупалиев ва Марказ директори Б.Т. Одилова белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент ш., 2020 йил 10 ноябрь, ПҚ-4887-сон*

## **26. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ ВА ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шунинг асосида аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига асосида Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда - тажриба-синов лойиҳаси) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокор, унинг ўрта тиббиёт ходимларидан иборат терапия ва педиатрия йўналишлари бўйича ёрдамчилари, патронаж ҳамширалари ва дойдан ташкил топган гуруҳлар тузилади;

**ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда - кафолатланган пакет) ишлаб чиқилади;**

кафолатланган пакет бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шифохоналарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади. Бунда оилавий шифокор ҳар бир муассаса тури бўйича тиббий хизматлар ҳажми ва клиник протоколларга мувофиқ тор соҳа шифокорларига ва зарур ҳолларда туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар беради. Республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади. **Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, шунингдек, кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда кўрсатилади;**

**аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларини мониторинг қилиш, уларни тиббиёт муассасасига бириктириш, касаллик тарихини юритиш, дори воситалари учун рецепт ёзиш ва кафолатланган пакетга мувофиқ тиббиёт муассасаларига йўналтириш ягона электрон платформа орқали амалга оширилади;**

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилиб, унга эришилганлиги мониторинг қилинади ҳамда натижаларига қараб қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланади;

**кафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади.**

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

**кафолатланган пакетга киритиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳажмини;**  
бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

4. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи тиббий профилактика ва патронаж тизими йўлга қўйилсин:

аҳолини мавжуд хавф омилларидан келиб чиқиб хавф гуруҳларига бўлиш;

ўрта ва юқори хавф гуруҳларига кирувчи аҳолининг белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтишини таъминлаш ва саломатлигини даврий кузатувга олиш;

юқори хавф гуруҳига кирувчи ва мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморларни доимий кузатувга олиш ҳамда уйига борган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш;

профилактик кўриқлар ўрнига худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича мақсадли скрининг текширувларини ўтказиш;

патронаж кўриқларини оптимизация қилиб, янги мақсадли патронаж тизимини жорий қилиш.  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов):

бир ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида Сирдарё вилояти бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларига жорий қилинаётган янги тиббий профилактика ва патронаж тизимини ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилсин;

тажриба-синов лойиҳаси якунларига кўра мазкур бандда назарда тутилган тизимни республиканинг бошқа худудларида қўллаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**5. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда - Жамғарма) 2020 йил 1 декабрдан ташкил этилсин.**

**Жамғармани сақлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ҳажми Давлат бюджетидан кафолатланган тиббий хизматларни харид қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 2 фоизи миқдоридан белгилансин. Бунда, тиббий хизматларни харид қилиш учун ажратиладиган бюджет маблағлари Жамғарманинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилади ва ҳисобот даври охирида маблағларнинг қолдиғи Жамғарма ихтиёрида қолдирилади.**

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

аҳолининг барча қатламларини кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат бюджетидан кафолатланган пакетни молиялаштириш мақсадида ажратиладиган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш;

тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг бошқа худудларида босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

**6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси доирасида 2021 йил 1 июлдан бошлаб:**

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида босқичма-босқич ўтказиб берилади;

**Жамғарма тиббиёт ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали улар фаолиятини молиялаштириб боради. Бунда, туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги шифохоналарга ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади;**

**кафолатланган пакет асосида тиббий хизматлар кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин;**

ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлиги ва натижадорлиги Жамғарма томонидан доимий мониторинг қилиб борилади;

кафолатланган пакетни белгилаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш ҳамда унинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини мониторинг ва назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**7. Қуйидагилар:**

Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги вақтинчалик низом 3-иловага мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда - Кузатув кенгаши) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Кузатов кенгаши (Л.Н. Туйчиев, А.Ш. Иноятов) куйидагиларни таъминласин:

а) 2020 йил якунига қадар:

Жамғарма ходимларини тиббиёт, иқтисодиёт, молия, ахборот-коммуникация технологиялари ва Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдириш;

тиббиёт муассасалари ходимлари, улардаги мавжуд тиббий техника ва тиббиёт буюмлари ҳамда ахборот технологиялари жиҳозларини хатловдан ўтказиб, электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жамғарма, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва тиббиёт муассасалари ходимлари учун соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш ҳамда янги киритилаётган тиббий йўналишларга қайта тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

б) 2021 йил 1 майга қадар:

тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳолини хатловдан ўтказиб, уларнинг соғлиги ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

кафолатланган пакет учун тўловларни натижага асосланган молиялаштириш усуллари (жон бошига молиялаштириш, даволанган ҳолат, бажарилган ишлар натижалари ва бошқалар) орқали амалга ошириш механизми ва Жамғармага Давлат бюджетидан маблағларни молиялаштириш тартибини тасдиқлаш. Бунда, ҳар бир бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасининг жон бошига молиялаштириш ҳажми тасдиқланган базавий ставкалар асосида белгиланишини кўзда тутиш;

тиббиёт муассасаларида аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур моддий техник базани яратиш;

в) 2021 йил 1 июлга қадар:

«электрон поликлиника» ва давлат тиббий суғуртасининг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базасини яратиш ва тўлиқ ишга тушириш;

давлат тиббий суғуртаси тизимида фаолият кўрсатадиган тиббиёт ташкилотлари билан тегишли шартномалар тузиш.

Кузатов кенгашига ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Жамғармани сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида Жамғарма таркибий тузилмаси, штат бирликлари сони, ходимларни моддий рағбатлантириш шартларини белгилаш ва шартнома асосида мутахассислар жалб қилиш;

зарур молиявий, статистик ва бошқа маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан тўғридан-тўғри олиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралардан зарур мутахассисларни жалб қилиш;

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, давлат тиббиёт муассасалари ва уларнинг ходимлари учун белгиланган норматив ва талабларга ўзгартириш киритиш, шу жумладан янги мутахассисликлар киритиш, тиббиёт муассасалари профилини ўзгартириш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган халқаро клиник протоколлар, касалликлар ва ҳолатларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашнинг тиббий услубларини белгилаш.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Ғ.Ғ. Мирзаев) икки ой муддатда вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиб, улар негизида «тиббиёт кластери»ни ташкил қилиш бўйича куйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

самарасиз фаолият юритаётган бўғинларни қисқартириш, қайта мослаштириш ва бошқарув харажатларини мақбуллаштириш;

Гулистон тиббиёт коллежи негизида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил этиш учун хусусий секторни жалб қилиш.

10. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

Сирдарё вилоятида тиббиёт муассасаларининг тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, аҳоли соғлигини мониторинг қилиб бориш имконини берувчи ягона электрон



платформани яратиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб-китобларига мувофиқ зарур маблағларни ажратсин;

**тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 100 фоизи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантиришга йўналтирилсин;**

**тажриба-синов лойиҳаси доирасида оилавий шифокорларни зарур тиббий буюмлар ва амбулатор шароитда даволаш учун дори воситалари билан таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағ ажратсин.** Бунда ушбу маблағлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган тадбирлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилсин;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағларни асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича 2020 йилда Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлаш соҳаси учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб ҳар йили тегишли йил учун бюджет параметрларида назарда тутсин;

Жамғармага 4 та хизмат автотранспорти, шу жумладан 3 та шахсан бириктирилган енгил автомобил ва 1 та навбатчи микроавтобус сотиб олиш ва сақлашга лимит ажратсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғармага тегишинча Тошкент ва Гулистон шаҳарларида бино ажратилишини таъминласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов):

Сирдарё вилояти тиббиёт муассасаларининг ўтказувчанлиги юқори бўлган оптик толали алоқа линиялари орқали Интернет тармоғига уланишини;

Жамғармани белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш юзасидан ҳаракатлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев белгилансин.**

**Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 12 ноябрь, ПҚ-4890-сон*

## **27. ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Қуйидагилар тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**дастлабки профилактика** - қулай атроф-муҳитни яратиш (экологик аҳвол, инсонларнинг меҳнат, яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш), **аҳоли саломатлигига салбий таъсир этувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан унни фортификациялаш, тузни йодлаштириш;**

**бирламчи профилактика** - эмлаш, мақсадли скрининг ва тиббий кўрикларни амалга ошириш, оқилона иш ва дам олиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, **шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларга қарши курашиш, инсон саломатлиги, таълим-тарбияни яхшилаш бўйича чоралар кўриш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш;**

**иккиламчи профилактика** - маълум шароитларда иммун ҳолатининг камайиши, ўта зўриқиш, адаптив етишмовчиликлар сабаб юзага келадиган касалликларнинг келиб чиқиши, авж олиши ёки қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган аниқ хавф омилларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш, шунингдек, тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

**2021 йил 1 январдан бошлаб 40 ва ундан юқори ёшдаги фуқароларда юрак қон-томир хавфини (гипертония, инфаркт, инсульт, қандли диабет ва бошқа хавф омилларини) аниқлаш бўйича тизимли равишда скрининг текширувлари ўтказилади;**

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (кейинги ўринларда - Марказ)нинг туман (шаҳар) бўлимлари кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида жойлашади ҳамда уларнинг ходимлари (кейинги ўринларда - жамоат саломатлиги тизими мутахассислари) томонидан амалга ошириладиган тарғибот-ташвиқот ишлари билан бир қаторда фуқароларга тиббий-профилактик хизматлар (маслаҳатлар, кўриклар ва бошқалар) кўрсатиб борилади;

маҳаллаларда, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ва олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашувчи волонтерлар (шу жумладан нафақадаги шифокорлар, ўқитувчилар, зиёлилар ва бошқалар) жамиятлари ташкил қилинади.

3. Қуйидагилар жамоат саломатлиги тизими мутахассисларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

**аҳоли ўртасида шахсий ва жамоат гигиенаси, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда иштирок этиш, аҳолини савол-жавоб ва кўриклардан ўтказиш орқали уларда юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларини аниқлаш ва индивидуал маслаҳат бериш;**

соғлом овқатланиш тамойиллари, жисмоний фаоллик асослари, шахсий гигиенанинг аҳамияти, зарарли одатларга берилмаслик бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида профилактик тадбирларни ташкил этиш учун ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхатини шакллантириш ва амалга ошириш;

юқумли касалликлар рўйхатга олинган ҳудудларда улар бўйича соғломлаштириш тадбирини ишлаб чиқиш, ҳудудий тиббиёт ходимлари билан тадбирларни ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боришда иштирок этиш.

**4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказни жалб қилган ҳолда маҳаллалар ва аҳоли хонадонларида, шу жумладан узоқ ва олис ҳудудларда аҳоли орасида соғлом турмушни шакллантириш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларга қарши курашиш, фуқароларнинг ўз соғлиғига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин.**

Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун:

**республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Марказга 2021 йилда 2 миллиард сўм ажратсин;**

**2022 йил ва келгуси йилларда республика бюджети ва маҳаллий бюджет параметрларида 2021 йилда ажратиладиган маблағлардан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратилишини назарда тутсин.**

Марказ (Б.Т. Одилова) бир ой муддатда мазкур бандга асосан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий телерадиокомпания, нодавлат телерадиоканаллар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уч ҳафта муддатда соғлом турмуш тарзини олиб бориш масалаларига бағишланган марказий, ҳудудий ва нодавлат телеканалларда «Саломатлик соати» ва бошқа махсус телекўрсатувлар ташкил қилинишини таъминласин.

**5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлиги масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи комиссия (кейинги ўринларда - Мувофиқлаштирувчи комиссия) ташкил қилинсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва касалликлар профилактикаси соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини уларнинг яқиндан ҳамкорлиги, самарадорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

мазкур қарорда назарда тутилган барча чора-тадбирларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижросини ташкил этиш;

касалликлар профилактикаси бўйича дастур ва чора-тадбирларнинг ҳар бир вилоят, туман (шаҳар) доирасида амалга оширилишини ҳамда масъуллар томонидан уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, уларнинг юқиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ бўлган асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи тизимли камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этилишини ташкил этиш;

барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлаш;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзининг асослари, жумладан соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш, зарарли одатларга қарши курашиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишлари ташкил этилишини таъминлаш;

санитария-гигиена, эпидемияга қарши, замонавий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлар асосида соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ижтимоий-профилактик йўналишларини ривожлантириш бўйича чоралар кўриш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини бирлаштирувчи, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи яхлит тизим яратилишини таъминлаш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишнинг ягона интерактив тизимини яратиш ва бу борада замонавий ахборот ҳамда инновацион технологияларни жорий этилишини ташкил этиш;

халқаро стандартлар асосида доимий популяция текширувлари ва касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омиллари бўйича тадқиқот ҳамда сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш.

6. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлиги масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи комиссия ишини ташкил этиш, соҳа бўйича вазирлик ва идораларнинг республика - вилоят - туман даражасидаги вазифалари тақсимооти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади;

Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг ўз вазифалари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар учун бажарилиши мажбурийдир;

Мувофиқлаштирувчи комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда тегишли вазирлик ва идоралар унга ваколатлари доирасида ҳар томонлама кўмак берадилар ҳамда сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чора-тадбирларнинг ижроси юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритиб боради.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда республиканинг олис ва чекка ҳудудларида оилавий шифокор, тор соҳа мутахассислари ва патронаж ҳамшираларига бўлган эҳтиёжни қоплаш ҳамда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида ҳар бир тиббиёт муассасасида зарур штат бирликларини жорий қилиш асослиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот-таҳлил маълумотнома киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.К. Юсупалиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

**Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 12 ноябрь, ПҚ-4891-сон*

## **28. БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА МУТЛАҚО ЯНГИ МЕХАНИЗМЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**Шу билан бирга, дунёда эпидемиологик хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани касалликларга қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни, ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда, айниқса, уларнинг профилактикаси, эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ҳамда даволашда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари иш услубларини қайта кўриб чиқиб, соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш зарур.**

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини бугунги босқичда ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

мавжуд куч ва воситаларни жалб қилган ҳолда, энг аввало бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, бу борада авваламбор соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда кенг тарғиб қилиш;

соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда рақобат муҳитини яратиш, илғор хорижий тажрибага асосан ходимларни касбий ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, **тиббиёт илм-фанини ривожлантириш орқали жойлардаги тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш;**

тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ва даромадини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

**соҳага замонавий менежментини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча ва бюрократик тартиб-тамоилларни қисқартириш, соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда рақамли тиббиётни такомиллаштириш.**

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати жорий қилинсин:

аҳоли уларнинг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга (таянч, паст хавф гуруҳи, ўрта хавф гуруҳи, юқори хавф гуруҳи ва бошқалар) бўлинади;

аҳоли гуруҳ мансублигига кўра белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтади ва саломатлиги даврий кузатувга олинади;

мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олинади ҳамда уйига борган ҳолда уларга тиббий хизмат кўрсатилади ва индивидуал патронаж амалга оширилади;

профилактик кўриклар ўрнига худуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий тиббий скрининг текширувлари ўтказилади;

патронаж кўрикларини мақбуллаштириб, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилинади;

**умумий амалиёт шифокори мутахассислиги оилавий шифокор этиб қайта номланади, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасаларидаги фан дастурлари оилавий шифокор тайёрлашга мослаштирилади;**

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ва вилоят шифохоналарига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши учун йўлланма бевосита оилавий шифокор томонидан берилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмларга имтиёзли рецептлар ёзиб бериш бевосита оилавий шифокор томонидан амалга оширилади;

оилавий шифокорга ёрдам берадиган терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж бўйича ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган «тиббиёт бригадалари» ташкил қилинади;

профилактика инспекторлари маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оилавий шифокорларга кўмаклашади, фуқароларнинг кечки сайрлари ва спорт ўйинларининг хавфсиз ўтказилишини ташкил қилади. Бунда, профилактика инспекторлари маҳаллалардаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичларига қараб ҳар 6 ойда маҳаллий бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантирилади;

«тиббиёт бригадалари» ўзларига бириктирилган ҳудудларда оилалар ва фуқаролар кесимида «тиббий харита»ни шакллантиради;

жойларда тиббий хизмат кўрсатишни соддалаштириш ва рақамлаштириш ҳамда ортиқча қоғозбозликни камайтириш мақсадида «тиббиёт бригадалари» махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев):

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, Ж.И. Абрўев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари доирасида йил якунига қадар такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизматининг 1-иловада келтирилган 26 та туман (шаҳар)ларда устувор равишда тўлик жорий қилинишини таъминласин;

йил якунига қадар аҳоли саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, аҳоли бўлинган гуруҳларнинг аниқ таснифини тасдиқласин;

такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизматини босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилсин;

икки ҳафта муддатда «тиббиёт бригадалари»ни мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминлаш мақсадида уларнинг аниқ рўйхатини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда:

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан «тиббиёт бригадалари»ни махсус компьютер-планшетлари ва мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминласин. Бунда, мазкур воситалар хариди Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона техник талаблар асосида амалга оширилиши инобатга олинсин;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда аҳолини хатловдан ўтказиб, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бириктирсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

**2021 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ врачлик пункти оилавий шифокор пункти деб, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника деб қайта номланади. Бунда, ушбу чора-тадбирлар мавжуд штат бирликлари доирасида амалга оширилади;**

аҳоли сони ва маҳаллий заруриятдан келиб чиқиб, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рўйхатига мувофиқ оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда туну-кун навбатчи тиббиёт ходими хизмат кўрсатади;

маҳаллада аҳолининг саломатлиги, ҳудуддаги касалликларнинг ўсиши, аҳолининг шифохоналарга ётиши, шошилиш тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилиши ва бошқалар оилавий шифокорнинг фаолияти натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари этиб белгиланади;

**2021 йил 1 январдан бошлаб оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими жорий қилинади ҳамда унинг натижаларига қараб ушбу ходимлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади;**

**туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида кўп тармоқли марказий поликлиника мудирини ҳисобланади;**

2021 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғига ажратилаётган маблағлар доирасида, заруриятга қараб, тор соҳа шифокорлари штатларини мустақил белгилаш ваколати берилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг раҳбарларига, зарур ҳолларда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағларни бюджет таснифининг харажатлар гуруҳлари ўртасида мустақил қайта тақсимлаш ваколати берилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси фаолият дислокацияси бўйича кўп тармоқли марказий поликлиника биносида жойлаштирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган баҳолаш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, оилавий шифокор ва «тиббиёт бригадалари» фаолиятини рағбатлантиришнинг дифференциал тизимини жорий қилсин;

2021 йил 1 апрелга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. 2021 - 2023 йилларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда қўшимча:

315 та оилавий шифокор пунктлари, шундан 2021 йилда - 100 та, 2022 йилда - 105 та ва 2023 йилда - 110 та;

52 та қишлоқда жойлашган оилавий поликлиникалар, шундан 2021 йилда - 17 та, 2022 йилда - 18 та ва 2023 йилда - 17 та;

33 та шаҳарда жойлашган оилавий поликлиникалар, шундан 2021 йилда - 7 та, 2022 йилда - 13 та ва 2023 йилда - 13 та ташкил этилади.

Қуйидагилар қўшимча оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қўшимча ташкил этилаётган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, уларни малакали ходимлар билан таъминлаш ва мазкур Фармонда кўрсатилган чора-тадбирларни улар фаолиятига жорий қилиш бўйича шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб Қарши давлат университети, Жиззах давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти ва Гулистон давлат университетида тиббиёт факультетлари ташкил қилинади, шу жумладан уларда ва бошқа тиббий олий таълим муассасаларида етакчи хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим дастурлари асосида ўқитиш тизими жорий қилинади;

тиббиёт олий таълим ташкилотларининг вилоят тиббиёт муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда клиник базалари ташкил қилинади ва уларнинг битирувчи курс талабалари ушбу клиник базаларда ўқув амалиётини ўтайди;

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда техникумлар ва коллежларда оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий қилади;

**Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга бириктирилади, уларнинг ўқувчилари ихтисослигидан келиб чиқиб ушбу муассасаларда амалиёт ўтайди.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. 2021 йилдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари шифокорлари учун «Қишлоқ шифокори» дастури жорий қилинсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида:

**бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларига ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шarti билан 30 миллион сўм миқдоридан бир марталик пул маблағлари, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилади ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик ижара тўловлари Давлат бюджетидан компенсация қилинади;**

олис ва чекка ҳудудлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан олис ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб бўш шифокор иш ўринлари рўйхати тузилади ва мунтазам янгиланиб турилади;

мазкур бандда кўрсатилган имкониятлардан фойдаланиш учун шифокорлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ўртасида шартнома тузиб борилади.

«Қишлоқ шифокори» дастурини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари:

бир ой муддатда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги шифокорларга бўлган эҳтиёжларни ва талабгорларни ҳар бир маҳалла кесимида аниқласин, уларга уй-жой ажратиш ва маблағ беришни таъминласин, шунингдек, уларни тиббиёт олий таълим муассасаларида тайёрлаш бўйича қабул параметрларини ошириш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклиф киритсин;

туман ҳокимлари ва тижорат банклари билан бирга ипотека дастурлари асосида курилаётган уй-жойларни аввало оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинаётган шифокорлар учун ажратишни таъминласин.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун келгуси йилда Давлат бюджетидан 20 миллиард сўмгача маблағ ажратсин.

7. Қуйидагилар тақиқлансин:

тиббиёт ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги ишларга жалб қилиш;

тиббиёт ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

**Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.**

8. Белгилаб қўйилсинки:

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот иш берувчиси ўз ходимларининг тиббий текширувдан ўтадиган куни ушбу тиббий жараёндан ўтишлари учун шахсан масъул ҳисобланадилар;



**мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотга ишга қабул қилинаётган ходимлар ўзлари тиббий текширувдан ўтадиган куни тўғрисида иш берувчиларни мажбурий тарзда хабардор қилади.**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ушбу талабларнинг иш берувчилар томонидан риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатилиши, зарур ҳолларда, уларни бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чоралар кўрилишини таъминласин.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тегишли соҳа ва ташкилот қасаба уюшмаларини жалб қилган мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишда ходимлар ва ишчиларнинг меҳнатига оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилишда самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш тавсия этилсин.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг ишчи ва хизматчиларга жароҳат етказиш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ўрнига меҳнат шaroитларини махсус баҳолаш тизими жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

махсус баҳолаш жараёнида биринчи навбатда иш ўринларидаги хавфли ва зарарли омилларнинг ходим саломатлиги даражасига таъсирини бартараф этишга қаратилади;

махсус баҳоловчи ходимлар таркибига олий маълумотга эга бўлган меҳнат гигиенаси мутахассиси мажбурий тарзда киритилади;

махсус баҳолаш фақатгина штат бирлигидаги ходимларида махсус баҳолаш бўйича ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган гувоҳномаси мавжуд ташкилот (юримдик шахслар) томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси:

махсус баҳолаш тизимининг 2021 - 2023 йиллар мобайнида тўлиқ жорий қилинишини таъминласин;

2021 йил 1 январга қадар меҳнат шaroитларини махсус баҳолаш бўйича маълумотларни киритиш ҳамда таҳлил қилиш механизмининг жорий қилиш учун ягона электрон платформа базаси яратилишини ва 2021 йил 1 февралга қадар унинг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

**10. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2014 йилда Паллиатив тиббий хизматни ривожлантириш бўйича махсус резолюция қабул қилинганлиги инобатга олинсин.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов, Э.И. Баситханова) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг экспертларини жалб қилган ҳолда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 - 2025 йилларда Ўзбекистонда паллиатив тиббий хизматни ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси» билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**11. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурхонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш тизимида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқсин.** Бунда, ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ва шифохонанинг кириш жойларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чақириқлар, «ишонч телефонлари» ва бошқа тарғибот материаллари жойлаштирилсин.

**12. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тўғри етказиш мақсадида тиббиёт ходимларининг касбини улуғловчи видеороликлар, илмий-оммабоп кўрсатувлар, бадий ва ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқсин,** телевидение орқали доимий намоиш қилсин ҳамда ижтимоий реклама сифатида уларни телевидение ва радиоканалларда жойлаштирсин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ишларини ташкиллаштирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли жамоат саломатлигини таъминлаш, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб бурсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев, соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ва соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов ҳар чоракда ушбу Фармон ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб бурсин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2020 йил 12 ноябрь, ПФ-6110-сон*

## 29. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ ВА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ - 01.04.2021 (<https://president.uz/uz/lists/view/4274>)

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 1 апрель куни аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирუსга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида фармони, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди. Уларга мувофиқ, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ва даволаш услубларини ўзгартириб, бу борада янгича тизим ташкил этила бошлаганди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борар экан, Президент учта саволни ўртага қўйди:

биринчи - жорий этилган янги тизим бўйича тиббий харита шакллантирилгани, аҳолининг хавф гуруҳларига бўлингани нимани кўрсатди?

иккинчи - маҳаллалар кесимида тиббиёт бригадалари шакллантирилиб, аҳоли билан манзилли ишлай бошлаганидан қанча одам рози бўлди?

учинчи - тиббиёт муассасаларида қайси хизматлар бепул бўлди?

Ҳозирги аҳвол талабга жавоб бераётгани, соҳадаги ўзгаришларни аҳоли тезроқ сезиши кераклиги таъкидланди. Ислохотларни жадаллаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Бош вазир ўринбосари, соғлиқни сақлаш вазири ва унинг ўринбосарларидан масъуллар бириктирилди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига кўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов ўтказилди. Йиғилишда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва Гулистон шаҳар ҳокими мазкур янги тизим натижалари ҳақида ҳисобот берди.

Айтиб ўтилганидек, Сирдарё вилоятининг 236 та маҳалласини тўлиқ қамраб олиш учун 421 та тиббиёт бригадаси ташкил этилган. Аҳолининг саломатлик ҳолати хатловдан ўтказилиб, улар 4 та хавф гуруҳига ажратилган ва вилоятнинг “электрон тиббий харитаси” яратилган.

**Мисол учун, Боёвут туманида 31 минг аҳоли ўзини соғлом деб билса-да, ортиқча вазн, нотўғри овқатланиш, зарарли одатлар туфайли уларда юрак-қон томир, диабет, ўпка касалликларига чалиниш эҳтимоли юқори экани аниқланган. Шунингдек, илгари шифокорга мурожаат қилмаган 257 нафар фуқарода касалликлар оғир босқичда экани маълум бўлган.**

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, аҳолини манзилли кўриқдан ўтказиш ва даволаш ишлари олиб борилади, ҳудудларнинг “тиббий хариталари” шакллантирилади.

Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикал иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Яъни, беморларни овора қилиб пойтахтга юбормасдан, уларга яшаш жойида малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини яратиш керак.

Ўтган йили ихтисослаштирилган марказларда даволанишга муҳтож 84 минг нафар бемордан атиги 51 минг нафари бепул ордер билан таъминланган.

Президент ордерлар учун маблағни деярли 1,5 бараварга кўпайтириб, қўшимча 80 миллиард сўм ажратиш бўйича Молия вазирлигига кўрсатма берди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга, йил якунига қадар ҳар бир беморни соғломлаштириш манзили ва муддатларини белгилаб, даволашни ташкил этиш бўйича вазифа қўйилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ўз йўналиши бўйича ҳудудлардаги 3 мингдан зиёд оилавий шифокорни қисқа муддатли курсларда ўқитадиган бўлди.

Яна бир масала - бугунги кунда донор беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантацияга рухсат берилмаган. Оқибатда, кўпчилик фуқароларимиз бундай

**амалиётни чет элда ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу боис инсон аъзолари трансплантациясининг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.**

Тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мамлакатимизда хусусий тиббиёт ташкилотлари учун барча ҳуқуқий асослар, имкониятлар яратилган. Лекин ҳудудларда касалликларнинг турига қараб, хусусий шифо масканларини ташкил этиш ишлари етарли даражада эмаслиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли орасида эҳтиёж юқори бўлган гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича хусусий клиникалар етишмайди.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларини компьютер томографлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соҳадаги коррупция иллатига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўтган йили тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ талон-ғорож қилингани айtilди. Шунинг учун, таъсирчан назорат тизимини ўрнатиб, ажратилаётган маблағлар жойига етиб бориши, дори-дармон ва тиббиёт ускуналарининг очиқ-ошкора сотиб олиниши, пуллик хизматлардан тушумлар мақсадли ишлатилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, бу борада чекка ҳудудларда эҳтиёж юқорилигини инобатга олиб, “Қишлоқ шифокори” дастури қабул қилинган эди. Бундай жойларда ишламоқчи бўлган шифокорларга 30 миллион сўм пул берилиши белгиланиб, бу мақсадлар учун бюджетдан 20 миллиард сўм ажратилган. Лекин, орадан 4 ой вақт ўтган бўлса-да, бирорта талабгор билан шартнома имзоланмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда олис ва чекка ҳудудлар учун 220 та шифокор зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда 10 минг нафар тор мутахассис етишмайди.

Шу боис келгуси ўқув йилидан клиник ординатуранинг қабул квотаси икки бараварга оширилиши белгиланди. Ушбу янги тизимда ординаторлар ўқув жараёнининг ярмини олийгоҳ ва ихтисослашган марказларда, қолган ярмини эса иш жойида давом эттиради. Вилоят ҳокимлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш учун маҳаллий бюджетдан грант ажратади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталди.

- Жорий йил бошида кунига ўртача 30-40 нафар бемор аниқланган бўлса, март ойи ўрталаридан бу кўрсаткич 160-180 нафарни ташкил этмоқда. Касалликнинг ўта оғир кечиши, ҳаттоки ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда. Бунинг сабаби - кўпчилик фуқаролар хотиржамликка берилиб, тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби карантин талабларига бефарқ бўлиб қолди, - деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, туну кун ишлайдиган “колл-марказ”лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг камида 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

- Афсуски, бу балонинг охири кўринмаяпти. Европа давлатлари яна локдаунга қияпти. Қўшниларимизда ҳам аҳвол яхши эмас. Хавф ёнимизда юрибди. Шунинг учун огоҳ бўлишимиз керак. Олдин қандай ишлаган бўлсак, шу тартибни тиклаймиз. Худо кўрсатмасин, шунча қилган ҳаракатимиз бекорга кетиши мумкин. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан жуда катта марралар қўйганмиз. Агар ёпилиб қолсак, бу натижаларга эришолмаймиз. Ҳеч қаерни ёпмаймиз, лекин тартиб-интизомни кучайтираемиз. Касалланганларни ҳам тез-тез даволаш чораларини кўриш керак, - деди Президент.

Апрель-июнь ойларида хавф гуруҳига мансуб 4 миллиондан ортиқ аҳолини коронавирусга қарши эмлаш режалаштирилган. Ҳозирда 660 минг доза вакцина олиб келинган. Ҳукумат комиссиясига Хитойдан яна 3,5 миллион доза ва Россиядан 1 миллион доза вакцина сотиб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш кунини ва жойини ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича вазирлар, ҳокимлар ва тиббиёт муассасалари раҳбарлари ахборот берди.

### **30. ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.**

*Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 5 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2021 йил 23 апрелда маъқулланган*

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш;

аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

давлат экологик экспертизаси;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият;

ушбу Қонуннинг 2-илоvasида кўрсатилмаган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний шахсларга бериш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонуннинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатларига тааллуқли бўлган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тегишли фаолият соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

##### **2-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятлари қонун билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**лицензиат** - фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензия** - жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**лицензиялаш** - лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва чақириб олиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**фаолиятнинг лицензияланадиган тури** - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган, қонун билан белгиланадиган фаолият тури;

**лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари** - фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошириш чоғида жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда шартлар мажмуи;

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар (бундан буён матнда ваколатли органлар деб юритилади)** - фаолиятнинг

айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар;

**лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари** - ваколатли органларнинг тегишинча берилган, узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган, қайта расмийлаштирилган ва чақириб олинган лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар томонидан ваколатли органларга юборилган хабарномалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари;

**лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури** - фаолиятнинг лицензияланадиган тури таркибига киритиладиган фаолият турининг йўналиши;

**давлат хизматлари паспорти (бундан буён матнда паспорт деб юритилади)** - лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёни билан боғлиқ бўлган ўзига хос талаблар ва шартларни, шунингдек маълумотларни ўз ичига олган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳужжат;

**рухсат бериш тартиб-таомили** - рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат** - ваколатли орган томонидан рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклларда бериладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда муайян фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

**талабгор** - лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабарнома** - хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчи томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар;

**хабардор қилувчи** - ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабардор қилиш тартиб-таомили** - хабарнома юбориш, хабарномани қабул қилиш (қабул қилмаслик), хабарнома қабул қилинганлигини тасдиқлаш, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишга тақиқ жорий этиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**«ягона дарча» принципи** - хизматлар кўрсатиш тартиби бўлиб, бунда талабгорга тегишинча лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ваколатли органга бошқа давлат органлари ёки ташкилотлар томонидан бериладиган турли бошқа ҳужжатларни олиш талаб қилинадиган ҳолларда мазкур ваколатли орган кўрсатилган ҳужжатларни талабгорнинг иштирокисиз мустақил равишда сўрайди ва олади.

**4-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги асосий принциплар**

**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:**

**қонунийлик;**

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида ваколатли органлар фаолиятининг очиқлиги;**

**инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, жисмоний ва юридик шахслар қонуний манфаатларининг, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг, жамоат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устуворлиги;**

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг шаффофлиги;**

**лицензиялашнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг «ягона дарча» принципи бўйича амалга оширилиши.**

**5-модда. Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини жорий этиш учун асослар**

**Агар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) айрим турларини амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига зиён, жамоат хавфсизлигига зиён ва (ёки) атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари жорий этилади.**

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини белгилайди;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

ваколатли органлар томонидан лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши амалиётини ўрганади ҳамда унинг таҳлилин амалга оширади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларига риоя этилиши устидан доимий мониторингни амалга оширади, шу жумладан махсус электрон тизим орқали амалга оширади;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Махсус электрон тизим**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш, ваколатли органларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик қилиши, шунингдек лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари бажарилишининг мониторингини ўтказиш жараёнларини қамраб оладиган, жисмоний ва юридик шахслар учун очик бўлган «Лицензия» ахборот тизими махсус электрон тизимдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги махсус электрон тизим операторидир.

Махсус электрон тизимда қуйидагилар акс эттирилади:

1) қуйидагиларни ўз ичига оладиган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнлари:

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни топшириш;

ваколатли органлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш ҳамда лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш ёки беришни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон шаклдаги лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш;

ваколатли органни фаолият бошланганлиги ёки тугатилганлиги ҳақида хабардор қилиш учун хабарномалар юбориш ва хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқномалар олиш;

аризани кўриб чиқиш учун давлат божининг, йиғимларнинг электрон тўловини амалга ошириш;

лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда уларни бекор қилиш ҳақидаги аризаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

2) лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш чоғида давлат органлари ва ташкилотлар ҳамкорлигининг қуйидагиларни ўз ичига оладиган жараёнлари:

бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан қўшимча ҳужжатлар ҳамда ахборотни мустақил равишда олиш, шунингдек улар билан «ягона дарча» принципи бўйича келишиш;

лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритиш;

лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар, шунингдек хабарномалар билан боғлиқ ахборотни тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базалари орқали текшириш;

3) лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларининг бажарилиши мониторингини ўтказишнинг қуйидагиларни ўз ичига оладиган жараёнлари:

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан ваколатли органлар томонидан масофавий мониторингни амалга ошириш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ҳар бир босқичида аризалар кўриб чиқилишини кузатиб бориш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш чоғида ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда ваколатли органларнинг судларга мурожаат қилиши;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ваколатли органларнинг автоматик тарзда шакллантириладиган рейтингини юритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти (ҳаракатлари) устидан назорат қилишнинг муайян мезонларини аниқлаган ҳолда, ваколатли органлар томонидан берилган лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, «хавфни таҳлил қилиш» тизимини жорий этиш.

Махсус электрон тизимда қонунчиликка мувофиқ бошқа жараёнлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

**9-модда. Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини давлат муассасалари томонидан амалга ошириш**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган давлат муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг ушбу турларини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир.** Мазкур қоида кўрсатилган давлат муассасаларини лицензия талаблари ва шартларини бажаришдан озод этмайди.

**10-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини юридик шахсларнинг филиаллари ва ваколатхоналари томонидан амалга ошириш**

Юридик шахслар томонидан ташкил этилган филиаллар ва ваколатхоналар учун алоҳида лицензиялар ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олиш талаб этилмайди. Бунда юридик шахслар томонидан аввал олинган лицензияларда ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда ваколатли органлар томонидан мазкур ҳужжатларга ўзгартишлар киритилган ҳолда филиаллар ва ваколатхоналарнинг манзиллари кўрсатилади.

Филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этган юридик шахслар филиаллар ҳамда ваколатхоналар томонидан фаолият (ҳаракатлар) турларини хабардор қилиш тартибида амалга ошириш бошлангунига қадар бу ҳақда ваколатли органни махсус электрон тизим ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда ЯИДХП деб юритилади) орқали хабардор қилиши керак. Бунда ваколатли орган кўрсатилган филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги ахборотни хабарномалар реестрига киритади.

Филиаллар ва ваколатхоналар фаолиятнинг лицензияланадиган турларини, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга ошираётганда ёки фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошираётганда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этиши керак.



## **11-модда. Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари**

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда юритилади. Реестрлардаги ахборот очикдир.

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларида куйидагилар акс эттирилади:

юридик шахс учун - номи, жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун - фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), фаолият (ҳаракатлар) амалга ошириладиган манзил;

хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларини амалга оширувчи филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги ахборот;

берилган лицензияларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг ва хабарномалар санаси ва тартиб рақамлари;

чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун - лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари;

амалга оширилиши учун лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат талаб қилинадиган, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) тури (кичик тури);

лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, уларни бекор қилиш асослари ҳамда саналари;

лицензияларни чақириб олиш асослари ва саналари;

хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга оширишга доир тақиқнинг муддати тўғрисидаги ахборот;

лицензияга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга ўзгартишлар киритиш, шунингдек хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) ўзгартириш ҳақидаги хабарномани юбориш асослари ҳамда саналари;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга оширишга доир тақиқнинг қолган муддати.

## **12-модда. Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритиш**

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари лицензиатларнинг, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олган шахсларнинг ҳамда хабардор қилувчиларнинг давлат томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига мазкур шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш мақсадида юритилади.

Лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини доимий асосда юритиш ҳамда уларга тегишли ўзгартишлар киритиш ваколатли органларнинг зиммасига юклатилади.

### **2-боб. Лицензиялаш**

#### **13-модда. Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари**

Ушбу Қонуннинг 1-иловасида кўрсатилган фаолият турлари фаолиятнинг лицензияланадиган турларидир.

**Лицензия фаолиятнинг ҳар бир лицензияланадиган тури учун алоҳида берилади.** Лицензия талабгорнинг аризасига мувофиқ лицензияланадиган фаолият турининг кичик турига (кичик турларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият тури (кичик тури) фақат лицензия олган жисмоний ёки юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

#### **14-модда. Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар**

**Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар:**

**талабгорларнинг мурожаатларини қабул қилади ва кўриб чиқади;**

**лицензиялар беради ёки уларни беришни рад этади, лицензияларнинг амал қилиши муддатини узайтиради;**

**лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади;**

**лицензияларни қайта расмийлаштиради;**

**лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туради, қайта тиклайди;**

лицензияларни бекор қилади ёки ушбу Қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади;

**лицензияларни ўзгартиради;**

**лицензиялар реестрини юритади.**

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар қонунга, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар ушбу ваколатли органлар томонидан лицензияланадиган фаолиятни амалга оширадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ташкил этишга ёки уларнинг фаолиятида муассислар, акциядорлар ёхуд иштирокчилар сифатида иштирок этишга ҳақли эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

#### **15-модда. Лицензияларнинг турлари**

Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибда бўлиши мумкин.

Агар чекланмаган миқдордаги талабгорлар фаолиятнинг тегишли турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона лицензия талаблари ва шартларига жавоб берса, ушбу шахсларга бериладиган лицензиялар намунавий (оддий) лицензиялар жумласига киради.

Талабгорларга алоҳида лицензия талаблари ва шартлари асосида бериладиган, фаолиятнинг муайян турини амалга оширишда лицензиатларга мутлақ ҳуқуқларни тақдим этадиган лицензиялар якка тартибдаги лицензиялар жумласига киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра сони жиҳатидан чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **16-модда. Лицензиянинг амал қилиш муддати**

**Фаолиятнинг лицензияланадиган турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун лицензиялар уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, бундан қуйидагиларни амалга ошириш учун лицензиялар мустасно:**

**тиббий фаолият;**

**фармацевтика фаолияти;**

**минерал ўғитларнинг, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолият;**

**гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият;**

**таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик воситасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш, олиб кириш (олиб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), олиш ва ташиш фаолияти;**

кўчма радиотелефон (уяли) алоқадан ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ фаолият;  
нефтни, газни (шу жумладан сиқилган табиий ва суюлтирилган углеводород газини) ҳамда газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш соҳасидаги фаолият;  
аффинаж фаолияти.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи - тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган фаолият турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун лицензияларнинг амал қилиш муддатлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда ва уларнинг паспортларида белгиланади, лекин бу муддатлар беш йилдан кам бўлмаслиги керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда ваколатли органга топширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензияни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

### **17-модда. Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун ундириладиган давлат божи**

Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун давлат божи ундирилади.

Лицензия берганлик, унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик ва уни ўзгартирганлик учун давлат божи миқдорлари ҳамда уни тўлаш тартиби «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланади.

Лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун қонунда давлат божи ставкаларининг камайтирилган миқдорлари белгиланиши мумкин.

Фаолиятнинг қуйидаги турлари бўйича лицензиянинг амал қилиши учун йиллик давлат божлари белгиланади:

концерт-томоша фаолияти;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси соҳасидаги фаолият;

телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатиш.

### **18-модда. Лицензияланадиган фаолият турининг кичик турига лицензиат томонидан лицензия олиш тартиби**

Лицензиат лицензия асосида амалга ошириладиган фаолиятни лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтириши мумкин.

Муайян соҳада фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган лицензиат худди шу соҳадаги фаолиятнинг кичик турига лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган тақдирда, у ваколатли органга фақат фаолиятнинг тегишли кичик турига қўйиладиган қўшимча лицензия талаблари ва шартларини қаноатлантирадиган ахборотни тақдим этади. Бунда ваколатли орган лицензиат томонидан илгари олинган лицензияга лицензияланадиган фаолият турининг тегишли кичик турига тааллуқли ўзгартишлар киритади.

### **3-боб. Рухсат бериш тартиб-таомиллари**

#### **19-модда. Амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турлари**

Ушбу Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турларидир.

#### **20-модда. Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар**

**Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар:**

талабгорларнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, уни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

ушбу Қонун талабларига ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ белгиланган муддатларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беради ёки уни беришни асосли равишда рад этади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрини юритади;

рухсат бериш тартиб-таомиллари масалалари юзасидан талабгорларнинг оғзаки ёки ёзма, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида юборилган сўровига кўра бепул асосда тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради;

талабгорлар рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни электрон шаклда беради;

ушбу Қонуннинг 32 ва 33-моддаларида назарда тутилган ҳолларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ва (ёки) ушбу масалаларни суд тартибда кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқади.

Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар қонунга, шунингдек рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**21-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати**

**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди.** бундан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ва уларнинг паспортларида назарда тутилган ҳоллар, шунингдек бир марталик ҳаракатни бажариш учун бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно.

**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, у талабгорнинг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда ваколатли органга топширилади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланиши мумкин.**

Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга ошириладиган бўлса, рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгор ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади. Агар рухсат бериш талаблари ва шартларига лозим даражада риоя этган талабгорнинг таклифи танловда (тендерда) иштирок этувчи бошқа талабгорнинг энг мақбул таклифига тенг қийматда бўлса, ушбу устуворлик қўлланилади.

**22-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган ҳолларда ҳамда миқдорларда йиғим ундирилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

**4-боб. Лицензиялашнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг ўзига хос хусусиятлари**

**23-модда. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар, шунингдек уларнинг паспортлари**

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда қуйидагилар назарда тутилади:

лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг, шунингдек уларни бериш зиммасига юклатиладиган ваколатли органнинг номи;

лицензиялашдан ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришдан мақсад;

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати;

талабгорнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан агар мазкур ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга ошириладиган бўлса, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби;

лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари;

лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни махсус электрон тизим воситасида беришда лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг бошқа давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби;

**лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини қайта расмийлаштириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, уларни бекор қилиш тартиби;**

тегишли лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати;

агар талабгор томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати.

**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ўшбу Қонунга мувофиқ бошқа нормалар ҳам кўрсатилиши, шунингдек лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган тартиби белгиланиши мумкин.**

Лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар паспортларида талабгор томонидан лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш ва фаолиятини давом эттириши учун зарур бўлган ахборот кўрсатилади.

#### **24-модда. Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари**

Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида фаолиятнинг лицензияланадиган турининг ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ҳар бири бўйича кўрсатилади. Бунда рақобатни чекловчи талаблар ва шартларни жорий этиш тақиқланади.

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида қуйидаги лицензия ҳамда рухсат бериш талаблари ва шартлари кўрсатилади:

лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг муайян қоидаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан риоя этилиши шартлиги;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турини амалга оширишга талабгор шахсларга нисбатан аниқ малака талаблари, шу жумладан махсус тайёргарликка доир талаблар;

фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турини амалга оширишнинг махсус шартларига доир тугал талаблар, шу жумладан фойдаланиладиган моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситаларга доир аниқ талаблар;

ходимлар билан янги меҳнат шартномаларини тузиш, шартномаларга ўзгартишлар киритиш ва уларни тугатиш ҳолларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш - тегишли фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан шундай талаб мавжуд бўлган тақдирда;

фаолиятнинг лицензияланадиган турининг ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа лицензия ва рухсат бериш талаблари ва шартлари.

**Лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини ваколатли органлар томонидан назорат қилиш «хавфни таҳлил қилиш» тизими натижалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилиши фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида амалга оширилади.**

**25-модда. Лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш**

Талабгорларнинг лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалари, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар махсус электрон тизим воситасида ёки ЯИДХП орқали қабул қилиниши мумкин.

Давлат сирларини ёки қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган лицензияларни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризалар ваколатли органлар томонидан қабул қилиниши ва бевосита уларга берилиши мумкин.

Ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ваколатли органга келиб тушган пайтдан эътиборан улар рўйхатдан ўтказилган деб ҳисобланади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат (белги) автоматик равишда талабгорга юборилади (берилади).

**Аризани қабул қилишни ваколатли орган томонидан рад этишга йўл қўйилмайди.**

Электрон шаклда берилган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар манфаатдор шахслар томонидан махсус электрон тизим воситасида қоғозда чоп этилиши мумкин. Бунда қоғозда чоп этилган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар электрон шаклда берилган лицензияларга ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга тенглаштирилади.

Талабгор махсус электрон тизим ёки ЯИДХП орқали ариза билан мурожаат этганда, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган тартибда тақсимланадиган давлат божи ва йиғимнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

**26-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза билан ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда мурожаат қилган тақдирда, талабгор томонидан қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

юридик шахс учун - солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

жисмоний шахс учун - фамилияси, исми ва отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);

талабгор амалга ошириш ниятида бўлган фаолиятнинг лицензияланадиган тури ёки рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш талаб этиладиган фаолият (ҳаракатлар) тури, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда - мазкур фаолиятнинг кичик тури;

қонунчиликда назарда тутилган лицензия ёки рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари талабгор томонидан бажарилиши мумкинлигини тасдиқловчи бошқа маълумотлар.

Талабгор томонидан тақдим этилган, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, ваколатли орган аксини исботлагунига қадар, барча ҳолларда тўғри деб ҳисобланади.

**Талабгордан ушбу моддада ҳамда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.**

Ариза талабгор томонидан махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида юборилган тақдирда, у электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Талабгор нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тақдим этганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

### **27-модда. Лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларнинг тўғрилигини текшириш**

Лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ягона QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ махсус қоғоз бланкаларида расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлар мустасно.

Барча турдаги лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш мазкур ҳужжатларга тушириладиган ягона QR-кодни (матрик штрихли кодни) тегишли реестрда кўрсатилган ахборот билан солиштириб кўриш орқали амалга оширилади. Бунда қоғоз шаклидаги лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

### **28-модда. Талабгорларнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш**

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари махсус электрон тизим орқали электрон шаклда амалга оширилади, бундан давлат сирларини ёки қонунчиликка мувофиқ фойдаланилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари мустасно.

Талабгорнинг аризаси ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан ваколатли орган томонидан уни кўриб чиқиш, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш муддати йигирма иш кунидан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятнинг айрим лицензияладиган турлари ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш зарур бўлган фаолият (ҳаракатлар) турлари учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабгорларнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини йигирма иш кунидан ортиқ этиб белгилаши мумкин.

Ваколатли орган, зарур бўлган тақдирда, ўз маблағлари ҳисобидан тегишли хулосаларни тайёрлаш учун экспертларни шартнома асосида жалб этишга ҳақли.

Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай уни махсус электрон тизимга жойлаштиради ва талабгорни мазкур қарор жойлаштирилган пайтдан эътиборан бир иш соатидан ошмаган муддатда махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда хабардор қилади.

Агар ваколатли орган талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида талабгорга лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ва уни беришни рад этмаса, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтганидан кейин талабгор амалга оширилиши учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олиш ниятида бўлган фаолиятни (ҳаракатни) амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида электрон шаклда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳолда талабгор белгиланган давлат божини ёки йиғимни тўлаганидан кейин махсус электрон тизим воситасида унга лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилади. **Бунда талабгор лицензиясиз ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз фаолият билан шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас ҳамда ваколатли органлар эҳтимол тутилган барча оқибатлар учун жавобгар бўлади.**

### **29-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш**

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани рад этиш учун куйидагилар асос бўлади:

лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг талабгор томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

талабгорнинг лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига мувофиқ эмаслиги;  
талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ ўтказилиши мажбурий бўлган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ҳамда техник баҳолашларнинг якунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

**Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан ёхуд бошқа асосларга кўра, шу жумладан қуйидаги ҳолларда рад этишга йўл қўйилмайди:**

**ходимларнинг касбий малакаси қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;  
тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурлар қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда;**

**лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига мувофиқ фойдаланиладиган бино ва иншоотлар санитария-эпидемиологик ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаганда.**

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси ва иккинчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар аниқланганда, агар аризада бартараф этиш мумкин бўлган камчиликлар мавжуд бўлса, ваколатли орган уларни бартараф этиш учун талабгорга муддат беради. Камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома ваколатли орган томонидан махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда талабгорга бир иш куни ичида юборилади.

Хабарнома тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек талабгор кўрсатилган сабабларни бартараф қилиб, тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиш учун такроран тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади. Хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўладиган вақтга мутаносиб бўлиши, лекин ушбу муддат ўттиз иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

**Ваколатли орган аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга малакали ходимларни излашда, ҳужжатлар ҳамда дастурларни маромига етказиш учун мутахассисларни жалб этишда, шунингдек лицензияларни ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ўзга ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам кўрсатиши ва тавсиялар бериши керак, бундан талабгорлар таклиф этилган ёрдамни рад этган ҳоллар мустасно.**

Камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарнома юборилган тақдирда лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати тўхтатиб турилади.

Ҳужжатлар хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этмасдан ёки хабарномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин такроран тақдим этилган тақдирда, ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. **Бунда лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.**

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома талабгорга рад этиш сабаблари, қонунчиликнинг аниқ нормалари ва талабгор мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда юборилади. Талабгорлар рад этиш сабабларини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги электрон хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Талабгор лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёхуд уни беришни рад этиш талабгорнинг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан



беш иш кунидан ошмайдиган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Талабгорларнинг аризаларини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Хужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан талабгорга илгари баён қилинмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл қўйилмайди, бундан илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши мустасно.

**Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин талабгор томонидан берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.**

Талабгор лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ушбу Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### **30-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш**

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилган, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) фаолият турлари бўйича ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кун ичида ваколатли органга, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтганидан кейин беш иш кун ичида ваколатли органга лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида, кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда ариза бериши шарт.

Янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида айтилган бир фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун лицензияси ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжати мавжуд бўлган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари қўшиб юборилган тақдирда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Лицензиянинг амал қилиши лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури учун тугатилганда ёки бир нечта фаолият турлари бирлаштирилган тақдирда, лицензия қайта расмийлаштирилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатда кўрсатилган маълумотлар ушбу модданинг биринчи - учинчи қисмларида назарда тутилмаган ҳолларда ўзгартирилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тадбиркорлик субъектининг тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолдаги аризаси бўйича амалга оширилади.

**Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш учун зарур бўлган хужжатлар талабгор томонидан ушбу Қонуннинг 25-моддасида назарда тутилган тартибда берилди.**

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қайта расмийлаштирилгунига қадар, тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризаси асосида унда кўрсатилган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қайта расмийлаштирилаётганда ваколатли орган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар реестрларига тегишли ўзгартишлар киритади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш ҳамда бериш лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қайта расмийлаштирилаётганда талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини

кўриб чиққанлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

### **31-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни ўзгартириш**

Лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар лицензиатнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахснинг аризаси асосида ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши мумкин:

лицензия асосида амалга оширилаётган фаолият тури лицензияланадиган фаолият турининг бошқа кичик тури билан кенгайтирилганда;

филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этган юридик шахсларга берилган лицензияга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга мувофиқ ушбу филиаллар ва ваколатхоналар томонидан фаолиятни амалга ошириш бошланганда;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг фаолиятни амалга ошириш манзили ўзгарганда, агар унинг жойлашган ерига нисбатан лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартлари белгиланган бўлса.

Лицензияларга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Лицензия ўзгартирилган тақдирда давлат божи, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ўзгартирилганда эса йиғим тегишинча лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик учун тўланадиган сумманинг эллик фоизи миқдорида ундирилади.

### **32-модда. Лицензиянинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ва рухсат бериш талаблари ҳамда шартларининг бузилганлиги аниқланганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан ваколатли органнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини унинг зиммасига юкловчи қарори бажарилмаганда.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туриш ваколатли орган томонидан, ўн кундан ортиқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга эса - суд томонидан амалга оширилади.

Ваколатли органнинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай, махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда етказилади.

Суднинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли органлар ёки суд лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат ёхуд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан бартараф этилиши муддатини белгилаши шарт. Бунда кўрсатилган муддат лицензиат ёки рухсат берувчи ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам ва олти ойдан кўп бўлмаслиги керак.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан бартараф этилган тақдирда, лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан уч иш кун ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Суднинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарори у қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида тегишли ваколатли органга қонунда белгиланган тартибда етказилади. Бунда ваколатли орган эса лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қайта тикланганлиги тўғрисидаги маълумотни махсус электрон тизимга бир иш кунидан ошмаган муддатда жойлаштиради.

**Агар ваколатли орган лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш ҳақида ёки қайта тиклашни рад этиш тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилмаса, лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс мазкур муддат ўтгандан сўнг ваколатли органни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.**

Лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда, суд лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

**Ваколатли органнинг лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.**

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асоссиз деб топилган тақдирда, ваколатли органлар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс олдида улар кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади. Бунда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат амал қилишининг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қайта тикланган деб ҳисобланади.

Лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс ўз фаолияти вақтинча тўхтатиб турилган тақдирда лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш ҳақида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Агар лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилганидан кейин олти ой ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга ариза билан мурожаат этмаган бўлса, лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилади.

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисидаги ахборот тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш куни ичида махсус электрон тизимга жойлаштирилиши керак.

### **33-модда. Лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш**

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

**лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;**

юридик шахс тугатилганда - тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда - қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек янгидан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида қайта ташкил этилаётган юридик шахсда фаолиятнинг айни бир лицензияланадиган турини ёки ҳаракатларни (фаолиятни) амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда қўшиб юборилиши мустасно;

якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

жисмоний шахснинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

**лицензия берилганлиги учун давлат божи ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун йиғим белгиланган муддатда тўланмаганда;**

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга хилофлиги аниқланганда;

лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан лицензия ёки рухсат бериш талаблари ва шартлари мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса. Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг бекор қилинишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланади;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

**Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи - олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.**

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи - ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда суд томонидан бекор қилинади. Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказди.

Лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра бекор қилинган тақдирда, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат улар берилган санадан эътиборан бекор қилинган деб ҳисобланади.

Суднинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга ҳамда ваколатли органга қонунчиликда белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли орган лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай лицензиатга ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахсга махсус электрон тизим воситасида электрон шаклда, лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш асосларини, қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда етказди.

Ваколатли орган бекор қилинган лицензиялар ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотни бир иш куни ичида махсус электрон тизим воситасида тегишинча лицензиялар реестрига ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига киритади.

**34-модда. Лицензиянинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш**

Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

лицензиялаш тартиби ёки рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилинганда;

**лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганда;** бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга эга бўлган жисмоний шахс вафот этганда;

**лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс томонидан ваколатли органга лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини олти ойгача тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан илгари мурожаат этилган бўлиб, мазкур муддат ичида лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилинмаган тақдирда.**

**Лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилган ҳолларда ваколатли орган томонидан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш талаб этилмайди.**

**35-модда. Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим**

Талабгорнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек уларнинг паспортларида белгиланган ҳолларда ҳамда миқдорларда ундирилади. Йиғим миқдори ваколатли органнинг лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қилган харажатлари доирасида белгиланади.

Лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни талабгорга беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган, шунингдек талабгор берган аризасидан воз кечган тақдирда талабгорнинг лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

### **5-боб. Хабардор қилиш тартиб-таомиллари**

#### **36-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар)**

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш учун ваколатли орган томонидан қарор қабул қилинишини талаб этмайдиган, бироқ давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш, шунингдек тегишли фаолият билан шуғулланаётган субъектларнинг ҳисобини юритиш ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар ҳамда шартларга риоя этиш бўйича юридик ва жисмоний шахслар ўз зиммасига мажбуриятлар қабул қилиши орқали амалга ошириладиган фаолият турларини ўз ичига олади.

Ушбу Қонуннинг 3-иловасида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) амалга ошириш учун бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиш талаб этилади. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ушбу Қонунда назарда тутилмаган янги турларини (кичик турларини) жорий этиш тақиқланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган фаолият (ҳаракатлар) турлари (кичик турлари) билан ваколатли органни хабардор қилмасдан шуғулланиш тақиқланади.

Хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда назарда тутилади.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ўзига хос қоидалари ва хусусиятлари хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланади.

#### **37-модда. Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар**

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартлар хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва паспортларда кўрсатилади.

Хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва паспортларда қуйидаги талаблар ҳамда шартлар кўрсатилади:

паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилиши шартлиги ҳамда уларни бажариш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиш;

фаолиятни бошлаш ҳақидаги хабарномада (бундан буён матнда хабарнома деб юритилади) кўрсатилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш;

ходимлар билан янги меҳнат шартномалари тузилганлиги, шартномаларга ўзгартишлар киритилганлиги ва улар тугатилганлиги ҳолларини, шунингдек амалдаги меҳнат шартномалари тўғрисидаги ахборотни «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мажбурий рўйхатдан ўтказиш - тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ходимларга нисбатан шундай талаб мавжуд бўлган тақдирда;

хабардор қилувчининг номи, жойлашган ери (яшаш манзили) ўзгарганлиги рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ёки филиал ва ваколатхона очилганидан сўнг ваколатли органи ўн иш куни ичида хабардор қилиш;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият (ҳаракатлар) турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа талаблар ва шартлар.

Хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятга (ҳаракатларга) доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба кўпол бузилиши ҳолларининг рўйхати паспортларда белгиланади.

### **38-модда. Хабарнома юбориш ва уни ҳисобга олиш тартиби**

Хабардор қилувчи (унинг номидан иш юритишга ваколатли шахс) ваколатли органга электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборади.

Хабарномани юборишда паспортларда назарда тутилган маълумотлар кўрсатилади ва ҳужжатлар илова қилинади.

Паспортларда назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Хабардор қилувчилар хабарнома юбориш орқали хабардор қилиш тартиби жорий этилган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун ушбу Қонуннинг 37-моддасида белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

Хабардор қилиш талаб этиладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизигача миқдорда йиғим ундирилади, бундан алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни ва алкоголь маҳсулотларини умумий овқатланиш корхоналари томонидан реализация қилишни бошлаш ҳақидаги хабарномалар мустасно.

Хабардор қилувчилар ваколатли органга юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Хабарномага киритилган маълумотлар махсус электрон тизим воситасида идоралараро ҳамкорлик тизимларида мавжуд бўлган ахборот асосида автоматик равишда текширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилувчи томонидан махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида хабарнома юборилганда, паспортларда белгиланган тартибда тақсимланадиган йиғимнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

### **39-модда. Хабарноманинг қабул қилинмаслиги**

Хабарнома қуйидаги ҳолларда ваколатли орган томонидан қабул қилинмайди:

нотўғри ёки ёлғон ахборот киритилганлиги махсус электрон тизим воситасида аниқланганда; хабарнома юборганлик учун йиғим тўланмаганда;

фаолиятни (ҳаракатларни) хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларга риоя этилганлиги ҳамда улар бажарилганлиги тасдиқланмаганда;

агар хабардор қилувчи аввал хабарномалар реестрига айна ўша фаолият (ҳаракатлар) бўйича киритилган бўлса ва унинг фаолияти (ҳаракатлари) амал қилаётган бўлса;

ваколатли орган ёки суд томонидан хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) муайян муддатга тўхтатиб турилганда;

хабардор қилувчи томонидан тегишли фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш суднинг қарорига асосан тақиқланганда.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳоллардан ташқари бошқа асослар бўйича хабарномани қабул қилмаслик тақиқланади.

### **40-модда. Хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома**

Ушбу Қонунда, шунингдек хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда ва хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда белгиланган талабларга ва шартларга риоя қилинган ҳолда юборилган хабарнома махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда қабул қилинади ва хабардор қилувчига хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома юборилади.

Тасдиқнома юборилган хабардор қилувчилар тўғрисидаги ахборот хабарномалар реестрида автоматик равишда шакллантирилади.

**41-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш асослари**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) қуйидаги асосларга кўра муайян муддатга тўхтатиб турилади:

ваколатли органнинг ташаббусига биноан;

ҳабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги иш судда кўриб чиқилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар.

**42-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ваколатли органнинг ташаббусига биноан тўхтатиб туриш тартиби**

Ваколатли орган хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомга иловалар ҳисобланувчи паспортларда назарда тутилган талаблар ва шартлар бузилганлиги аниқланган тақдирда, хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриши мумкин.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асослар аниқланган тақдирда, ваколатли орган далолатнома тузади ва хабардор қилувчини ушбу далолатнома билан таништиради.

Далолатнома тузилган кундан эътиборан бир иш куни ичида ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туради ва аниқланган камчиликларни хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилган муддатда бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган қарорни қабул қилади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни унга махсус электрон тизим воситасида бир иш куни ичида юборади ва шу куннинг ўзида хабарномалар реестрига хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тўхтатиб турилганлиги тўғрисидаги ахборотни киритади.

**43-модда. Хабардор қилувчининг ваколатли орган томонидан тўхтатиб турилган, хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш**

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни белгиланган тартибда олганидан кейин у қарорда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиши ва бу ҳақдаги ахборотни ваколатли органга асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда юбориши керак.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ахборотни олган кундан эътиборан беш иш куни ичида ушбу ахборотни таҳлил қилиши ва зарур бўлганда, олинган ахборотни жойига чиққан ҳолда ўрганиши керак. Бунда ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва уни хабардор қилувчига махсус электрон тизим воситасида юборади.

Ваколатли орган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатнома юборилганидан кейин бир иш куни ичида:

ҳабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши;

ҳабардор қилувчига унинг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) қайта тиклаш тўғрисидаги қарорни махсус электрон тизим воситасида юбориши;

ҳабарномалар реестрига хабардор қилувчининг фаолияти (ҳаракатлари) қайта тикланганлиги тўғрисида белги кўйиши керак.

Хабардор қилувчи томонидан ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш учун асос бўлган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш чораларини кўради.

Агар ваколатли орган ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган чораларни кўрмаса, хабардор қилувчи ваколатли органни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилган ҳолда ўз фаолиятини (ҳаракатларини) давом эттириши мумкин.

**44-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш асослари**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари): хабардор қилувчи томонидан ўз фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисида ваколатли органга юборган хабарномага;

хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги суднинг қарорига асосан тугатилади.

**45-модда. Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиши**

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатганлиги тўғрисида махсус электрон тизим ёки ЯИДХП воситасида ваколатли органни хабардор қилиши керак.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарномани юборганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Хабардор қилувчи ўзининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги хабарнома юборганидан кейин унинг фаолияти (ҳаракатлари) хабарномада кўрсатилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади ва хабарномалар реестрига бу ҳақда автоматик тарзда белги қўйилади.

**46-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) суд томонидан тугатиш**

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза судга ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

хабардор қилувчи томонидан фаолиятни (ҳаракатларни) бошлаш тўғрисида юборилган хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ёлғон ёки нотўғрилиги аниқланганда;

хабардор қилувчи белгиланган талаблар ва шартларнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар ваколатли орган томонидан белгиланган муддатда бартараф этилмаганда;

белгиланган талаблар ва шартлар мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, агар мазкур қоидабузарликлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат хавфсизлигига зарар ҳамда атроф-муҳитга зиён етказилишига олиб келган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган далолатнома тузади ва бир иш куни ичида уни махсус электрон тизим воситасида хабардор қилувчига юборади. Далолатнома тузилганидан кейин ваколатли орган беш иш куни ичида судга хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш ҳақида ариза беради.

Ваколатли органнинг хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тугатиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қаноатлантирилмаган тақдирда, ваколатли орган хабардор қилувчи олдида хабардор қилувчига етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Ваколатли орган хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) тугатилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин уч иш куни ичида хабарномалар реестрига белги қўяди.

Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолияти (ҳаракатлари) ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган асосга кўра тугатилган тақдирда, бу фаолият хабардор қилувчи томонидан хабарнома юборилган санадан эътиборан тугатилган деб ҳисобланади.

Фаолияти (ҳаракатлари) суд тартибида тугатилган шахслар махсус электрон тизимдаги алоҳида рўйхатга киритилади.

**47-модда. Хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишни тақиқлаш**

Ваколатли орган хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) тугатиш тўғрисидаги аризада хабардор қилувчи томонидан йўл қўйилган қоидабузарликнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, ушбу Қонуннинг 3-иловасига киритилган фаолият (ҳаракатлар) турларини (кичик турларини) хабардор қилувчи томонидан амалга оширишни уч ойгача бўлган



муддатга тақиқлаш тўғрисидаги талабни назарда тутиши мумкин. Бунда хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни тақиқлашнинг аниқ муддати суд томонидан қонунга мувофиқ аниқланади.

#### **6-боб. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги давлат назорати**

#### **48-модда. Ваколатли органларнинг лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқлари**

Лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга ошираётган шахсларнинг, хабардор этувчиларнинг фаолияти ваколатли органлар томонидан назорат қилинади.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошираётганда ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига жисмоний ва юридик шахсларнинг риоя этилиши текширишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган, қонунчиликда белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда ўтказиш;

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслардан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширувлар натижалари асосида жисмоний ва юридик шахслар йўл қўйган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига доир қоидабузарликларни кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

жисмоний ва юридик шахслар зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш;

хабардор қилувчиларнинг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишни тақиқлаш тўғрисида судга ариза бериш;

ушбу Қонунга мувофиқ лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга жарима (бундан буён матнда жарима деб юритилади) солиш тўғрисида судга ариза бериш;

лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатларни амалга ошириш учун судга давлат божи тўламасдан аризалар бериш.

Ваколатли органлар жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларсиз, шунингдек хабарнома юбормасдан фаолият билан шуғулланилиши ҳолларини аниқлаш учун белгиланган тартибда назорат тадбирларини ўтказишга ҳақли. Бунда ваколатли органлар томонидан фақат тегишли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги ва хабарнома юборилганлиги текширилади. Бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади. Назоратни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тадбиркорлик субъектларини текширишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади.

#### **49-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг шакллари**

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан давлат назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

махсус электрон тизим воситасида лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан масофавий назорат (бундан буён матнда масофавий назорат деб юритилади);

лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойга чиққан ҳолда текшириш;

лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ статистик ахборотни ҳамда улардан сўраб олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

Ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни ваколатли органлар томонидан таҳлил қилиш, текшириш ҳамда уларни лицензиатлардан, фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслардан, хабардор қилувчилардан сўраб олиш тақиқланади.

Ваколатли органларга лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида тегишли паспортларда назарда тутилмаган талаблар ва шартларнинг бажарилишини текширишга ёки улардан ушбу шартлар ва талабларнинг бажарилишини талаб қилиш тақиқланади.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларининг бузилишлари аниқланган тақдирда бу ҳақда ваколатли органларга хабар беради.

#### **50-модда. Масофавий назорат**

Ваколатли орган масофавий назоратни махсус электрон тизим имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг ходимлари тўғрисида, лицензия, рухсат этиш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши ҳақида тақдим этилган ахборот, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан олинган ахборот асосида амалга оширади.

Масофавий назоратни амалга ошириш чоғида лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар белгиланган талаблар ҳамда шартларни бузиш ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда келиб тушадиган хабарлар ваколатли органнинг махсус электрон тизимдаги «шахсий кабинетига» юборилади. Келиб тушаётган хабарлар асосида ваколатли орган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва ўрганади. Бунда ваколатли орган лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларининг бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан кўрсатма бериши шарт.

Лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар масофавий назорат асосида ваколатли орган томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичида бажариши ва бу ҳақда ваколатли органга хабар бериши шарт. Кўрсатма бажарилмаган ёки ўз вақтида бажарилмаган тақдирда ваколатли орган «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида уларнинг фаолиятини текширишдан ўтказиши мумкин.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларини масофавий назорат қилиш ваколатли органлар томонидан доимий асосда амалга оширилади.

#### **51-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш**

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

«хавфни таҳлил этиш» тизими;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

жисмоний шахсларнинг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим орқали юборилган маълумотлари.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш ўн кунгача бўлган муддатда амалга оширилади.

Тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз, шунингдек хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳолатлари билан боғлиқ бузилишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланган тақдирда, бу ҳақда ваколатли органларга хабар берган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқбузарлик тасдиқланганда, ундирилган жариманинг ўн фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

### **52-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жисмоний шахслар қонунга мувофиқ жиноий ва (ёки) маъмурий жавобгарликка тортилади.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қуйидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга жарималар солинади:

фаолият билан лицензиясиз, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз ва ваколатли органни хабардор этмасдан шуғулланиш;

лицензияни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олиш;

хабардор қилиш тартибидаги фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартларнинг бажарилиши тўғрисида ваколатли органга ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этиш.

Жарималар ваколатли органлар томонидан ушбу Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказиладиган назорат тадбирлари асосида солинади. Бунда назорат тадбири давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик тўғрисида далолатнома тузилиб, у тегишинча ваколатли органнинг ва юридик шахс бўлган ҳуқуқбузар (бундан буён матнда ҳуқуқбузар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузар (унинг вакили) далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, ваколатли органнинг мансабдор шахси ушбу фактни кўрсатилган далолатномага илова қилинадиган видеоёзув ёрдамида ёки икки нафар холис ҳозирлигида тасдиқлаши керак. Холислар ўзининг ҳозирлигида амалга оширилган ҳаракатлар факти, мазмуни ва натижаларини далолатномада тасдиқлаши шарт. Улар амалга оширилган ҳаракатлар юзасидан далолатномага киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақли. Зарур бўлган тақдирда, холислар кўрсатилган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Юридик шахснинг ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ёки қонунда назарда тутилган бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

### **53-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муддати**

Жарима солиш учун асос бўлган ҳуқуқбузарлик аниқланганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилган кундан эътиборан беш иш куни ичида ваколатли орган жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор ваколатли органнинг биринчи раҳбари (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида ҳуқуқбузарга юборилади.

### **54-модда. Жарима миқдори**

Жарималар миқдорлари амалга ошириладиган фаолиятнинг (ҳаракатларнинг) ҳар бир тури бўйича хавф даражаси ҳамда муддатдан келиб чиққан ҳолда ушбу Қонуннинг 4-илоvasида белгиланади.

Ундирилган жарима миқдорининг ўн фоизи ваколатли органнинг бюджетдан ташқари жамғармасига, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

### **55-модда. Жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тартиби**

Жарима солиш тўғрисидаги қарор юборилган кундан эътиборан бир ой ичида ҳуқуқбузар ушбу қарорда назарда тутилган жарима суммасини ихтиёрий равишда тўлаши мумкин.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган жарима суммаси миқдорининг етмиш фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган ҳамда лицензияни, рухсат этиш

хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки хабарнома юбориш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилинган тақдирда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган суммасини тўлашдан озод этилади.

**Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ваколатли орган томонидан ҳуқуқбузарнинг ўз фаолиятини қонунчилик ҳамда лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари талаблари ва шартларига мувофиқ амалга ошириши учун зарур шароитлар яратилади ҳамда ёрдам кўрсатилади.**

**56-модда. Жаримани суд тартибда ундириш**

Ҳуқуқбузар томонидан жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, ваколатли орган жаримани ундириш тўғрисидаги аризани судга белгиланган тартибда беш иш куни ичида киритади.

Суднинг жаримани ундириш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорини ижро этиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**57-модда. Жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш**

Ҳуқуқбузар ваколатли органнинг жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан ушбу Қонуннинг 7-бобида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

**7-боб. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органларнинг қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиш тартиби**

**58-модда. Ваколатли органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиш**

Жисмоний ва юридик шахслар ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига тааллуқли бўлган қарорлари (ҳаракатлари) устидан шикоят қилиши мумкин.

Шикоят:

ҳудудий даражадаги ваколатли органга нисбатан - унинг юқори турувчи органига;

республика даражасидаги ваколатли органга нисбатан - ушбу органда ташкил этилган апелляция кенгашига берилади. Апелляция кенгашини ташкил этиш қоидалари фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда, шунингдек хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қарорлари (ҳаракатлари) устидан бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шикоят жисмоний ва юридик шахслар қарор тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган пайтдан эътиборан ёки уларга ваколатли органнинг ёхуд унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай берилиши мумкин.

**59-модда. Шикоятнинг шакли ва мазмуни**

Шикоят ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни амалга оширган ваколатли органнинг номи;

шикоят берган жисмоний шахснинг (унинг вакилининг) фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи, юридик шахс учун эса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

шикоят берган шахснинг талаблари;

илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати (мавжуд бўлган тақдирда);

шикоят берилган сана.

Шикоят жисмоний ёки юридик шахс (унинг вакили) томонидан имзоланади. Агар шикоят вакил томонидан берилган бўлса, унга ишончноманинг ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

Жисмоний шахс оғзаки шикоят қилаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса - ўз ваколатларини ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этиши керак.

Электрон шаклда бериладиган шикоятда жисмоний ёки юридик шахснинг электрон манзили ҳамда ягона идентификатори, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса - рақамли имзоси ва бошқа реквизитлари кўрсатилади.

**60-модда. Шикоятни кўриб чиқиш**

Шикоятни олган юқори турувчи ваколатли орган ва апелляция кенгаши устидан шикоят берилаётган қарор, ҳаракатлар тўғрисидаги тегишли ахборотни шикоят олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида сўраб олади.

Юқори турувчи ваколатли орган ёки апелляция кенгаши шикоят бўйича ўн беш иш куни ичида қарор қабул қилади.

Юқори турувчи ваколатли орган ёки апелляция кенгаши шикоят бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

устидан шикоят қилинаётган қарорни ўзгаришсиз қолдириш;

устидан шикоят қилинаётган қарорга ўзгартишлар киритиш;

қарорни бекор қилиш ва зарур бўлган тақдирда, янги қарор қабул қилиш;

ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига берилган шикоят моҳияти бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш.

Шикоят бўйича апелляция кенгашининг қарори барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бунда апелляция кенгаши аъзоларидан бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Ваколатли органнинг қарори устидан шикоят қилинган тақдирда шикоят юқори турувчи ваколатли органда ёки апелляция кенгашида рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан:

қарорнинг амал қилиши ва ижро этилиши тўхтатиб турилади, бундан лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини ёхуд хабардор қилувчининг хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно; жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати тўхтатиб турилади.

## **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **61-модда. Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқишнинг даврийлиги**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси беш йилда камида бир марта ушбу Қонунда назарда тутилган ҳар бир лицензиялаш тартиби, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг уни қўллаш натижасида эришилган мақсадлар, ижтимоий-иқтисодий, инновацион ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолати, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг харажатлари баҳоланган ҳолда қайта кўриб чиқишнинг таъминлайди.

### **62-модда. Низоларни ҳал этиш**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **63-модда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **64-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 71-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 72-II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 143-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги

ЎРҚ-447-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) XXIV ва XXV бўлимлари;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-28-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) 7 ва 8-моддалари;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) 28-моддаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-102-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 323-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-109-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 416-модда) 5-моддаси;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-216-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда) 8-моддаси;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-255-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 330-модда) 9-моддаси;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-261-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 331-модда) 3-моддаси;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-270-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 470-модда);

13) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 сентябрда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-292-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 245-модда);

14) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган «Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-312-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) 6-моддаси;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-321-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 105-модда) 5-моддаси;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-341-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 332-модда);

17) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) 12-моддаси;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) 33 ва 36-моддалари;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) 16, 19 ва 22-моддалари;

20) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) 24 ва 42-моддалари;

21) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) 20 ва 33-моддалари;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 385-модда) 8-моддаси;

23) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) 10 ва 17-моддалари;

24) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январда қабул қилинган «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) 23-моддаси;

25) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-459-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4-модда) 12-моддаси;

26) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) 21-моддаси;

27) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-494-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 670-модда) 2 ва 3-моддалари;

28) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрда қабул қилинган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ЎРҚ-501-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 677-модда) 30-моддасининг 3-банди;

29) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-551-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 389-модда) 1-моддаси;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 августда қабул қилинган «Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-560-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 471-модда) 3-моддаси;

31) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-583-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 791-модда) 9-моддаси;

32) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-584-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 792-модда) 6-моддаси;

33) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) 29-моддаси;

34) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги ЎРҚ-600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда) 28-моддасининг 8-банди;

35) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январда қабул қилинган «Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-602-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 3-модда) 5-моддаси;

36) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-603-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 4-модда) 8-моддаси;

37) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-612-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 203-модда) 4-моддаси.

**65-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**66-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонундан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

**67-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 48-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошиси ҳамда учинчи қисми, шунингдек 49 - 57-моддалари расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

*Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ*

*Тошкент ш., 2021 йил 14 июль, ЎРҚ-701-сон*

**31. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ**  
**18.05.2021 - (<https://president.uz/uz/lists/view/4372>)**

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Тинчлик ва соғлиқ - инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган.

**Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Сўнгги бир йилда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу йил соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилга нисбатан 3 баравар кўп маблағ ажратилди.**

**Лекин, тизимда самарадорлик ва аҳолига қулайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фоиз аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган.**

Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни 5 та йўналишда кўрсатиб ўтди.

Биринчиси - бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш.

Иккинчиси - ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш.

Учинчиси - рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Тўртинчиси - тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.

**Бешинчиси - тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш.**

Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

- Тиббиётдаги ислохотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлиғини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта ўзгариш бўлади, - деди Шавкат Мирзиёев.

Аввало, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда 250 дан зиёд касалликларнинг 87 тасини бирламчи бўғинда даволаш мумкин. Бунинг учун мазкур бўғинни малакали кадрлар, шошилинч ёрдам учун зарур 50 хил дори ва 16 турдаги тиббиёт воситалари билан таъминлаш керак.

**Президент сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда оилавий шифокорлар малакасини ошириш, “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

**Юртимизда 17 та ихтисослашган тиббиёт маркази бор. Улар томонидан жойларда тиббий кўриклар ўтказилаётгани натижасида касалликлар эрта аниқланиб, оворагарчиликларнинг олди олинмоқда.**

Хусусан, Фтизиатрия ва Педиатрия марказлари барча ҳудудларда ўз филиалларини ташкил этгани боис, Тошкентга келувчи беморлар сони сўнгги 2 йилда қарийб 20 фоизга камайган.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, жарроҳлик амалиётини талаб этмайдиган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига диагноз қўйиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини туманларда амалга ошириш мумкин. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, кўкрак ва қорин бўшлиғи йўналишларидаги жарроҳлик муолажаларини вилоят даражасида ташкил қилиш учун шароитлар етарли.

Республика марказларида эса мураккаб ташхисли касалликлар ва юқори технологик амалиётлар бажарилиши устувор бўлиши керак.

Шу боис, вилоят ва туман шифохоналарида даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаб, қуйи бўғин шифокорлари малакасини ошириш чоралари белгиланди.

Ҳоқимликларга ҳудудий тиббиёт муассасаларини ангиограф, лапароскоп, сунъий қон айлантириш каби юқори технологик ускуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

**Шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларига лицензия бериш тартибини содалаштириб, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги айтилди.**

Мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси бўлиб, уларнинг фаолиятига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. 423 та бирламчи тиббиёт муассасаси “Электрон поликлиника” ахборот тизимига уланган.

Лекин янгича ишлаш учун ҳамма жойда ҳам шароит зўр эмас. Айрим тиббиёт муассасаларида компьютер етишмайди. Соҳани рақамлаштириш учун бу йил бюджетдан 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда.

Шу боис, вилоят тиббиёт бошқармаларида рақамлаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, барча тиббиёт муассасаларида электрон тизим билан ишлайдиган 2 мингта оператор-хамшира вазифаси жорий этилади.

Шу йил 1 августга қадар электрон ордер тизимини ишга тушириб, барча ҳудудлар ва ихтисослашган марказларни улаш, 1 ноябрга қадар Тошкент шаҳридаги барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, болаларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб, мақсадли скрининглар ўтказиш вазифаси қўйилди.

**Вилоятларда Перинатал ва Скрининг марказлари ягона кластер сифатида бирлаштирилиб, тумангача тушадиган бўғин ташкил қилиниши қайд этилди.**

**Соҳадаги яна бир долзарб йўналиш таълим, фан ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришдир.**

Тиббиёт соҳасидаги ҳозирги таълим услублари бундан 30-40 йиллар аввал тасдиқланган, дарсликларнинг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайди. Олий ўқув юртлари ва ихтисослашган марказларда илмий салоҳиятга қизиқиш, рағбат кам.

Шу боис, тиббиёт олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, илғор хорижий тажриба асосида, менежерлар ҳамда юқори технологик ускуналар билан ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар очиш зарурлиги таъкидланди. Ординатура ва магистратурада ўқиётган иқтидорли ёшларни хорижда малака оширишга юбориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**- Соғлиқни сақлаш тизимига ҳар йили бир неча триллионлаб маблағ ажратилади, халқаро кредитлар жалб қилинади. Ушбу ажратиладиган маблағлар самарасини халқимиз сезиши керак, - деди Президент.**

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

## **32. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори**

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш, рақобат ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тиббиёт ходимларининг билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

**1. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятининг асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва қуйидаги янги бошқарув тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:**

**а) соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев:**

вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, улар ишини самарали ташкил этишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

шошилишч тиббий ёрдам, республика тиббиёт (республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан ташқари) ҳамда тиббий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этади, раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, улар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини, тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган барча чора-тадбирларни амалга оширади;

**б) соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш.Иноятов:**

оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника ва шифохонасида (кейинги ўринларда - бирламчи тиббий-санитария муассасалари) тиббий хизматларни кўрсатишга ва сифатига, уларни жиҳозлашга ҳамда тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга шахсан масъул ҳисобланади;

бирламчи тиббий-санитария муассасаларида штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларига малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини ҳамда даволаш протоколларини тасдиқлайди, шартномаларни имзолайди, улар раҳбарлари фаолиятини баҳолайди, номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, ушбу муассасалар учун жиҳоз, дори ва тиббиёт воситалари сотиб олиш бўйича тендерлар ўтказиш ваколатларини амалга оширади, ушбу муассасалар фаолиятига оид қарорлар қабул қилади;

**в) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.А. Азизов:**

тиббиёт соҳасида рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шерикликни жорий қилиш ва ривожлантиришга шахсан масъул ҳисобланади ҳамда мазкур масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун тендерлар ўтказиш, шартномалар имзолайди, рақамлаштириш, молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича давлат тиббиёт муассасалари раҳбарларига номзодларни беради, лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритади, халқаро молия ташкилотлари билан ишлаш масалалари бўйича мустақил қарорлар қабул қилади;

**г) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари У.Ю. Собиров:**

республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари (кейинги ўринларда - республика ихтисослаштирилган марказлари) ва кўп тармоқли вилоят шифохоналарини ислоҳ қилиш, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасалари билан боғлаш ҳамда жойларда ишлаш тизимини йўлга қўйиш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

республика ихтисослаштирилган марказлари ва уларнинг филиаллари раҳбарларига номзодларни бериш, раҳбарларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифлар киритиш, уларни жиҳозлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, тендерлар ўтказиш ва шартномалар тузиш, ушбу марказларга бюджет маблағлари ва бепул даволанишга ордерларни тақсимлаш, шунингдек, даволаш протоколларини тасдиқлаш ваколатларини амалга оширади;

**д) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Э.И. Баситханова:**

оналар ва болаларни хавф гуруҳларига ажратиб, улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади;

оналик ва болалик масалаларида халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, маблағларни тақсимлаш, маҳаллий ижро этувчи органлар, маҳалла, ёшлар, спорт ва таълим соҳаларидаги давлат органларининг соғлом турмуш тарзи бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколатини амалга оширади.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган асосий йўналишлар ҳамда жорий этилаётган янги бошқарув тизимидан келиб чиқиб:**

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ҳудудий соғлиқни сақлаш органларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини тасдиқласин;

вазирлик марказий аппаратида инвестициядан кейинги даврни мониторинг қилиш учун амалдаги штатлар сони доирасида масъул бўлган таркибий бўлинма ташкил этсин.

**2. 2021 йил 15 июндан бошлаб бирламчи тиббий-санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдори ўртача 3 бараварга оширилсин.**

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ушбу мақсад учун 2021 йил инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобидан 40 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин ҳамда ушбу бандда назарда тутилган харажатлар учун зарур маблағларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов, А. Бобоев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) билан биргаликда бир ҳафта муддатда тиббиёт соҳасида инвестиция лойиҳаларини мақбуллаштириш ҳисобига ҳар бир вилоят кесимида иқтисод қилинадиган маблағларни аниқласин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев, А. Иноятов):

а) Давлат бошқаруви академияси (А. Бекмуродов) билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида тиббиёт соҳасида бошқарув бўйича икки ҳафталик ўқув курсларини ташкил этсин ва йил якунига қадар вилоят, туман (шаҳар) тиббиёт бошқармалари бошлиқларининг ўқитилишини таъминласин.

Бунда, ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Тиббиёт ташкилотларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А. Хасанов) билан биргаликда бир ой муддатда барча соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарлари фаолиятини баҳолаш рейтингини жорий этсин ҳамда ҳар чоракда натижаларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

в) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норқулов) ҳамда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф. Шарипов) билан биргаликда бир ой муддатда Жаҳонсоғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан келиб чиқиб, бирламчи бўғинда тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқлаб, барча ҳудудларда амалиётга киритсин.

4. «Ўзавтосаноат» АЖ (Ш. Умурзаков) 2021 йил 1 октябрга қадар жойларда, айниқса олис ва чекка ҳудудларда аҳолини манзилли профилактика ва скрининг қилиш ишларини ташкил этиш учун зарур ускуналар билан жиҳозланган махсус автобусларнинг камида 3 та тажриба намунасини яратсин ва киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июндан бошлаб:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига амалдаги штат бирликлари доирасида бошлиқнинг рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинади. Бунда, ушбу лавозимларга тайинланаётган шахсларнинг аввалги давлат ташкилотларидаги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори юқори бўлган тақдирда, уларнинг аввалги иш жойи бўйича ойлик иш ҳақи миқдори сақлаб қолинади.

**Рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик бўйича ўринбосар ўз фаолиятида бевосита соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Азизовга бўйсунди ва ҳисобдор бўлади**

**хамда А. Азизов Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси фаолиятининг рақамлаштириш натижадорлиги бўйича масъул ҳисобланади, уларнинг ишига баҳо беради;**

б) ҳар бир оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника ҳамда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида электрон тизим билан ишлайдиган бир нафардан ИТ оператор - ҳамшира лавозими киритилади. Бунда, ушбу лавозимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон Фармонида мувофиқ ажратилаётган штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон Фармонида мувофиқ ажратилаётган штат бирликларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар 2021 йил давлат бюджети параметрларида коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади, 2022 йилдан бошлаб эса давлат бюджети параметрларида кўзда тутилади;

в) бошқа туман (шаҳар) ҳамда барча вилоят ва республика даволаш-профилактика муассасаларида уларнинг амалдаги штат бирликлари доирасида ИТ оператор - ҳамшира лавозими киритилади.

6. Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов):

икки ҳафта муддатда ИТ оператор - ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқсин;

режа-жадвалга асосан ИТ оператор - ҳамширалар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида уларни туман (шаҳар) ИТ марказларида бепул ўқитиш машғулотларини ташкил этсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. Пекосъ), бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда ташкилотларни жалб этган ҳолда Соғлиқни сақлаш соҳасини 2025 йилгача рақамлаштириш (E-health-2025) стратегиясини ва уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Давлат тиббиёт муассасаларини 2021 - 2023 йилларда замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш режа-жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2021 йил якунига қадар 17 400 та замонавий компьютер жиҳозларини харид қилиш билан боғлиқ маблағлар халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан, етмаган қисми эса ҳар йили Давлат бюджетида Соғлиқни сақлаш вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (А. Азизов)га тизимни рақамлаштириш учун замонавий компьютер ва ахборот техника воситаларини энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан харид қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлигида марказлашган харидлар натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ва кенгайтириш, ИТ-соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар ҳамда компанияларни жалб қилишга йўналтирилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини ислоҳ қилишга ажратиладиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларда товарлар (ишлар, хизматлар)ни давлат харид комиссияси таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. 2021 йил 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида компьютер жиҳозлари бўйича техник ходим лавозимлари компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандис лавозимларига

алмаштирилсин ҳамда улар зиммасига замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш вазифалари юклансин.

Бунда, компьютер техникаси хизмати бўйича муҳандисларга бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат тиббий суғуртаси тизими жорий этилишини тезлаштириш мақсадида 2021 йил 1 августдан бошлаб бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширсин:

тиббий жиҳозлар, буюмлар, компьютер техникаси ва бошқа воситаларни хатловдан ўтказиш, шунингдек, тиббий ходимлар рўйхатини шакллантириш;

тиббиёт муассасаларини кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур бўладиган тиббий техника билан жиҳозлаш;

оилавий шифокор йўлланмаси асосида кафолатланган пакетга киритилган бепул тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш.

Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев, Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тиббий суғурта тизимининг алоҳида элементларини бошқа ҳудудларда жорий қилишни бошлаш юзасидан аниқ таклиф киритсин.

12. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб иш стажи беш йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев) бир ой муддатда нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бино ва иншоотларга белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин.

13. 2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) янги ташкил қилинаётган филиаллар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббиёт муассасаларининг негизида, уларнинг амалдаги штат birlikлари ва ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, юридик шахс мақомга эга бўлмаган асосда ташкил қилинади;

б) соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари У. Собиров ва республика ихтисослаштирилган марказлари раҳбарлари филиаллар томонидан:

касалликларни жойларда барвақт аниқлаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, маҳорат дарсларини ўтказиш;

диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш;

касалликлар регистрини яратиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш, шунингдек, улар фаолиятига оид бошқа масалаларни (тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш) ҳал қилиш юзасидан шахсан масъул ҳисобланади.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова):

а) 2021 йил 1 августдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар («Аёллар маслаҳатхонаси», пренатал скрининг хонаси, «тиббиёт бригадалари» таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг ҳомиладор аёлни комплекс кузатуви бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона тизимни жорий этсин:

ҳомиладор аёлнинг комплекс кузатуви ягона маълумотлар базасини яратиш;

перинатал ва скрининг марказлари ҳамда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар томонидан ягона маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритиш, шунингдек, ҳомиладор аёлларнинг тиббий картасини юритиш;

шаклланган маълумотларга асосан ҳомиладор аёлларга зарур маслаҳатларни бериш;

б) соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Азизов билан биргаликда ҳомиладор аёлни энг эрта муддатларда ҳисобга олиниши, унинг ҳар кунги ҳолатидаги ўзгаришларни комплекс назорат қилиб бориш учун 2021 йил якунига қадар ягона электрон база яратилишини таъминласин;

в) Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) ва Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда тўғри овқатланишни йўлга қўйиш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб янгиланган овқатланиш рационини ҳамда ушбу йўналиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига бўлган талабларни тасдиқласин ва амалиётга киритсин. Бунда, болаларнинг соғлиғига зарар ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган барча озик-овқат маҳсулотларини мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар ҳудудида сотишга чекловлар қўйилсин.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Б. Юсупалиев) мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда болаларнинг соғлом ва хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин.

15. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари («К» витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун Давлат бюджетидан 2021 йилда 26 миллиард сўм ажратсин, 2022 йилдан бошлаб мазкур банддаги харажатлар учун зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида кўзда тутсин;

болалар тиббиёт ва туғуруқ муассасаларида юқори технологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан реактив, реагентлар, сарфлов анжомлари ҳамда сервис хизматлар учун қўшимча 8 миллиард сўм ажратсин.

16. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни тезлаштириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини халқаро экспертлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантилган буюртмаларига кўра Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Соғлиқни сақлаш стратегияси - 2030»ни ишлаб чиқиш, хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда ташкилотларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (А. Хасанов) билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этсин ҳамда ҳар ярим йил якуни билан тегишли таклифларни киритиб борсин.

Бунда, натижа кўрсатган, хизмат сифатини яхшилаб, аҳолини рози қилган раҳбарларни тегишли Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш ҳамда ишларни қониқарсиз ташкил этган масъул кадрларга чора кўриш белгилансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар 4-иловага мувофиқ киритилсин.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, А.А. Азизов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

22. Мазкур қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2021 йил 25 май, ПҚ-5124-сон*



### **33. АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров) ва Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан уларда катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлантириш, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлиминини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда қуриш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга жойлаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда унинг тузилмаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритади;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилади;

2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизда умумий штатлар ва стационар ўринлар доирасида Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари ташкил этилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Қурилиш вазирлиги (Б. Зокиров) 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида замонавий янги бино-иншоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

4. Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Б. Мусаев):

2021 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси негизида 300 ўринли замонавий Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилишини;

икки ой муддатда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш концепциясининг ишлаб чиқилишини;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этишга хорижий экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари жалб қилиниши, молиявий, ташкилий ва бошқа зарур чоралар амалга оширилишини;

суяк кўмиги ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш амалиётини биринчи босқичда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик эса Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳам жорий этилишини;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун қуриладиган бино-иншоотлар комплекси соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасини инобатга олган ҳолда ташкил этилишини;

марказлар жойлаштириладиган биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш стандартлари ушбу соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасалари тажрибаси асосида ишлаб чиқилишини ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

**5. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) онкология ёрдами тақомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджетидан 2021 йилда қўшимча 60 млрд сўм ҳамда 2022 йилдан бошлаб 125 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.**

6. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш қўйидаги миллий дастурлар асосида амалга оширилади:

9 - 14 ёшдаги ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши вакцина билан эмлаш;

30 - 55 ёшдаги аёллар орасида бачадон бўйни ва 45 - 65 ёшдаги аёллар орасида кўкрак бези саратони скрининги.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур бандда кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур бандда белгиланган қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш миллий дастурларини тегишли ҳудудларда самарали ва тўлиқ ижросини таъминлашга ҳамда ажратилаётган маблағларнинг манзилли ишлатилишига шахсан масъул ҳисобланади.

**7. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг «Аёллар маслаҳатхона» лари таркибида мунтазам равишда аёллар орасида кенг қўламли бирламчи текширишларни амалга оширадиган «Онко-назорат» (Cancer-назорат) хоналари ташкил этилсин.**

Белгилансинки:

ушбу хоналар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш умумий бюджет фонди доирасида ташкил этилади;

ушбу хоналардаги текширувлар сифати Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан махсус ахборот бошқаруви тизими орқали назорат қилинади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқсин;

2021 йил якунига қадар «Онко-назорат» (Cancer-назорат) хоналарида фаолият кўрсатувчи шифокорларни тайёрлаш ишларини якунласин;

2022 йил 1 январга қадар «Онко-назорат» (Cancer-назорат) хоналарининг зарур тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин.

**9. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:**

**«Онко-назорат» (Cancer-назорат) хоналари ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади;**

ўз ҳудудларида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш кўрсаткичларининг ошиши, касаллик оқибатида юз берадиган

ўлим ҳолатининг камайишига эришилганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда асосий мезонлардан бири сифатида эътироф этилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) ва Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) икки ҳафта муддатда, истисно тариқасида, 2019 - 2021 йилларда тузилган (тузиладиган) шартномалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасига мувофиқ импорт қилинган тиббий буюм ва техникалар, дори воситалари «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларда гематология ва онкология хизматлари сифатини ошириш, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва онкология диспансерлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2-иловага мувофиқ тасдиқланадиган тиббий техникалар ва сарф материалларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу бандда назарда тутилган зарур маблағларнинг 40 фоизи 2021 йил 15 июнга қадар, қолган 60 фоизи 2021 йил 1 октябрга қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов), зарур ҳолларда, ушбу бандда кўрсатилган тиббий техникаларни харид қилиш харажатлари учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йил 1 июнга қадар қайтариб бериш шarti билан бюджет ссудаларини ажратсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур қарорнинг 11-бандида харид қилиниши белгиланган тиббий техникаларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирган ҳолда, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

13. 2021 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

гематология, онкология, клиник иммунология, трансфузиология ва шу соҳадаги лаборатория йўналишлари бўйича ёш мутахассисларнинг хориждаги етакчи илмий ва тиббиёт марказлари иш жойларида малака ошириши ва стажировка ўташи билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилди;

беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан қопланади;

онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов) бир ой муддатда мазкур бандда белгиланган харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов, У. Собиров, Э. Баситханова) уч ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, гематологик ва онкологик касалликларни камайтириш бўйича ижобий тажрибага эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида қуйидагиларни назарда тутувчи гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш дастурини тасдиқласин:

бирламчи бўгин шифокорларининг гематологик ва онкологик касалликлар тўғрисидаги ҳушёрлигини ошириш бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглар ўтказиш; тиббиёт бирлашмалари лабораторияларининг аниқлик даражасини ошириш, лаборатория шифокорларининг анализларни таҳлил қилиш малакасини ошириш; аҳолининг онкогематологик саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда гематологик ва онкологик касалликларни эрта диагностика қилишнинг афзалликларини акс эттирувчи аниқ рақамлар, ҳаётий мисоллар ёрдамида қисқа метражли видео ролик, қўлланмалар тайёрлаш ва жамоатчиликка етказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

**15. 2021-2022 йиллар давомида аҳоли орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун хорижий грантлар, техник ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этишнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б. Абидов мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири С. Умурзаков:

мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларнинг ижроси тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

аҳоли, хусусан Оролбўйи минтақасидаги болалар орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун тизимли равишда грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида беморларнинг электрон рўйхатини юритиш тизими жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О. Пекосъ) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар беморларнинг электрон рўйхатини, жумладан унда гематологик ва онкологик беморлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг электрон тиббий карталарини юритиш ва беморларни даволаш жараёнларини кузатиш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин.

17. Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров):

а) икки ой муддатда:

**гематология ва онкология касалликларини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари рўйхатини, уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб борсин;**

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

**б) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев) билан биргаликда онкологик беморларнинг даволаб бўлмайдиган босқичида уларга наркотик ва психотроп воситаларни буюриш тартибини соддалаштириш, шунингдек, оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;**

в) 2022 йил 1 мартга қадар катталар ва болаларда гематологик, онкологик ва иммунологик касалликларни ташхислаш, даволаш ҳамда беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш стандартлари ва клиник протоколларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ва унинг ўринбосари У.Ю. Собиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.М. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2021 йил 27 май, ПҚ-5130-сон*

### **34. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизimini шакллантириш, ордер бериш механизмини такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

#### **1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

**а) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 1-иловада рўйхати келтирилган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда - ихтисослаштирилган муассасалар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинади ва молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда - ахборот тизими) жорий этилади.**

Белгилансинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволанишга йўллашда:

касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб ахборот тизими орқали навбатда туришнинг шаффоф механизмлари татбиқ этилади;

кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар тоифасига кирувчи фуқаролар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига мувофиқ аниқланади;

беморларга ўзларининг сўровлари, мурожаатлари ҳамда навбати ҳақидаги ахборотни реал вақт режимда олиш имконияти таъминланади;

беморларга, уларнинг касаллигига мувофиқ ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган ҳамда матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган йўлланма (кейинги ўринларда - йўлланма) берилади;

**йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради. Бунда, йўлланма тасдиқлангандан сўнг 60 кун мобайнида бемор томонидан тегишли тиббиёт ташкилотига мурожаат қилинмаганда ушбу йўлланма ўз кучини йўқотади;**

**бемор даволанганидан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага базавий нархлар доирасида беморга кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ, сарфланган маблағни Давлат бюджети ҳисобидан ўтказиб беради. Бунда, йўлланма асосида беморларни даволайдиган давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан барча шахсларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда қилинган ҳақиқий харажатлар кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофиқ Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.**

#### **б) қуйидагилар:**

**2021 йил 1 ноябрдан бошлаб кўз микрохирургияси ва урология;**

**2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология;**

**2022 йил 1 июлдан хирургия ва нейрохирургия йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин.**

**в) амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан 2022 йилнинг 1 январига қадар фойдаланиш мумкин;**

**г) 2022 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида молиялаштиришнинг янги механизми асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади. Мазкур тартиб жорий этилгунга қадар ушбу давлат тиббиёт муассасалари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тақсимотга мувофиқ харажатлар таснифининг бир сатрида молиялаштирилади. Бунда, тиббиёт муассасалари томонидан**

бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатилган тиббий хизматлар бўйича Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ойлик ҳисобот тақдим этилади.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 2-иловасида назарда тутилган давлат тиббиёт муассасаларининг шошилинич тиббий ёрдам, гемодиализ, туғруқ, болалар ва юқумли касалликлар бўлинмаларини сақлаш харажатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан харажатлар сметасини рўйхатга олиш асосида молиялаштирилади, қолган барча бўлинмаларнинг имтиёзга эга беморларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича харажатлари базавий нархларда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаб берилади»;

**д) имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз хоҳишига кўра эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлади;**

е) имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйиладиган талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

ж) нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузиладиган шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб амалга оширилади;

з) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 2-иловасида назарда тутилган давлат тиббиёт муассасаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

Имтиёзли тоифага кирувчи беморларни давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида текширувдан ўтказиш ва даволаш натижасида аниқлаштирилган ташхис асосида ҳамда оғир аҳволдаги беморларга реанимация ва интенсив терапия шароитида кўрсатилган тиббий ёрдам харажатларининг базавий нархдан ошиқча қисми Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан кўриб чиқиш ҳулосасига кўра қоплаб берилади. Мазкур ҳолатларни кўриб чиқиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

3. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча 8 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги ПҚ-5053-сон қарорига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 14 та бош мутахассиси лавозимлари киритилсин ва улар соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органларида жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Иноятов раҳбарлигида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш ва молиялаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий, молиявий ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва у мазкур йўналишда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси фаолиятига кўмаклашиб борсин.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгашига (Л. Туйчиев), зарур ҳолларда, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**4. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш механизми жорий этилсин.**

Бунда, ихтисослаштирилган муассасалар билан тузиладиган шартноманинг намунавий шакли, олдиндан тўлов миқдорлари Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (Ф. Шарипов) билан биргаликда 2021 йил 15 сентябрга қадар ихтисослаштирилган муассасаларни шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб молиялаштириш тартибини тасдиқласин.

Молия вазирлиги (Ж. Аbruев) имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларга ажратилган Давлат бюджети маблағларининг 2021 йил 1 октябрь ҳолатига қолдиқ қисмини Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

а) бир ой муддатда:

Молия вазирлиги билан биргаликда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархларини шакллантирсин ва уларнинг янгиланиб борилишини таъминласин;

б) 2021 йил якунига қадар далилларга асосланган тиббиётга мувофиқ замонавий даволаш-диагностика услуб ва технологияларни киритган ҳолда клиник протоколларни, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқланишини таъминласин.

Бунда, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартларни янгилаш бўйича режа-графикни республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари кесимида тасдиқласин ва ушбу стандартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминласин.

6. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимига интеграция қилинадиган маълумотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) 2021 йил 1 октябрга қадар:

а) соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ахборот тизимини ишлаб чиқсин;

б) Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

**7. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида янги бино-иншоотлар комплекси (кейинги ўринларда - комплекс) барпо этилиши маълумот учун қабул қилинсин.**

**Белгилансинки:**

**комплекснинг қуввати камида 650 та стационар ва 100 та кундузги стационар ўринлардан иборат бўлади ва 2023 йилнинг 1 апрелига қадар фойдаланишга топширилади;**

**Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази комплекс фойдаланишга топширилгандан кейин унга ушбу марказнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларини қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилади.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) Корея Республикаси тажрибасини ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда комплексни куриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, 2021 йилнинг якунига қадар қурилиш ишларини бошласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарори билан ташкил этилган Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи (Б. Мусаев)га:

а) белгиланган муддатларда комплексни фойдаланишга топшириш, соҳадаги илғор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш;



б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббий таълим муассасалари магистратураси ва клиник ординатурасида тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш;

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси (В. Фен) билан биргаликда Корея Республикасининг етакчи илмий ва тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда онкология, гематология, радиология, клиник иммунология, юқори технологик трансфузиология, лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 августдан бошлаб онкология, онкогематология ва гематология муассасаларининг паллиатив ёрдам кўрсатиш бўлимлари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун ўта хавфли шароитлари учун 25 фоиз миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ тўлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич:

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлимлари негизида 4-иловага мувофиқ туманлараро перинатал марказларни амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш;

оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар учун худудларда самарали перинатал, неонатал ва педиатрик хизматларни олиш имкониятини яратиш;

минтақавий перинатал марказларни такомиллаштириш ва 3-даражали акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини мақбуллаштириш ҳисобига республикадаги туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказсин.

11. Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

а) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий органларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга республика миқёсида тиббий хизматларни кўрсатиш, уларнинг мурожаатларини қабул қилиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли бепул «тезкор алоқа»ни йўлга қўйсин;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг ҳажмлари, ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдамни кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда тарғибот материалларини тарқатиш чораларини кўрсин;

б) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида бўлимлар кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан бўш ўринлар сони, кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва нархлари жойлаштирилишини ва мунтазам янгиланиб борилишини таъминласин;

в) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган муассасаларда имтиёзли тоифага

кирувчи шахсларни даволаш бўйича жорий этилаётган механизмларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-клуб муҳокамаларини ташкил этиш орқали тезкор етказилиши, тушунтирилиши ва кенг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, А.А. Азизов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2021 йил 28 июль, ПҚ-5199-сон***

### 35. Фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар кўриб чиқилди 06.09.2021

(<https://president.uz/uz/lists/view/4603>)

Президент Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни фармацевтика тармоғида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Юртимизда фармацевтика бўйича катта имкониятлар бўла туриб, ундан тўла фойдаланилмас эди. Охириги йилларда бу тармоқ “драйвер”лардан бири сифатида белгиланиб, изчил ривожлантириб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 майдаги фармонида мувофиқ, Нукус, Зомин, Косонсой, Сирдарё, Бойсун, Бўстонлиқ ва Паркентда фармацевтикага ихтисослашган эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган эди. Ўша йили 7 ноябрдаги фармонга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тузилди. Доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаш, инвестициялар жалб этиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кенг шароитлар яратилди.

Буларнинг натижасида сўнгги беш йилда 71 та янги корхона ташкил этилиб, 2 минг 500 дан ортиқ турдаги дори воситалари, 241 турдаги тиббий буюмлар ва 78 турдаги тиббий техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошди.

Лекин бу натижалар ҳали етарли эмас. Бугунги кунда маҳаллий корхоналар ички бозор талабини натурал ҳажмда 55 фоизга таъминланмоқда, холос.

Келгуси беш йилда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Шунинг билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Тақдиротда ана шу лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, жами 1,25 миллиард долларлик 104 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилган. Уларнинг натижасида 376 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, 84 миллион долларлик экспорт қуввати яратилиши ҳисоб-китоб қилинган. Энг муҳими, 9 мингга яқин киши иш билан таъминланади.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини таъкидлаб, уларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдиротда маҳаллий доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз ҳудудида 750 турдаги доривор гиёҳлар ўсади. Улардан фойдаланиб, дунё бозорида харидоргир табиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамма шароит яратиб берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги қарори билан ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди, муайян ҳудудлар доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилди. Бу йўналишда 19 та корхона ишга туширилди.

**Лекин 750 турдаги доривор ўсимликлардан фақатгина 70 таси маҳаллий корхоналар томонидан фаол ишлатилмоқда.**

Президентимиз юртимиздаги доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш орқали экспортни 15 миллион долларга етказиш ва 5 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади. Мутасаддиларга шу йўналишдаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бунда, доривор ўсимликларни етиштириш учун ер майдонларини ажратиш, уруғчиликни ривожлантириш, агрономларни тайёрлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол бозорларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Соҳадаги яна бир йирик лойиҳа - “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластеридир. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу замонавий марказ Тошкент вилоятининг Зангиота туманида барпо этилмоқда. Хусусан, фармацевтика университети, фармакопоя маркази, илмий-тадқиқот маркази, экспертиза маркази, лабораториялар, виварий ва илмий-тажриба ишлаб чиқариш биноси қурилмоқда.

Шунингдек, бу ерда 140 миллион долларлик 7 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдимотда биофармацевтик дори воситаларини ўзлаштириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

Юртимиздаги корхоналарда 3 мингдан ортиқ номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, улар асосан бир компонентли, мураккаб бўлмаган дори воситаларидир.

Шу боис Президентимиз онкологик, гормонал, кон препаратлари, вакциналар каби инновацион биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Соғлиқни сақлаш тизими давлат харидлари орқали маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, халқаро стандартлар асосида тайёрланаётган маҳсулотларни сертификациялашни соддалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Илм-фан ва саноат корхоналари кооперациясини ривожлантириш, замонавий билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳани янада ривожлантириш бўйича алоҳида дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

**36. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ**  
- 09.11.2021 (<https://president.uz/uz/lists/view/4749>)

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябрь куни юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида бош мезон этиб белгиланган “Инсон қадри учун” деган тамойил ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни назарда тутди. Шулардан бири малакали тиббий хизматдан баҳраманд бўлишдир.

Бу соҳадаги режалар ҳақида Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувларида айтган эди ва уларнинг ижросига киришилди. Ушбу йиғилиш ҳам тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш, энг кўп тарқалган ва ўлимга сабаб бўлаётган касалликларни эрта аниқлаш, мақсадли скрининг тадбирлари ўтказиш масалаларига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бу соҳадаги камчиликлари танқидий кўрсатиб ўтилди.

- **Халқимизнинг соғлиғи ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган энг бебаҳо бойлигимиздир, - деди Президент. - Шу боис тиббиётни халқимизни рози қиладиган тизимга айлантириш бўйича катта марраларни белгилаб олдик. Бунинг учун бирламчи бўғинга ажратиладиган маблағларни 2 баробарга ошириб, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларни камайтириш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз.**

Йиғилишда соҳадаги вазифалар кардиология йўналиши мисолида кўриб чиқилди.

Таҳлилларга кўра, 30-70 ёшдаги аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг 53 фоизи юрак-қон томир касалликларига тўғри келмоқда. Сўнгги беш йилда бундай касалликлар 20 фоизга, жумладан, ёшлар орасида ҳам кўпайган. Умуман, 4 миллионга яқин аҳоли орасида юрак-қон томир касалликлари аниқланган бўлиб, умумий аҳолининг 12 фоизини ташкил этади.

Шу боис, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва самарали даволаш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли оилавий поликлиника ва тиббий бригадалар орқали йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади, туман лабораториялари коагулометр ва зарур реактивлар билан таъминланади, юрак-қон томир касаллиги аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри юритилади, эҳтиёжманд аҳолига дорилар бепул тарқатилади.

Бу мақсадлар учун келгуси йилда ҳар бир туманга 350 миллион сўмдан, жами 70 миллиард сўм ажратилиши мўлжалланган. Умуман, бирламчи бўғинга дори ва тиббий буюмлар учун 580 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Бу жорий йилги харажатлардан 3 баробар кўпдир.

Президентимиз оилавий шифокорлар ва ҳамшираларни юрак касалликларини эрта аниқлаш ҳамда даволаш бўйича қўшимча ўқитиш муҳимлигини таъкидлади.

Келгуси йил 1 июлга қадар туман, вилоят ва республика даражасида даволанадиган касалликлар рўйхати тузилиб, шу асосда режалар даволаш йўлга қўйилиши белгиланди. Бунинг учун туман шифохоналари 4 турдаги кардиология ускуналари билан таъминланади. Натижада кўрсатиладиган хизматлар тури 5 тадан 15 тага ошади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг вилоят филиалларида эса хизматлар 15 тадан 35 тагача етказилади. Хусусан, Хоразм вилояти филиали қўшимча жиҳозланиб, барча жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани босқичма-босқич бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги шифохоналарда ҳам йўлга қўйиш, ихтисослаштирилган кардиология хизматларини ҳудудларгача тушириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти ҳам танқидий кўриб чиқилди. У ерда превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика каби йўналишларда янги лабораториялар ташкил этиш, хориждаги етакчи клиникаларда шифокорлар малакасини ошириш бўйича топшириқлар берилди. Ушбу марказни трансформация қилиб, кўп тармоқли шаклга ўтказиш вазифаси қўйилди.

**Маълумки, юрак-қон томир касалликларининг асосий сабабларидан бири - нотўғри турмуш тарзи. Тўғри овқатланиб, кўпроқ пиёда юрадиган одамларда бундай хасталик кам учраши халқаро илмий ташкилотлар томонидан исботланган.**

Давлатимиз раҳбари бунинг фойдасини янада кенг тарғиб этиш, тўғри овқатланиш ва жисмоний машғулотларни одамларнинг одатий ҳаёт тарзига айлантириш муҳимлигини таъкидлади.

**Шу мақсадда “Соғлом турмуш тарзи” платформаси ташкил этилган эди. Бугунги кунда ундан фойдаланувчилар 600 минг нафарга етди, уларга 18 миллиард сўм тўлаб берилди. Молия вазирлигига келгуси йилда бу тизимдан фойдаланувчилар кўламини кенгайтириш учун 60 миллиард сўм ажратиш бўйича кўрсатма берилди.**

Видеоселектор йиғилишида ҳудуд раҳбарлари тўпланганидан фойдаланиб, аввал берилган топшириқлар ижросига ҳам тўхталиб ўтилди.

Ёш авлод билан манзилли ишлаш учун ҳар бир маҳаллада вилоят ҳокимининг ёрдамчиси - ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши белгиланди. Улар йигит-қизлар муаммоларини ҳал этиш, касб ўрганиши ва бандлигига кўмаклашиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан шуғулланади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг бажарилиши кўриб чиқилди. Ҳокимлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари дарахт ва кўчат экиш ишларининг бориши тўғрисида ахборот берди.

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 декабрь куни эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қамровини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Эндокринология инсон саломатлигини, ҳаёт сифатини таъминлашда энг муҳим соҳалардан бири. Сўнгги йилларда эндокринология соҳасини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида дастур амалга оширилди.

**Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 14 та филиали моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бу филиалларда махсус бўлимлар ташкил этилгани боис республика марказига мурожаатлар 2 баробарга камайди. Яъни, қарийб 5 минг нафар фуқаронинг оворагарчилиги ва ортикча харажатларини олди олинди. Ҳар йили 80 минг нафар бемор инсулин билан бепул таъминланмоқда.**

**Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси йод етишмайдиган ҳудудда яшайди. Оқибатда, қалқонсимон без касаллиги кўп учрайди. Сўнгги беш йилда эндокрин касалликлар 20 фоизга ортиб, ёшлар орасида ҳам кўпайган.**

Умуман, ўтказилган хатловлар натижасига кўра, юртимиз бўйича 2 миллион аҳолининг 6 фоизиди бу каби касалликлар аниқланган. Туманларда қонни таҳлил қилишга шароит ва мутахассислар етишмаслиги оқибатида касалликнинг оғир асоратлари бўлган кўз, буйрак ва тўпик касалликлари бўйича пойтахтга мурожаатлар ошган.

Шу боис йиғилишда соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, айниқса, бирламчи бўғинни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

- Эндокрин касалликларини бирламчи бўғинда эрта аниқлаш учун мураккаб ускуналар харид қилиш шарт эмас. Лабораторияларни жиҳозлаш, зарур реактивлар билан таъминлаш ва нафақат эндокринолог, балки оилавий шифокорларни ҳам тайёрлаш катта самара беради, - деди Президент.

**Давлатимиз раҳбари бу борада янги тизим жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Эндокрин касалликларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.**

Унга кўра, энг аввало, оилавий ва эндокрин шифокорлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бунинг учун жойларда ташкил этилган тиббиёт бригадалари, ҳамшира кўриги хоналари ва Саломатлик мактаблари роли кучайтирилади.

Масалан, бирламчи шифокор кўриги жараёнида 10 турдаги таҳлилни йўлга қўйиш орқали вилоят марказларига мурожаатларни 50 фоизга қисқартириш мумкинлиги айtilди.

Шунингдек, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш мақсадида келгуси йилдан 40 ёшдан ошган барча аҳоли йилига камида бир марта манзилли скирингдан ўтказилади. Эндокрин касаллик аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри ишга туширилади. Ҳар бир тиббиёт бригадаси экспресс-тестлар ўтказиш учун глюкометр билан таъминланади.

**Келгуси йил 1 июлдан ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, 3-15 ёшдаги болаларга бепул йод препарати берилади. Қандли диабет учун метформин дорилари 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади. Маҳалладаги беморлар ва диабетга мойиллиги бор аҳолига касалликни бошқариш ўргатилади.**

**Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бирламчи бўғин учун зарур мутахассисларни тайёрлаш, дорилар ишлаб чиқариш ва оилавий поликлиникалар орқали тақсимлаш чоралари белгиланди.**

Йиғилишда тиббиёт муассасаларида лаборатория хизматлари кўрсатишни янги асосда йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туманларда энг зарур лаборатория текширувларини йўлга қўйиш орқали кўрсатиладиган хизматларни 5 тадан 17 тага етказиш ва республикага мурожаатларни 20 фоизга камайтиришга эришиш мумкин.

Шу муносабат билан лаборатория таҳлиллари нормативларини халқаро тажриба асосида тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва янгилаш зарурлиги таъкидланди.

Туманларда оилавий ва марказий поликлиника, марказий шифохона ҳамда шошилиш тиббий ёрдам бўлими лабораториялари мақбуллаштирилиб, туну-кун ишлайдиган марказий лабораториялар ташкил этилади. Улар оилавий поликлиника ва шифокор пунктларидан материалларни йиғиб олиш учун транспорт воситалари билан таъминланади.

Келгуси йил давомида лабораториялардаги 1 мингдан зиёд шифокорлар ва 3 мингдан ортиқ ўрта тиббиёт ходимларининг малакаси оширилади.

**Эндокринология марказининг туманлараро бўлимлари сони ҳозирги 29 тадан 50 тага етказилиши белгиланди. Худудлардаги филиаллар янги тиббий ускуналар билан жиҳозланади ва кўрсатиладиган хизматлар сони 15 тадан 40 тагача етказилади.**

Соҳадаги энг асосий шифо маскани бу, албатта, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказидир. Давлатимиз раҳбари бу марказни Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси худудидаги янги биноларга кўчириб, фаолиятини кўп тармоқли асосда ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

**Қайд этилганидек, марказда гормонал ва минерал бузилишлар, репродуктология ва эндокрин гинекология, онко-эндокринология, кардио-диабет ва интервенцион хирургия каби йўналишлар ташкил этилади. Шунингдек, 20 дан зиёд юқори технологик янги амалиётлар йўлга қўйилади.**

Бунинг учун Эндокринология маркази илмий-инновацион муассасага айлантирилади, илмий тадқиқот ишларига хориждан мутахассислар жалб этилади, докторантурага квоталар 2 баравар кўпайтирилади. Марказ шифокорларининг чет элда малака ошириши таъминланади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, шифокорлар ўз фикр ва таклифларини билдирди.



### **38. 2022-2026 йилларда Республиканинг Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

**Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш мақсадида:**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган:

2022 - 2026 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш бўйича прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2022 - 2024 йилларда фармацевтика соҳасида ҳудудларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 2-иловага мувофиқ;

2022 - 2026 йилларда фармацевтика соҳасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳаларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда - Комиссия) 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (С. Умурзаков):

2022 йил 31 январга қадар мазкур Фармонга 2-иловада назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш устидан ойлик мониторинг ўрнатиш ва уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш чораларини белгиласин;

бир ой муддатда мазкур Фармонга 3-иловада назарда тутилган истиқболли лойиҳаларнинг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда уларни амалга оширишни ташкил қилиш бўйича аниқ чоралар ва масъулларни белгиласин;

инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа ташаббускорлари, шунингдек, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштирсин;

лойиҳаларни амалга ошириш ҳолатини мунтазам равишда таҳлил қилиб, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин ва натижалари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига лойиҳалар ва ҳудудлар кесимида ахборот киритиб борсин.

Комиссияга жаҳон бозорининг конъюнктураси ва ривожланиш тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Фармонга 2-3-иловаларда келтирилган инвестиция лойиҳалар рўйхатини мунтазам равишда янги лойиҳалари ҳисобига тўлдириб бориш, зарур ҳолларда, уларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

фармацевтика соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини шахсан назоратга олсин;

ҳар ойда лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳа амалга оширилишини муҳокама қилиб, уларни белгиланган муддатда ишга туширишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриб борсин.

**3. 2022 йил 1 апрелдан фармацевтика маҳсулотлари харидларига ажратилиши режалаштирилган Давлат бюджети маблағлари миқдори доирасида маҳаллийлаштириладиган фармацевтика маҳсулотларини уч йил муддатга шартнома түзиш орқали кафолатли харид қилиш механизми жорий этилсин. Бунда:**

**кафолатли харид қилиш шартномаларини түзиш бўйича танловлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан биргаликда шакллантирилган аввал республика ҳудудида ишлаб чиқарилмаган, истиқболда маҳаллийлаштириладиган субстанциялар, дори воситаларининг халқаро патентланмаган номлари (бундай ном бўлмаган тақдирда, мансуб дори воситалари гурӯҳ номлари), тиббий буюмлар ва тиббий**

**техникалар рўйхати (кейинги ўринларда - фармацевтика маҳсулотлари рўйхати) доирасида амалга оширилади;**

фармацевтика маҳсулотлари рўйхати Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг интернет сайтларида жойлаштирилади ҳамда ҳар йили янгиланиб борилади;

**кафолатли харид қилиш шартномаларини имзолаш учун ҳолиблар очиқ танловлар орқали аниқланади ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўшбу танловларда давлат буюртмачиси ва бенефициар мулкдори ҳисобланади;**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга тузилаётган кафолатли харид қилиш шартномалар доирасида олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Молия вазирлиги (Рахимова), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров) билан биргаликда уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига асосан шаффоф танлов асосида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан уч йил муддатга шартномалар тузиш орқали маҳсулотларни кафолатли харид қилиш механизми ва аниқ шартларини белгилаган ҳолда давлат харидлари тизимини жорий қилиш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки:

а) фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш йўналишида:

**2022 йил 1 апрелдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариладиган янги фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш чекланмаган муддатга амалга оширилади, аввал берилган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномалар, уларнинг амал қилиш муддати тугганидан сўнг қўшимча ҳужжатлар талаб қилинмасдан 15 кун муддатда амал қилиши муддатсиз бўлган гувоҳномаларга алмаштириб берилади;**

**2022 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли ташкилот томонидан расмийлаштирилган «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)»га эга маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган дори воситаларини ва «ISO:13485» сертификатига эга ишлаб чиқарувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган тиббий буюм ва тиббий техникани мажбурий сертификатлаштириш тартиби бекор қилинади. Бунда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг талабларга мувофиқлиги постмаркетинг назорати ва ихтиёрий сертификатлаштириш орқали амалга оширилади;**

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларини сертификатлаштириш учун қабул қилинган буюртмаларга кўра намуналар танлашни ҳудудлардаги сертификатлаштириш органлари экспертлари орқали амалга оширишга рухсат берилади;

б) фармацевтика соҳасидаги чекловларни камайтириш йўналишида:

донор қонини тўплаш ва унинг асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хусусий тартибда амалга оширишга тақик;

дори воситаларининг клиник тадқиқотларини соғлом кўнгиллиларда ўтказишга чеклов;

**ҳалқаро брендлар асосида фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида таркиби бир хил бўлган дори воситаларини бир ишлаб чиқарувчи томонидан турли савдо номлари остида ишлаб чиқаришга чекловлар бекор қилинади;**

в) зарур амалиётлар (GxP) талабларини тизимли жорий этиш йўналишида:

2022 йил 1 апрелдан фармацевтика соҳасида янги ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари мос равишда «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)», «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» ва «Зарур фармацевтика (дорихона) амалиёти (GPP)» талабларига мувофиқ равишда ташкил этилади;

фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларни зарур амалиётлар (GxP) талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаш муддатлари 2024 йил 1 январгача узайтирилади;

**2022 йил 1 февралдан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасидан қоплаб берилади;**

2023 йил 1 январдан фармацевтика маҳсулотлари бўйича давлат харид танловларида фақатгина «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» стандартлари асосида дори воситаларини, «ISO:13485» стандартлари асосида тиббий буюмлар ва тиббий техникани ишлаб чиқаришни ташкил этган ташкилотлар ва «Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP)» стандартларини жорий этган улгуржи савдо ташкилотлари қатнашишига рухсат берилади.

**5. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан дорихона ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун «тоза хоналар», сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан дорихона ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хомашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоклаш материаллари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2025 йил 1 январга қадар божхона божларидан озод қилинсин.**

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг:

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерига (кейинги ўринларда - Кластер) туташ худуддан кўшимча 80 гектар ер майдонини ажратиш ҳисобига Кластер худудини кенгайтириш;

Кластер худудини кенгайтириш учун ажратиладиган 80 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер участкаларини sanoat мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 80 гектар ер майдонининг ер фонди тоифасини ўзгартиришда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги компенсация тўловларини, истисно тариқасида ундирмаслик тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) икки ой муддатда:

мазкур бандда кўрсатилган ер участкаларини контурларини белгилаган ҳолда амалдаги фойдаланувчилардан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш;

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда ер участкасининг «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси давлат муассасасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш;

Қурилиш вазирлиги (Закиров), «Худудий электр тармоқлари» АЖ (Мустафоев), «Худудгазтаъминот» АЖ (Эшмуратов), «Ўзсувтаъминот» АЖ (Саифназаров) билан биргаликда янги ажратиладиган худудларнинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ва Кластер учун кўшимча ажратилган ер майдонида ўрнатилган тартибда ташкил этиладиган ишлаб чиқарувчи ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ««Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4574-сон қарори 7-бандининг «в» кичик банди ва 11-банди татбиқ этилсин.

8. Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков, Молия вазирлиги (Ишметов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норқулов) икки ой муддатда маҳаллий фармацевтика ташкилотларининг республика ҳудудида биофармацевтика йўналишидаги дори воситаларини тўлиқ цикл асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, субстанциялар ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш ва халқаро стандартлар жорий қилинишини жадаллаштириш доирасидаги лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли молиялаштириш манбаларини аниқлаштириш бўйича «Йўл харита»сини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) Экспортни рағбатлантириш агентлиги орқали дори воситаларини «Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)» талаблари асосида ишлаб чиқарувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги чораларини жорий этсин:

**2025 йил 1 январга қадар фармацевтика маҳсулотларини барча мамлакатларга, шу жумладан, чегарадош қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизгача, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) 5 фоиздан (автомобиль транспортида ташиш ҳолатида) ва 7 фоиздан (темир йўл транспортида ташиш ҳолатида) кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;**

экспорт қилувчи фармацевтика ташкилотлари томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шарти билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдорида, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда бир йилгача муддатда йиллик 4 фоизли ставка (банк маржаси билан бирга) билан ажратилади.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С. Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир инвестиция лойиҳасини муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши чораларини кўрсин.

11. 2022 - 2026 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Мусаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

**рецептсиз фармацевтика маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш бўйича;**

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 21 январь, ПФ-55-сон*

### **39. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.**

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодийётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодийёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (кейинги ўринларда - Тараққиёт стратегияси) ва уни «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда - Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодийётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ камраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида ёрдамга мухтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»ни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи - тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи - тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи Қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. Маҳалланинг «фаол» моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини баҳолашнинг бош мезони сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р. Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М. Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик, шу жумладан маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва янгиланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**4. Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:**

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда икки ой муддатда Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:

умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони 2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-хунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

**5. Тараққиёт стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:**

**а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини «бир қадам» тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилсин.**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини 2022 йил якунига қадар якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;**

**б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда икки ой муддатда хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.**

6. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар:

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) Марказий банк (М. Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни доимий равишда кўриб борсин;

б) 2023 йилдан кўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда 2025 йилдан банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача туширилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А. Султанов), Курилиш вазирлиги (Б. Закиров) 2022 йил 1 мартга қадар - қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б. Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А. Султанов) 2022 йил 1 июнга қадар - саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити «оғир» бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар шароити «оғир» бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан 1 фоиз ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин.

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов) билан биргаликда уч ой муддатда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни 2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. 2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:



**айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жихозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;**

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

**«боғловчи-оператор» сифатида масофавий хизматни кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.**

**Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.**

**11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига 25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар тугатилсин:**

**2022 йилда - 14 та, шу жумладан сертификатлаштириш хизматлари;**

2023 - 2025 йилларда - 11 та, шу жумладан нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида ҳудудлар билан ишлашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиби ўрнатилсин:

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим лойиҳалар барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг «Давлат - инсон учун» тамойили асосида ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тўрт ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инobatга олинишини таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

**фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;**

**«Фуқароларнинг рақамли паспорти» лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан тўғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби мўайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;**

**кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.**

Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) 2022 йил 1 октябрга қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилсин;

**қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;**

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) уч ой муддатда «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда ривожланган мамлакатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини

таъминлашга ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда - Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023 - 2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази таъсисчиларининг «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ тадқиқот ва «ақл» маркази сифатида қайта ташкил этиш ҳамда қуйидаги кўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

кўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

**тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;**

**тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.**

**Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «Тараққиёт стратегияси» марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек ислохотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун «илмий майдон» яратиш бўйича чораларни кўрсин.**

21. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Ватандошлар» фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қуйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб боровчи Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилик гуруҳини ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда жамоатчилик лойиҳаларини илгари суриш.

22. «Тараққиёт стратегияси» маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой

муддатда Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални ишга туширсин.

Бунда, чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

мунтазам равишда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдамни кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон*

#### **40. ПРЕЗИДЕНТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛМОҚДА - 18.03.2022** (<https://president.uz/uz/lists/view/5062>)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот қилмоқда.**

Саломатлик - инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, истаги. Шу боис давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, соҳани изчил ривожлантириб келмоқда. Президентимиз ҳудудларга сафари чоғида ҳам ҳар доим тиббиёт масканларига боради, шифокорлар билан суҳбатлашиб, аҳоли саломатлигини сўрайди.

Лекин, бундай шаклдаги катта учрашув илк бор ўтказилмоқда. Анжуманлар саройида мингдан ортиқ, ҳудудлардаги студияларда 20 мингга яқин тиббиёт ходимлари, аҳоли вакиллари иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида тиббиёт соҳасининг жонкуяр вакиллари билан Наврўз байрами арафасида кўришганидан мамнунлигини билдирди.

- Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, фақатгина соғлом халқ, баркамол миллат буюк ишларга қодир бўлади. Эл-юртимиз азалдан шифокорларни, инсон саломатлигини асрашдек эзгу ва савобли ишга, бутун борлигини бағишлаган фидойи зотлар, деб билади ва ҳамиша қадрлайди. Чунки одамлар сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини - ҳаётларини ишониб топширади, - деди Шавкат Мирзиёев.

**Охириги йилларда хорижий тажриба асосида бу соҳада катта ишлар қилинди. Аввало, тиббиётга ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилди. Жумладан, 2022 йилнинг ўзида соҳага бюджетдан 24 триллион сўм йўналтирилди. Бу маблағ 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўпдир.**

Ўтган беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилди. Шу даврда соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун халқаро молия ташкилотларидан 700 миллион доллардан зиёд маблағлар жалб қилинди.

Энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғинини яхшилашга эътибор қаратилиб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилди. 2021 йилдан бошлаб, бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда одамлар шамоллаш, қон босими, юрак хуружи, қандли диабет, ошқозон ва нафас йўллари касалликларини даволаш учун энг зарур дориларни оилавий шифокор пунктлари ва поликлиникалардан олишмоқда.

Аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида бирламчи тизимга 20 мингга ўрта тиббиёт ходимлари қўшилди. Шунингдек, қишлоқларда жойлашган 801 та оилавий поликлиника янги замонавий ташхис аппаратлари билан таъминланди.

Бу орқали қишлоқ ва маҳаллаларда 8 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга қўйилди. Жумладан, саломатлик кўрсаткичлари бўйича хавф гуруҳига кирган 12 миллион аҳолини мақсадли скринингдан ўтказиш бошланди.

Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Авваламбор, ҳудудларда 23 та ихтисослашган тиббиёт марказларининг юздан ортиқ филиаллари фаолият бошлади. Натижада илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва ташхисларни маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди.

**Илгари ҳар йили минглаб юртдошларимиз даво истаб чет элларга боришга мажбур эди. Эндиликда яратилган имкониятлар туфайли бундай мураккаб, қиммат операцияларнинг кўпи юртимизда амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда шифохоналаримизда 200 турдаги янги жарроҳлик амалиёти, жумладан, буйрак ва жигар трансплантацияси йўлга қўйилди. Мисол учун, биргина буйрак трансплантацияси орқали шу кунгача 700 га яқин беморнинг ҳаёти сақлаб қолинган.**

Эҳтиёжманд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича очик ва шаффоф тизимга ўтилди. Энди ихтисослашган марказларда бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўлланма ҳақиқий эҳтиёжи бор аҳолига “электрон навбат” асосида берилмоқда. Энг муҳими, бу тизимга асосан, маблағлар шифохонага эмас, балки аниқ беморга ажратилмоқда.

Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан яна бири - давлат шифохоналари билан бирга хусусий медицина ҳам ривожланмоқда. Авваллари бундай хизматлар фақат стоматология бўйича кўрсатилган бўлса, ҳозир хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда. Бугун уларнинг сони 8 мингтага етган.

Тиббий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, замонавий билим ва малакага эга кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Хусусан, сўнгги беш йилда 6 та янги тиббиёт олийгоҳи ташкил этилиб, уларнинг сони 14 тага етди, қабул квотаси эса 4 баробарга ошди.

Худудларни малакали мутахассислар билан кафолатли таъминлаш мақсадида вилоятлар буюртмасига асосан манзилли ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, 1 минг 500 нафар шифокорлар нуфузли хорижий клиника ва университетларда малакасини оширди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб келаётган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Германия тараққиёт банки, UNICEF, USAID, JICA, TICA, KOICA, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки каби кўплаб бошқа ҳамкор ташкилотлар вакилларига миннатдорлик билдирди.

“Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқотда соғлиқни сақлаш соҳасидаги навбатдаги вазифалар, долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

**- Бугун соҳадаги ютүкни - ютүк, камчиликни - камчилик деб айтиб, тизимдаги “касаликлар”га тўғри диагноз қўйиб, уларнинг давосини топишга ҳаракат қилишимиз зарур, - деди Президент.**

## **41. ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ВА ҚАДРЛИ - 18.03.2022 (<https://president.uz/uz/lists/view/5063>)**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказди.**

Бу тадбирга узоқ тайёргарлик кўрилиб, ҳам шифокорлар, ҳам беморларнинг фикрлари сўралган эди. Жами 25 мингдан зиёд мурожаатлар қабул қилинди. Уларнинг 8 мингдан кўпи шахсий бўлиб, жойида ҳал этилмоқда. 17 мингтаси эса тизимга оид масалалардир.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уларни умумлаштириб, 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Биринчи йўналиш - бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, иккинчиси - тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, учинчиси - тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, тўртинчиси - соҳа ходимларини моддий рағбатлантириш, бешинчиси - шифохоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш, олтинчиси - жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш, еттинчиси - касалликларнинг олдини олишга қаратилган.

Президент бу йўналишларнинг ҳар бирига атрофлича тўхталиб, янги ташаббусларни илгари сурди.

Масалан, мурожаатларнинг 55 фоизи бирламчи тиббиёт муассасалари ҳақида бўлган. Шу боис, жойларда поликлиникалар тармоғи янада кенгайтирилиши таъкидланди.

Хусусан, 2 мингдан зиёд олис маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этилади. “Қишлоқ шифокори” дастури янада такомиллаштирилиб, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақига 2 миллион сўмдан кўшимча устама тўланади, уй-жой сотиб олишига кўмаклашилади. Бундай жойларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилинади. Нафақага чиққан тажрибали шифокорларга ўз уйида ёки ижара бинода даволашига рухсат берилади.

Иккинчи йўналишга асосан, тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, уларни аҳолига янада яқинлаштириш учун алоҳида дастур қабул қилинади. Энг аввало, “103” тез тиббий ёрдам хизмати республика, вилоят, шаҳар ва туман даражасида ягона бошқарув тизимига бирлаштирилади. Тез ёрдам туман ёки вилоят чегарасига қараб эмас, балки беморгача масофанинг яқинлигига қараб хизмат кўрсатади. 2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади.

Сўнги беш йилда 2 мингга яқин тиббиёт муассасаси курилиб, таъмирланди. Бу ишлар давом эттирилиб, 1 минг 100 та шифо масканидаги шароитлар яхшиланади. Бирламчи бўғиндан бошлаб, тиббиётнинг барча соҳаларини рақамлаштириш бўйича дастур қабул қилинади. Икки йил ичида барча тиббиёт муассасалари янги компьютерлар билан жиҳозланади. Қоғозбозлик қисқартирилиб, замонавий услуб ва ускуналарда ишлашга ўтилади.

Тўртинчи йўналишда тиббиёт ходимларини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Жорий йил 1 июндан тиббиёт ходимларининг ойлик маоши малака тоифасига қараб 15 фоизгача оширилади. Юқори технологик мураккаб операцияларни бажарган шифокорларга эса яна 25 фоиз миқдорида устама тўланади. Барча тиббиёт ходимлари учун дастлабки ва даврий касбий тиббий кўрик бепул ўтказилади.

Соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам долзарб масалалардан. Тизимдаги шифокорларнинг 45 фоизи, ҳамшираларнинг эса 40 фоизи малака тоифасига эга эмас. Кўп муассасаларда мутахассис етишмайди.

Шу боис 2022-2023 ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларига давлат грантлари асосида қабул квоталари ҳудудларда шифокорларга бўлган ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб, мақсадли ошириб борилади. Тиббиёт олийгоҳларида олти ойлик ихтисослашган курслар ташкил этилиб, оилавий шифокорларни ҳудудларда зарур мутахассислик бўйича мақсадли ўқитиш йўлга қўйилади. Барча тиббиёт коллежлари ва техникумлари олий таълим муассасаларига бириктирилади.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, инсон саломатлиги 19 фоиз ташқи муҳитга, 20 фоиз генетик омилларга, 9 фоиз соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва 52 фоиз турмуш тарзига боғлиқ. Шу боис олтинчи йўналиш жамиятда соғлом турмуш маданиятини оширишга қаратилган.**

Жорий йилдан бошлаб, тиббий бригада, оилавий шифокор пункти ва поликлиникалар иш самарадорлигини баҳолаш бўйича рейтинг тизими жорий қилиниши айтилди. Ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари мукофотланади. “Халқ саломатлиги посбони” кўкрак нишони таъсис этилади.

Еттинчи йўналишда касалликларнинг олдини олиш вазифалари кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда тиббиёт тизими “маблағни бевосита беморга сарфлаш” тамойили асосида молиялаштирилиши белгиланди. Тиббий суғурта тизими йил якунига қадар Сирдарё вилоятида, келгуси йилларда барча ҳудудларда йўлга қўйилади. Тиббиёт соҳасида ягона тиббий маълумотлар базаси яратилиб, тиббий-иктисодий, статистик ва аналитик таҳлилларни ўтказиш имконини берадиган миллий тизим жорий этилади.

Президентимиз маърузасида айтилган ҳар бир вазифа бўйича аниқ молиявий манбалар, техник ечимлар ва амалий механизмлар белгиланди.

- Биз халқимиз саломатлиги учун ҳар қанча маблағ ва қуч-имконият сарфлашга тайёرمиз. Шахсан мен учун халқимиз саломатлиги ҳамма нарсадан устун ва қадрли. Лекин соҳага ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланиляптими? Мени шу савол кўп ўйлантиради. Соҳа раҳбарлари ҳар бир сўмнинг кадрига етиши, уларнинг самарасини одамларимиз ўз ҳаётида ҳис этиши лозим, - деди Президент.

Тизимда коррупцияга бутунлай чек қўйиш зарурлиги таъкидланди.

**- Шифокорнинг нафақат устидаги халати, энг аввало, кўнгли ҳам, қўли ҳам пок бўлиши керак, - деди давлатимиз раҳбари.**

Очиқ мулоқотда шифокорлар сўзга чиқиб, фаолиятида дуч келаётган муаммолар, таклиф ва мулоҳазаларини айтди. Президентимиз уларни мутахассислар иштирокида муҳокама қилиб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.



## 42. ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ - 28.03.2022 (<https://president.uz/uz/lists/view/5083>)

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март куни соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари 18 март куни тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва таклифлар бўйича 24 март куни Президент фармойиши қабул қилиниб, еттига йўналишда вазифа ва масъуллар белгиланди.

**Йиғилишда шу борада бошланган ишлар ва ойлик режалар кўриб чиқилди. Аввало, апрель ойида 1 миллион нафар хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, 700 минг нафар бола ва 100 минг нафар ҳомиладор аёлларни мақсадли скринингдан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.**

Ҳар бир оилавий поликлиникада кундузги стационар, 400 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти, олис ҳудудларда контейнерлардан 1 минг 700 та тиббиёт пункти ташкил этишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Маҳаллабай тизимда ишлаб, сифатли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиб, оилаларга тарқатиш муҳимлиги қайд этилди.

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис ҳудудларда қўшимча бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақиға устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

**Жорий йилда инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилган. Мутасаддиларга қурилиш ишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.**

**Очиқ мулоқотда республика ихтисослашган тиббиёт марказлари янги, юқори технологик даволаш усулларини йўлга қўйиши зарурлиги айтилган эди. Мисол учун, ҳар йили “оққон” касаллиги бўйича 200 нафаргача бемор илик кўчириш операциясига муҳтож. Гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт марказида замонавий шароит яратиш орқали ушбу амалиётни йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди. Бундай ишларни барча тиббиёт марказларида ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.**

Давлат шифохоналари ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ягона тарифларни тасдиқлаш, хусусий клиникаларда ҳам йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар очиқ мулоқотда белгиланган вазифалар ижроси бўйича ахборот берди.

### **43. АЙРИМ ДОЛЗАРБ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.**

**2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадрлари учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар аҳоли орасида айрим вирусли инфекцияларни ўз вақтида профилактика ва диагностика қилиш, уларни даволаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни янада такомиллаштириш ва кенгайтиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

вирусли гепатитларнинг «В» ва «С» турларини эрта аниқлаш учун республиканинг барча ҳудудларида скрининг текширувларини ўтказиш ва касалликни даволаш қамровини ошириш;

касаллик юқиши хавфи юқори бўлган шахсларни, шу жумладан қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишловчи тиббиёт ходимларини гепатит «В» инфекциясига қарши эмлаш билан тўлиқ қамраб олиш;

скрининг текширувларида вирусли гепатит «С» тури аниқланган беморларни даволаш жараёнида дори воситалари билан бепул таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида вирусли инфекцияларни аниқлаш учун сарфлов материаллари (реагент ва тест-тўпламлари) билан босқичма-босқич тўлиқ таъминлаш;

барча даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестрини яратиш ва уни юритиш;

вакциналар, тест-тўпламлари ва вирусга қарши дори воситаларининг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги назоратини такомиллаштириш;

вирусли инфекциялар муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш, касалликларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

вирусли инфекциялар юқишининг олдини олиш тадбирлари бўйича аҳоли ўртасида кенг камровли тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорига асосан 2022 йил 1 июндан бошлаб қон билан бевосита ишлаётган давлат тиббиёт муассасалари ходимларини гепатит «В» касаллигига қарши бепул эмлаш амалиёти жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2022 - 2025 йилларда айрим долзарб вирусли инфекциялар тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича дастур (кейинги ўринда - Дастур) 1-иловага мувофиқ;

2022-2023 йилларда эпидемиологик кўрсатмага мувофиқ, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ходимларини гепатит «В» инфекциясига қарши эмлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 июндан бошлаб ҳар йили республика аҳолисини вирусли гепатит «В» ва «С» турларига скрининг текширувлари сони 1 миллион нафаргача, полимераза занжир реакцияси (ПЗР) текширувлари сони 15 минг нафаргача, вирусли гепатит «С» тури билан касалланган беморларни даволашни 10,5 минг нафаргача етказилади;

2022 йил 1 сентябрдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 190-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилаш билан бирга уларни ўз ҳисобидан гепатитнинг «В» ва «С» турларига скрининг текширувларидан ўтказиш тартиби жорий этилади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев):

Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида «IT-Med» масъулияти чекланган жамияти томонидан жигар сурункали вирусли касалликларининг ягона электрон реестри (кейинги ўринларда

- Реестр) 2022 йил 1 ноябрга қадар ишлаб чиқилишини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватланишини таъминласин;

2023 йил 1 январга қадар Реестрни юритишни қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлайдиган ходимларга эга бўлган даволаш-профилактика муассасалари, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тиббиёт ташкилотларига жорий қилиб, уларнинг ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин;

2022 йил 1 июлдан бошлаб Вирусология илмий-тадқиқот институтида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги тегишли муассасаларда Қрим-Конго гемorraгик иситмаси билан касалланиб тузалганларнинг (донорларнинг) қон плазмаси банки яратилишини таъминласин;

даволаш-профилактика муассасалари ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида юқумли касалликларга, шу жумладан сурункали вирусли гепатитларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш стандартларини такомиллаштирсин ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтирсин.

#### 6. Белгилансинки:

2022 йил 1 июлдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотлари қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларини гепатит «В» инфекциясига қарши эмлашни, шунингдек, Реестр ишга тушган пайтдан бошлаб бу ҳақдаги маълумотнинг Реестрга киритиб борилишини таъминлайди. Бунда, эмланмаган ходимларни эмлаш уларнинг асосий иш жойи бўлган тиббиёт ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йил 1 январдан бошлаб нодавлат тиббиёт ташкилотларида қон ва унинг таркибий қисмлари билан ишлаётган ходимларнинг гепатит «В» инфекциясига қарши эмланган бўлиши ҳамда Реестрнинг белгиланган тартибда юритилиши тиббий фаолиятни лицензиялаш талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

**7. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили кенг тарқалган вирусли инфекциялар муаммоларининг илмий ечимини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга танловлар асосида маблағлар ажратилишини таъминласин.**

**8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б. Мусаев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов) ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С. Кариев) 2022 йилнинг якунига қадар вирусли касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволанишида зарур бўладиган вакцина, дори ва диагностикалар каби воситаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

9. Белгилансинки, тегишли даволаш-профилактика муассасалари учун зарур тест-тўпламлари, диагностикалар ва сарфлов материалларини харид қилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, Республика эпидемияга қарши курашиш фавқулодда комиссияси йиғилишларида ушбу масала ҳар йили муҳокама қилинишини таъминласин.**

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда жойларда вирусли инфекцияларнинг тарқалиши масалалари бўйича кенг тушунтиришлар, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказишни кучайтирсин.

**12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида вирусли инфекцияларга қарши курашишнинг долзарб масалаларини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.**

**13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари Б.К. Юсупалиев белгилансин.**

**Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2022 йил 16 май, ПҚ-243-сон***

#### **44. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.**

**Рақамли технологиялар орқали тадбиркорлик субъектларининг муаммолари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда - Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг «business.gov.uz» ягона интерактив портални куйидаги имкониятларга эга бўлган «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот порталига (кейинги ўринларда - портал) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

**тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш, ҳал этиш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш;**

**давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тематик онлайн муҳокамалар ва сўровномалар ўтказиш орқали тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш;**

қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тадбиркорлик субъектларининг жамоавий мурожаатларини қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар, кредит, субсидия, компенсация ҳамда кафиликлар олиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизимлари билан уланиш.

#### **2. 2022 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

а) порталга қуйидагилар томонидан мурожаатлар киритилади:

тадбиркорлик субъектлари;

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизмати;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - тадбиркорлардан сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар асосида;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари. Бунда, ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини маҳалланинг ўзида кўриб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўради, маҳалла даражасида ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаган мурожаатларни порталга киритади;

**б) порталга киритилган мурожаатлар автоматик равишда ёки Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан (мурожаатда ваколатли орган кўрсатилмаганда) тегишли ваколатли органларга кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун йўналтирилади;**

в) ваколатли органлар портал орқали келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқади ҳамда натижалари тўғрисида ахборотни порталга киритади;

**г) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил:**

порталга киритилган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан рақамли назорат ўрнатади ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли таъсир чораларини қўллади;

**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мурожаатлар таҳлили асосида ҳудудлар ва соҳалар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда таклифлар киритиб боради.**

3. Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот портали орқали қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш схемаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бошқарув ходимларининг чекланган сони 101 та штат бирлиги миқдорида белгилансин ва уларнинг қўшимча

15 та штат бирлиги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.

#### **5. Белгилансинки:**

а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқланадиган режа-графиклар асосида:

тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширувларнинг қонунийлиги ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолати юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ўрганишлар ўтказилади;

ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказилади ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилган масалаларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;

ваколатли органлар учун ҳудудларга чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда текширувлар ўтказиш тартиби бўйича ўқув машғулотларини ташкил этади;

**б) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолатига доир йиллик ҳисобот тақдим этади.**

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар портал мазкур Фармон талабларига мувофиқ такомиллаштирилиши ва «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро платформасига интеграция қилинишини, шунингдек, порталнинг Mobile-ID тизими орқали идентификациялаш имкониятига эга мобил версияси яратилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2022 йил 1 сентябрга қадар 2022 йил учун Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази маблағларини шакллантириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига портални такомиллаштириш, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизматини молиялаштириш, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Бунда, 2023 йилдан бошлаб порталдан фойдаланиш ва Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизмати фаолияти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар умумий овқатланиш ва чакана савдо соҳаларидаги фаолиятни тартибга солиш талабларни соддалаштириш ҳамда ушбу соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда рухсатномага эга ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳамда ер қаъри давлат фонди кадастрига киритилган ер участкаларининг рўйхатларини шакллантирсин.

Бунда, шакллантирилган рўйхатларга асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли ер участкаларини Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тегишли ер участкалари ажратилгандан сўнг бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тадабиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш, унинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

**12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадабиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов белгилансин.**

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 27 июль, ПФ-178-сон*

## **45. ТИББИЁТДА ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

**Замонавий тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан янги форматдаги «Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадри учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:**

### **1. Белгилансинки:**

юқори малакали ва малакали мутахассислар тоифасига кирмайдиган бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берганлик учун йиғим миқдори 6 бараварга камайтирилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида ундирилади;

Ўзбекистон Республикасига қисқа муддатга (бир ойгача), шу жумладан диагностика ҳамда даволаш амалиётларини бажариш, тажриба алмашиш дастурлари, маҳорат дарслари ўтказиш ва маърузалар ўқиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида келаётган чет эл мутахассисларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиш талаб этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан даволаш муассасалари томонидан ундириладиган туристик (меҳмонхона) йиғим бекор қилинади;

даволаш муассасалари (бундан санаторий ва пансионатлар мустасно) учун туристик хизматларни сертификатлаштиришга бўлган талаб бекор қилинади. Бунда, даволаш муассасалари томонидан ташриф буюрувчиларни ҳисобга олиш автоматлаштирилган махсус дастур орқали электрон шаклда амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2863-сон қароридан назарда тутилган, юридик шахслар томонидан, шу жумладан лизинг шартномаси асосида олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда сарфлаш материаллари учун божхона имтиёзларининг амал қилиш муддати 2025 йил 1 январга қадар узайтирилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материалларини ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга асосан, 2025 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича имтиёзларни назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббиёт олий таълим муассасаларининг клиник базаларини ташкил этиб, уларда шифокор ва ҳамширалар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

малака тоифаси олиш учун талаб этиладиган иш стажини муддатини қисқартирган ҳолда, тоифасиз ходимларга 3 йил, биринчи тоифа учун - 5 йил, олий тоифа учун - 7 йил этиб белгилаш.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Қурилиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тегишли меъёрий ҳужжатларга хусусий тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар учун лицензия олишда санитария ва қурилиш талабларини соддалаштириш бўйича ўзгартиришлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.



7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев белгилансин.

9. Фармоннинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 11 апрель, ПФ-102-сон*

#### **46. ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ - 12.04.2022 (<https://president.uz/uz/lists/view/5124>)**

Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар, тармоқдаги лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

**Мамлакатимизда йилига 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан катта қисми - қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинмоқда.**

Худудлар кесимида олганда, маҳаллийлаштириш даражаси мутлақо қониқарсиз. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида истеъмол қилинадиган дорининг атиги 2-5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

**Шу боис, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида лойиҳалар билан ишлаш тизимини янгидан қилиш вазифаси қўйилди. Дори воситаларига талабни ўрганиб, уларни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.**

Хусусан, жорий йилнинг ўзида 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказиб, уларнинг брендларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.

Тармоқдаги экспорт масаласи муҳокама қилинар экан, унинг катта қисми Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бўлаётгани, қолган худудларда бу кўрсаткич анчада паст экани кўрсатиб ўтилди. **Янги лойиҳалар натижасида фармацевтика маҳсулотлари экспортини кескин ошириш мумкинлиги қайд этилди.**

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга кафолатли харид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематология, эндокринология ва вирусли касалликлар учун дорилар нархини арзонлаштириш кераклиги таъкидланди.**

**Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.**

Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхати бешта идора томонидан тасдиқланар эди. Эндиликда бу рўйхат учта - Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, энди маҳаллий корхоналарнинг “GMP” сертификатини олиш билан боғлиқ харажатлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Корхоналарни модернизация қилишни молиялаштириш Тўғридан-тўғридан инвестициялар жамғармаси иштирокида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига 80 та туманни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш топширилди.

Бу тажрибани кенгайтиришда кооперация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва молиялаштириш тартиблари татбиқ этилади.

Қайд этилганидек, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисми қоплаб берилади, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этиш, ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида фармацевтика бўйича факультетлар очиш таклифларини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар, соҳадаги етакчи корхоналар раҳбарлари ва доривор ўсимлик етиштирувчи тадбиркорлар сўзга чиқди. Президентимиз уларнинг таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

#### **47. ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИХАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Худудларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ташаббусларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

кредит линияси тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада миллий валютада ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (бундан қурилиш, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда айланма маблағларни тўлдириш ҳолатлари мустасно) учун йиллик 14 фоиз ставкада, 5 йилгача муддатга, шу жумладан 2 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 5 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади; тадбиркорлик субъектларининг фаолият даври 6 ойгача бўлганда 1 миллиард сўмгача, 6 ойдан 1 йилгача бўлганда 2 миллиард сўмгача, 1 йилдан 2 йилгача бўлганда 3 миллиард сўмгача, 2 йилдан 3 йилгача бўлганда 4 миллиард сўмгача ва 3 йилдан ошганда 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади;

кредит линияси маблағларининг камида 70 фоизи Нукус шаҳридан, вилоятларнинг маъмурий марказларидан ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлардан ташқари худудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ажратилади.

3. Мазкур қарор доирасида ажратилган кредит линиясидан самарали фойдаланилишини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков томонидан амалга оширилади ва унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

кредит маблағларига талаб ва лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилганидан келиб чиқиб, кредит линияси ресурсларини худудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ва тижорат банклари кесимида тақсимлаш;

лойиҳа фабрикалари ва лойиҳа гуруҳлари томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларнинг сифатли ва қисқа муддатларда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектлари ҳамда тижорат банклари томонидан кредит линияси маблағлари самарали ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

вазирлик, идора ва худуд раҳбарларининг кредит маблағларини ўзлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш ва белгиланган муддатда ишга тушириш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. Вафаев) ресурслар худудлар ва тижорат банклари кесимидаги тақсимотга мувофиқ тижорат банкларининг талабномаси келиб тушгандан сўнг уч кунлик муддатда тижорат банкларига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратаётган маблағларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ҳамда назорат қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ, Тошкент ш., 2022 йил 19 апрель, ПҚ-212-сон*

## **48. ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ - 05.05.2022 (<https://president.uz/uz/lists/view/5177>)**

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу соҳалар инсон соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолишда “олтин соат” оралиғида биринчи ёрдам кўрсатувчи муҳим бўғиндир. Сўнгги беш йилда бу йўналишларнинг моддий таъминоти ва кадрлар салоҳиятини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинди.

**Жумладан, 2 минг 224 та янги тез ёрдам машиналари харид қилинди, замонавий реанимация машиналари сони 24 тадан 435 тага етказилди. Тез ёрдам станциялари ва бригадалари сони ҳам кўпайтирилди. Шунингдек, битта чақириқ учун дори-дармонга ажратилаётган маблағлар миқдори 16 бараварга, дори турлари 20 тадан 45 тагача оширилди.**

Шошилинч ёрдам соҳасида ҳам қуйи бўғинга катта эътибор қаратилди. Худудларда 21 та туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этилди. Натижада туман ва шаҳар аҳолисини вилоят марказларига мурожаатларини камайтирди.

Масалан, илгари “Қамчиқ” довонида автоҳалокатда оғир тан жароҳати олган беморлар 100 километр масофа босиб, Тошкент ва Наманган шаҳридаги шошилинч марказларга олиб борилган. Энди Ангрен шаҳри ва Поп туманида очилган марказлар одамлар жонига ора кирмоқда.

Шу билан бирга, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам бор. Улар ҳақида 18 март куни давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан очиқ мулоқотида айтилган эди.

Мисол учун, ўтган йили тез тиббий ёрдам бригадасининг кечикиб келиши бўйича 50 мингдан зиёд шикоят келиб тушган.

**Бунинг сабабларидан бири соҳада ягона бошқарув йўлга қўйилмаганидир. Жумладан, тез тиббий ёрдам ходимини ишга тайинлаш, дори-дармон таъминоти, транспорт, ёқилғи ва ҳайдовчилар масаласи вилоятдаги турли бошқармалар ваколатида. Бошқарувдаги бундай чалкашликлар эвазига тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш туман ҳудуди билан чекланган. Тез ёрдам станцияси қўшни туман билан чегарадош бўлса-да, бошқа ҳудуд деган важ билан чақирувни қабул қилмайди.**

Тез тиббий ёрдам машиналарининг қўпида навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта кўчага ҳалигача ном ва 500 мингга яқин уйларга рақам қўйилмагани сабабли манзилни топишга кўп вақт кетмоқда.

Тизимдаги энг катта муаммо – шошилинч ёрдам бемор учун энг яқин тиббиёт муассасасида эмас, балки фақатгина олдиндан бириктирилган санокли шифохоналарда кўрсатилади.

Шу боис тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Йиғилишда ушбу дастурдаги асосий янгиликлар, уни амалга ошириш борасидаги вазифалар кўрсатиб ўтилди.

**Хусусан, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоят филиаллари ташкил этилади. Бунинг натижасида энди тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, балки Тошкент шаҳри тажрибаси асосида, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.**

Туманларда чақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона колл-марказ тузилади. Колл-марказда операторлар билан бирга алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради. Шунингдек, вилоят колл-марказларига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд хусусий клиникалар ҳам уланиши мумкин бўлади.

Бу тажриба дастлаб Сирдарё вилоятида Тиббий суғурта жамғармаси орқали ташкил этилади ва босқичма-босқич барча ҳудудларга кенг жорий этилади.

**2022-2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилиши, натижада чақирувларга етиб бориш вақти 3 баробарга қисқариши қайд этилди.**

Бугунги кунда 2 минг 695 та тез тиббий ёрдам бригадаси бўлиб, 500 дан ортиғида врач етишмайди, шунингдек, 6 мингдан ортиқ шифокор ўриндошлик асосида ишлайди.

Халқаро тажрибага кўра, барча чақирувларда ҳам врачлар бўлиши шарт эмас. Шунинг учун энди чақирувларнинг мураккаблиги, долзарблиги ва турига қараб, саралаш тизими жорий этилади.

Яна бир масала: бизда тез тиббий ёрдам бригадалари врач, фельдшер ва ҳайдовчидан ташкил топган. Хорижий тажрибада тез ёрдам фельдшери бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи ҳисобланади.

Шу боис янги ўқув йилидан фельдшерликка ўқиётган ёшлар ҳайдовчиликка ҳам ўргатилиши белгиланди. Бунинг учун тиббиёт коллежларига ҳайдовчилик мактаблари бириктирилади.

Кўрсатилган хизматни беморлар томонидан баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан мукофотланади.

Юртимизда ҳар минг кишига нисбатан чақирувлар сони 352 тани ташкил этади. Бу ривожланган давлатлардагига қараганда 6-7 баравар кўп. Чунки қишлоқ ва маҳаллаларда оддий тиббий хизмат йўлга қўйилмагани учун аҳоли тез ёрдамга мурожаат қилмоқда.

Шунинг учун маҳаллаларда тиббиёт пунктлари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Тез тиббий ёрдам тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Республика шошилинич тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази Республика тез тиббий ёрдам маркази тизимига ўтказилиб, Ходимлар малакасини ошириш мактаби сифатида қайта ташкил этилади. Туркия, Корея, Франция каби тез ёрдам тизими илғор бўлган мамлакатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Туманлар даражасида шошилинич тиббий хизмат қамровини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Бунинг учун, энг аввало барча туман ва шаҳар шифохоналаридаги терапия, педиатрия ва хирургия йўналишида бир-бирини такрорлайдиган режали ва шошилинич бўлимлар бирлаштирилади. Уларда туну кун ишлайдиган шошилинич ёрдам қабулхоналари ташкил этилади.

**– Бу вазифаларни жой-жойига қўйсақ, тиббиёт соҳасини халққа янада яқин қилган, инсон қадрини улуглаш учун яна бир қадам ташлаган бўламиз, – деди Шавкат Мирзиёев.**

Йиғилишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига тез тиббий ва шошилинич ёрдам хизматларини ривожлантириш бўйича ўзларининг ҳудудий дастурларини қабул қилиб, ижросини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

## **49. ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ - 17.06.2022 (<https://president.uz/uz/lists/view/5270>)**

**Президентимизнинг Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташрифи чоғида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимиз аҳолисининг 20 миллионини болалар ва туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларнинг саломатлигини алоҳида эътиборга олиш мақсадида шу йилдан барча туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилди. Куну тун ишлайдиган педиатр шошилиш постлари ва болалар реанимация бўлимлари қайта тикланди.

**Туғруқ комплекси ва перинатал марказлар, аёллар маслаҳатхоналари томонидан йилига 850 минг нафар ҳомиладорларга малакали тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Барча марказий поликлиникаларда “Онко-назорат” хоналари ташкил этилиб, 35 ёшдан ошган аёллар ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилмоқда. Бу аёлларда саратон касалликларини эрта аниқлаш имкониятини 10 баробарга оширди.**

Бу ишлар натижасида сўнгги олти йилда оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 21 дан 15 га, гўдақлар ўлими 11 дан 8 га камайган. Лекин битта шундай ҳолат ҳам жамиятимиз учун катта фожиа.

Шу боис йиғилишда оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

**Бугунги кунда республикаимиз бўйича атиги 16 та шифохонада асоратли ҳомиладорликка ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис 46 та туман ва шаҳардаги туғруқ мажмуаларида зарур шароитлар яратиб, туманлараро перинатал марказига айлантирилиши қайд этилди.**

Ҳар бир поликлиникада ташкил этилган 17 мингта тиббий бригада учун малакали доялар тайёрлаб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги 15 та туғруқхонада чақалоқларнинг эшитиш қобилиятини текшириш бошланди. Мутахассисларни ўқитиб ва маҳсус ускуналар харид қилиб, келгуси йилдан барча туғруқхоналарда жорий қилиш вазифаси қўйилди.

**Бугунги кунда туғиш ёшидаги аёллар соғлиғига – Репродуктив саломатлик маркази, ҳомиладаги нуқсонларни аниқлашга – Скрининг маркази, фарзанд кўриш жараёнига – Акушерлик ва гинекология маркази масъул ҳисобланади.**

Уларнинг ҳудудий филиаллари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишламагани сабабли аёллар сарсон бўлмоқда.

**Давлатимиз раҳбари мазкур 3 та муассасани бирлаштириб, янги марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу янги марказ инновацион технологиялар асосида репродуктив саломатликнинг тиббий-биологик муаммоларини ҳал этиш, туғма ногиронликнинг олдини олиш бўйича генетик тадқиқотлар олиб бориш, бехатар оналикни таъминлаш каби жуда муҳим вазифаларга ихтисослашади.**

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар сўзга чиқиб, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Вилоят ҳокимлари онкология ва гематология хизматларини ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш чоралари бўйича ҳудуд халқига мурожаат қилиши белгиланди.

## **50. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

**Рақамли технологиялар орқали тадбиркорлик субъектларининг муаммолари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда - Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг «business.gov.uz» ягона интерактив порталини куйидаги имкониятларга эга бўлган «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот порталига (кейинги ўринларда - портал) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш, ҳал этиш ва ушбу жараёнларни назорат қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида тематик онлайн муҳокамалар ва сўровномалар ўтказиш орқали тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни шакллантириш;

қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тадбиркорлик субъектларининг жамоавий мурожаатларини қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган хизматлардан фойдаланиш, шу жумладан лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар, кредит, субсидия, компенсация ҳамда кафиликлар олиш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизимлари билан уланиш.

2. 2022 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) порталга куйидагилар томонидан мурожаатлар киритилади:

тадбиркорлик субъектлари;

Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизмати;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил - тадбиркорлардан сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар асосида;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари. Бунда, ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини маҳалланинг ўзида кўриб чиқиш ва ҳал этиш чораларини кўради, маҳалла даражасида ҳал этиш имконияти мавжуд бўлмаган мурожаатларни порталга киритади;

б) порталга киритилган мурожаатлар автоматик равишда ёки Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан (мурожаатда ваколатли орган кўрсатилмаганда) тегишли ваколатли органларга кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун йўналтирилади;

в) ваколатли органлар портал орқали келиб тушган мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқади ҳамда натижалари тўғрисида ахборотни порталга киритади;

г) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил:

порталга киритилган мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати устидан рақамли назорат ўрнатади ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тегишли таъсир чораларини қўллайди;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда мурожаатлар таҳлили асосида ҳудудлар ва соҳалар кесимида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда таклифлар киритиб боради.

3. Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот портали орқали қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш схемаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони бошқарув ходимларининг чекланган сони 101 та штат бирлиги миқдорида белгилансин ва уларнинг қўшимча 15 та штат бирлиги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг штат birlikларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин.



## 5. Белгилансинки:

а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқланадиган режа-графиклар асосида:

тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширувларнинг қонунийлиги ва тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижроси ҳолати юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ўрганишлар ўтказилади;

ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказилади ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилган масалаларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;

ваколатли органлар учун ҳудудларга чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари билан ишлаш ҳамда текширувлар ўтказиш тартиби бўйича ўқув машғулотларини ташкил этади;

б) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳар йили 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишининг ҳолатига доир йиллик ҳисобот тақдим этади.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар портал мазкур Фармон талабларига мувофиқ такомиллаштирилиши ва «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро платформасига интеграция қилинишини, шунингдек, порталнинг Mobile-ID тизими орқали идентификациялаш имкониятига эга мобил версияси яратилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2022 йил 1 сентябрга қадар 2022 йил учун Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази маблағларини шакллантириш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақбуллаштириш ҳисобига портални такомиллаштириш, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизматини молиялаштириш, шунингдек, мазкур Фармонда назарда тутилган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Бунда, 2023 йилдан бошлаб порталдан фойдаланиш ва Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги «Call-марказ» хизмати фаолияти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар умумий овқатланиш ва чакана савдо соҳаларидаги фаолиятни тартибга солувчи талабларни соддалаштириш ҳамда ушбу соҳалардаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда рухсатномага эга ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳамда ер қаъри давлат фонди кадастрига киритилган ер участкаларининг рўйхатларини шакллантирсин.

Бунда, шакллантирилган рўйхатларга асосан:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда тегишли ер участкаларини Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин;

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тегишли ер участкалари ажратилгандан сўнг бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларига ер қаъридан фойдаланиш мақсадлари учун зарур бўлган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

11. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой муддатда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг бюджетдан ташқари жамғармасини ташкил қилиш, унинг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2022 йил 27 июль, ПФ-178-сон***

## **51. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТЕКШИРУВЛАР ЎТКАЗИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиклигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармонида мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда - Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлаш, шунингдек, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрларини юритиш имконини берувчи «Ягона давлат назорати» ахборот тизими ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, назорат қилувчи органлар томонидан 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар «Ягона давлат назорати» ахборот тизимида рўйхатга олинади. Бунда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари ҳамда профилактика тадбирлари тўғрисида маълумот текширув ёки профилактика тадбирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда «Ягона давлат назорати» ахборот тизимига киритилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) назорат қилувчи органлар:

«хавфни таҳлил этиш» тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида 10 иш куни олдин тадбиркорлик субъектини хабардор қилади;

тадбиркорлик субъектининг илгари текширилган фаолият давридаги предмети ва объекти бўйича қайта текширув ўтказишга ва тадбиркорлик субъекти томонидан аввал тақдим этилган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли эмас;

тадбиркорлик субъектлари учун профилактика тадбирларини Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа-графиклар асосида тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда семинарлар, оммавий муҳокамалар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, «очик эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклларида амалга оширади;

б) тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга:

текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда;

текширув белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганида;

улар Текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортганида;

**в) 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга «Ягона давлат назорати» ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланади.**

4. Адлия вазирлиги Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатаси ва назорат қилувчи органлар билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар давлат назорати функциялари ва текширувларни қисқартириш бўйича таклифларни Стратегик ислоҳотлар агентлигининг кенгашига киритсин.

5. Назорат қилувчи органлар Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга:

бир ой муддатда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда мажбурий талаблар рўйхатини;

мажбурий талаблар ўзгарган тақдирда, ўзгартириш киритилган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда янгиланган мажбурий талаблар рўйхатини тақдим этсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон Фармони талабларига мувофиқ, «Ягона давлат назорати» тизимида давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг электрон реестрлари лозим даражада (долзарб) ва барча учун очиқ ҳолатда юритилишини таъминласин.

7. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартибини, шунингдек, назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйиладиган минимал талабларни тасдиқласин.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов ҳамда назорат қилувчи органлар раҳбарлари белгилансин.**

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 13 сентябрь, ПҚ-374-сон*

## **52. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «очиқ мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:**

1. Белгилансинки, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб:

бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоиздан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланилмайди. Ушбу норма 2022 йил 1 ноябрга қадар бўлган ҳолатларга ҳам татбиқ этилади;

экспорт қилувчи ташкилотларга фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишидаги имтиёзлар товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар қўлланилади;

қовун (ТИФ ТН коди 1207 70 000 0), канакунжут (ТИФ ТН коди 1207 30 000 0), хантал (ТИФ ТН кодлари 1207 50 100 0, 1207 50 900 0) ва махсар (ТИФ ТН коди 1207 60 000 0) уруғлари экспортига руҳсат берилади.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг экспортчи корхоналарни очиқ танлов орқали саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича «Янги Ўзбекистон - рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастурини (кейинги ўринларда - Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, Дастур доирасида экспортчи корхоналарни саралаб олиш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

экспортчи корхоналар юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳамда камида сўнгги икки йил давомида фаолият юритаётган бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида экспорт қилинган тайёр маҳсулот суммаси 1 миллион АҚШ долларидадан ортиқ бўлиши;

умумий тушум ҳажмида экспортдан тушум улуши 30 фоиздан юқори бўлиши;

экспортга чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар тури 2 тадан ортиқ бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида экспорт географияси, қўшни давлатларни инобатга олмаган ҳолда, 2 та мамлакатдан ортиқ бўлиши;

охирги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг улуши 5 фоиздан кам бўлиши.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги корхоналар рўйхати мазкур мезонларга мувофиқ Экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ягона порталида ([www.exportportali.uz](http://www.exportportali.uz)) онлайн тартибда автоматик тарзда рейтинг асосида шакллантирилиши ва ҳар 6 ой мобайнида янгилаб борилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

**а) Дастурнинг босқичма-босқич 200 та (рейтинг асосида биринчи босқичда 50 та, 2023 йил 1 январдан бошлаб 100 та, 2023 йил 1 июлдан бошлаб 200 та) экспортчи корхоналарни кўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш орқали амалга оширилиши;**

**б) Дастурга киритилган экспортчи корхоналар:**

экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширганда ноль даражали қўшилган қиймат солиғи ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган солиқнинг ошиб кетган қисми уларнинг мурожаатига асосан тезлаштирилган тартибда 7 кун ичида тўлиқ қайтариб берилиши;

айланма маблағларини тўлдириш учун кредит олишида тижорат банкларига экспорт шартномаларини гаров таъминоти сифатида қабул қилиш тавсия этилиши;

**Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспорттолди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириши учун охириги 12 ой мобайнида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиққан ҳолда:**

экспорт ҳажми 1 миллион доллардан 5 миллион долларгача бўлганда - 1 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 5 миллион доллардан 10 миллион долларгача бўлганда - 2 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 10 миллион доллардан 15 миллион долларгача бўлганда - 3 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 15 миллион доллардан 20 миллион долларгача бўлганда - 4 миллион долларгача;

экспорт ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ бўлганда - 5 миллион долларгача миқдорларда молиявий ресурслар ажратилиши;

битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиши учун уларга 30 минг АҚШ долларида кўп бўлмаган миқдорда молиявий ёрдам тақдим этилиши;

бизнес жараёнлар, экспорт ҳажмини ошириш ва маркетинг тадқиқотларини амалга ошириши учун хорижий маслаҳатчилар жалб қилиниши белгилаб қўйилсин.

4. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар республиканинг ҳар бир ҳудудидан энг салоҳиятли 100 та маҳаллий корхонанинг ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида «тадбиркордан - экспортёргача» тамойили асосида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда унинг ижросини назорат қилиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 30 сентябрь, ПФ-228-сон*

**53. КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ - 12.12.2022** (<https://president.uz/uz/lists/view/5763>)

**Президент Шавкат Мирзиёев 12 декабрь куни фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 февралдаги қарори билан фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Бу сезиларли натижа бериб, касалланганлар умумий сони 2 мингтага камайди. Янги касалланиш ҳолати 10 фоизга, ўлим ҳолати 17 фоизга қисқарди.

**Лекин сўнгги йилларда коронавирус эпидемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоизга ошган.**

Худудларда туберкулёз бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлса-да, бу хизматлар фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тўлиқ йўлга қўйилган.

**Одам иммунитетни танқислиги вирус билан касалланиш ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Бу, айниқса, Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларида долзарб.**

Шу боис йиғилишда мазкур икки соҳадаги навбатдаги чора-тадбирлар мутахассислар иштирокида муҳокама қилинди.

Президентимиз келгуси йилдан бошлаб “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаларини ташкил этиб, чекка худудларда болаларни скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича топшириқ берди.

**Туберкулёз инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикасини, яширин инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди.**

Вилоят ҳокимларига худудлардаги Фтизиатрия сihatгоҳларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, бактериология лабораторияларини ташкил этиш топширилди.

**Соғлиқни сақлаш вазирлигига туберкулёз билан касалланган беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунга давлат бюджетидан 40 миллиард сўм ажратилади.**

**ОИВ инфекцияси бўйича ҳам текширувни кенгайтириб, 3 миллион аҳолини қамраб олиш чоралари белгиланди. Бундай беморлар ҳам 22 турдаги вирусга қарши дорилар билан бепул таъминлади.**

Худудий ОИТС маркази ва туманлараро лабораторияларни таъмирлаш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга масъуллар бириктирилди.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини ходимларини ОИВ инфекцияси бўйича малакасини ошириш, аҳоли ўртасида касаллик ва унинг оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

**Умуман, буларнинг барчасини инобатга олиб, фтизиатрия, пульмонология ва ОИТС йўналишларида дастурий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.**

#### **54. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонида мувофиқ, шунингдек, экспорт фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий маҳсулотларнинг янги истиқболли бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

**1. Белгилансинки:**

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорттолди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳисобидан берилган кредитларни ўз вақтида сўндириб келаётган тадбиркорлик субъектларига кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда қўшимча кредитлар ажратишга рухсат этилади;

2024 йил 1 январга қадар Европа, Туркия, Марокаш, Шимолӣ ва Жанубий Америка, Араб, Корея ва Япония давлатларига газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишда ташиш харажатларининг 70 фоизини компенсация қилишга субсидиялар тақдим этилади.

2. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) икки ҳафта муддатда Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорттолди молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар тақдим этиш ҳамда экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш тартибларига тегишли ўзгартириш киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2022 йил 21 декабрь, ПФ-268-сон*



## **55. ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан «Тиббиётдаги ислохотлар - инсон қадрлари учун» мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар қамровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва руҳий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

1. Аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023 - 2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда - Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун «95-95-95» стратегияси илгари сурилганлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билишлари, махсус даволаш курслари билан қамраб олинishi, 95 фоизининг қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Мазкур стратегияга мувофиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023 - 2027 йилларда Давлат бюджети маблағлари, ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш бўйича Глобал жамғарма маблағлари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг қарз маблағлари ҳисобидан аҳоли ўртасида ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида тест-тизимлари ва ретровирусга қарши воситаларни харид қилиш, ОИТСга қарши кураш марказлари ва уларнинг туманлараро диагностика лабораторияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, кенг тарғибот ишларини ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар учун 120 миллиард сўм ва 54 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилишини таъминласин.**

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов):

а) 2027 йилда:

ОИВ инфекциясини юқтириб олган ҳамда ўз мақомини билган, махсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонида вирус юкламаси аниқланмайдиган даражага тушган шахслар кўрсаткичи 95 фоизга етказилишини;

ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишига барҳам берилишини таъминласин;

б) никоҳланувчи шахсларни ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнини электрон тизим орқали амалга оширишни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, 2023 йил якунига қадар эса бошқа ҳудудларда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали ФХДЁ органлари ва тегишли тиббиёт муассасалари ўртасида электрон ҳамкорликни ташкил қилсин;

в) 2023 йил якунига қадар ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатлар мониторингини таъминлаш, реал вақт режимида препаратлар ва диагностикаларнинг ҳаракатланишини кузатиб бориш имконини берувчи электрон ахборот тизимини яратсин ҳамда ушбу тизимни Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг электрон базалари билан интеграция қилиш орқали ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйсин;

г) икки ой муддатда Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Дин ишлари бўйича кўмита, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда ОИВ инфекциясига чалинган шахсларни ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ва тиббий-психологик қўллаб-қувватлаш, айниқса ёшлар орасида ОИВ инфекцияси тарқалиши масалаларида кенг тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш, жамиятда оилавий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга доир идоралараро чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳудудлар кесимида 2023 йилга мўлжалланган ОИВга қарши курашиш тизимини кучайтиришга доир «йўл хариталари»нинг амалга оширилишини, 2024 - 2026 йилларда тегишли даврга мўлжалланган «йўл хариталари»нинг ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳар ярим йилда Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатини танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Дастурнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Дастурда белгиланган ОИВ инфекциясига доир долзарб масалалар бўйича мақолалар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар орқали аҳоли орасида ОИВ инфекциясига қарши курашишнинг аҳамияти мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

**Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2023 йил 20 январь, ПҚ-14-сон*

## **56. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

Мамлакатимизда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарида (кейинги ўринларда - давлат иштирокидаги корхоналар) корпоратив бошқарувни жорий этиш, уларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттириш, шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор механизмларига ўтишини жадаллаштириш мақсадида:

1. 2023 - 2025 йилларда ислоҳ қилинадиган ва операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги йирик корхоналар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигига (кейинги ўринларда - Стратегик ислоҳотлар агентлиги) мазкур корхоналарни ислоҳ қилиш вазифаси юклансин.

2. Белгилансинки:

Стратегик ислоҳотлар агентлиги «UzAssets» инвестиция компанияси» АЖ (кейинги ўринларда - «UzAssets» инвестиция компанияси) ва мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналарда давлат акция пакети (улуши) бўйича акциядор (иштирокчи) функциясини амалга оширади;

мазкур қарорга иловада кўрсатилган давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат акция пакетлари (улушлари) «UzAssets» инвестиция компаниясига бошқарувга берилади;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ҳамда соф фойдани тақсимлаш масалалари юзасидан қарорлар белгиланган тартибда келишилган ҳолда қабул қилинади;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этиш энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

давлат хизматчилари давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши таркибига киритилиши мумкин, ушбу корхоналар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш вазифалари юкланган давлат органларининг ходимлари (давлат органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларидан ташқари) бундан мустасно;

бошқариладиган инвестиция активлари ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи микдорида ўз моддий активларига эга бўлиш тўғрисидаги талаб «UzAssets» инвестиция компаниясига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Стратегик ислоҳотлар агентлигининг «UzAssets» инвестиция компаниясига қуйидаги қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик корхоналарни ислоҳ қилиш, шу жумладан экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини жорий этиш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш;

корхоналарнинг рентабеллиги ва операцион самарадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда бизнес-жараёнларни оптималлаштириш;

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув бўйича тавсияларини жорий этиш орқали ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда уларнинг қийматини ва инвестицион жозибдорлигини ошириш;

ўзига бошқарувга берилган корхоналарнинг ижроия органи ва кузатув кенгашига маҳаллий ҳамда хорижий малакали менежерларни жалб қилиш.

4. Стратегик ислоҳотлар агентлиги ва «UzAssets» инвестиция компаниясининг давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мазкур қарорга иловада келтирилган давлат иштирокидаги корхоналар томонидан давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар (бундан қонун ҳужжатларига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказиладиган қисми мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**5. Давлат активларини бошқариш агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда мазкур қарорда назарда тутилган ўзларига тегишли акция пакетлари (улушлари) Стратегик ислоҳотлар агентлигига ўтказилишини таъминласин.**

6. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Ш. Вафаев):

а) бир ой муддатда:

«UzAssets» инвестиция компанияси ташкилий тузилмаси ва ички корпоратив ҳужжатларини тасдиқласин, ижроия органи ва қузатув кенгаши таркибини шакллантирсин;

«UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган ҳар бир корхонага консултантлар жалб қилинишини таъминласин ва корхоналарни ислоҳ қилиш графигини тасдиқласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин;

б) икки ой муддатда «UzAssets» инвестиция компаниясининг самарадорлик муҳим кўрсаткичларини назарда тутган ҳолда, унинг бизнес-режасини тасдиқласин;

в) 2023 йил 1 июлга қадар «UzAssets» инвестиция компанияси томонидан унга бошқарувга берилган корхоналарнинг бизнес-режалари қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2023 йил 1 март, ПҚ-83-сон***

## **57. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**

**Соғлиқни сақлаш тизимига илғор рақамли технологияларни татбиқ этиш, рақамли соғлиқни сақлаш платформасини яратиш, соҳанинг барча даражаларидаги даволаш профилактика муассасалари учун маълумотлар базаси комплексини жорий этиш, дастурий таъминот ва электрон платформани ишлаб чиқиш мақсадида:**

**1. Ўзбекистон Республикаси ва «KfW» банки ўртасида «Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда - лойиҳа) молиялаштириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 12 йил муддатга 45 миллион евро миқдорида қарз битими ҳамда 5,5 миллион евро миқдорида грант битими имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Қуйидагилар:

«Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

«Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида «KfW» банкининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан қўшимча ҳақ ва фоизлар тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

«Рақамли соғлиқни сақлаш ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага мувофиқ;

2023 - 2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек, «KfW» банкининг қарз ҳамда грант маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган;

лойиҳани амалга ошириш доирасида тендер комиссиясининг ишчи органи ва тузилган шартномалар бўйича контрагент ҳисобланади;

б) «KfW» банкининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан қўшимча ҳақ ва фоизлар, бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

в) лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб кириладиган товарлар (хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланиши ёки бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишга қўшган улуши сифатида ҳисобга олинади.

4. Лойиҳани ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун Рақамли соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш лойиҳа офиси ташкил этилсин ҳамда ушбу лойиҳа офиси фаолияти лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида белгиланган тартибда жалб қилинаётган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши таъминлансин.

Бунда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш лойиҳа офисининг фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

5. Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳамда «KfW» банки ўртасида имзоланган қарз ва грант битимлари бўйича юридик хулоса берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

лойиҳа доирасида жорий этилаётган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича лицензиялар учун тўловлар уларни жорий этиш харажатлари таркибига киритилади ҳамда мазкур лицензиялар ахборот тизими амалиётга тўлиқ жорий этилгандан сўнг камида 5 йил мобайнида амал қилади;

лойиҳани амалга ошириш жараёнида иқтисод қилинган маблағлар устувор равишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда компьютер техникаси воситаларини харид қилишга йўналтирилади;

лойиҳа доирасида ишлаб чиқиладиган ахборот тизимларини амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилиб олиш Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат тиббиёт ташкилотлари учун зарур ахборот дастурлари ва тизимларини ишлаб чиқиш, ўрнатиш ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

7. Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи 5-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Ишчи гуруҳи (А. Иноятов)га қуйидаги вазифалар юклатилсин:

соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни рақамлаштириш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

2023 - 2025 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш ҳамда лойиҳани амалга ошириш бўйича «йўл хариталари»да белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш;

лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларида белгиланган мақсадларга эришилишини назорат қилиш;

мазкур қарорда белгиланган топшириқларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган ишлар натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда маълумот киритиб бориш.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги лойиҳа доирасида жорий этиладиган ахборот тизимлари натижадорлигининг баҳолаб борилишини **ҳамда бизнес жараёнларини амалга оширишнинг замонавий усуллари жорий этилишини таъминласин.**

9. Ҳисоб палатаси лойиҳа доирасида жалб этиладиган ҳамда ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида кўзда тутилган кўрсаткичларга эришилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш. Иноятов ва рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2023 йил 1 май, ПҚ-140-сон***

## 58. ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, охириги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд 300 га яқин хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда - давлат иштирокидаги корхоналар) ва 1 600 дан ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, 650 дан ортиқ корхоналар тугатилди ва 160 таси қайта ташкил этилди.

Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда - Давактив агентлиги) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда 30 мингдан ортиқ давлат муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари ҳамда кўчмас мулк объектлари таҳлил қилиниб, уларни қисқартириш бўйича таклиф ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган 1 001 та корхонанинг акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

акция пакетлари «битта акция - битта лот» тамойили асосида халқ IPOсини ўтказиш тартибида оммавий савдолар орқали сотиладиган 40 та корхоналар рўйхати 1а-иловага мувофиқ;

оммавий савдолар орқали сотиладиган 1 046 та давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

муниципал мулк объектларини белгилаш мезонлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорга 1а-иловадаги давлат акция пакетларини сотиш доирасида:

энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида профессионал ташкилотлар савдо жараёнларини ташкил этиш учун жалб этилиши мумкин;

маҳаллий инвесторларга «E-auction» электрон савдо платформаси, шу жумладан мобил иловаси орқали реал вақт режимида уларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан шартнома тузиш ва депо ҳисоб рақамини очиш имконияти яратилади;

акцияларни сотиб олишда «E-auction» электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг миждозлари иштирок этиши учун тенг шароитлар яратилади;

акцияларни сотиб олиш учун электрон аризалар маҳаллий инвесторнинг ўзи томонидан ёки инвесторлар номидан ҳаракат қилувчи инвестиция воситачиси орқали берилиши мумкин;

онлайн аукционлар якунларига кўра олди-сотди шартномалари қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарида рўйхатдан ўтказилади ва унинг натижаси тўғрисидаги маълумот инвесторнинг шахсий кабинетига юборилади.

3. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси деб қайта номлансин ҳамда унинг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси (А. Арипов):

икки ҳафта муддатда мазкур қарорга 1-, 1а- ва 2-иловалардаги активларни 2023 йилда савдога чиқариш графикларини тасдиқласин;

активларни савдога чиқаришда, зарурат бўлганда уларнинг амалдаги фаолият йўналишини сақлаб қолиш ёки негизида маълум бир йўналишдаги фаолиятни ташкил этиш каби шартларнинг белгиланишини инобатга олсин;

бир ой муддатда 1а-иловада белгиланган корхоналарнинг акцияларини халқ IPOсини ўтказиш асосида сотиш тартибини тасдиқласин.

4. Давактив агентлигининг «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» АЖ ва «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси» АЖнинг камида 10 фоиз акцияларини маҳаллий фонд бозорида халқ IPOсини ўтказиш орқали оммавий жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

## 5. Белгилансинки:

а) фонд биржасига чиқарилган давлат акция пакетларини сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат савдо жараёнларида камида иккита иштирокчи катнашганда рухсат берилади;

б) барча давлат муассасаларининг асосий воситаларини сотиш ёки ижарага бериш «E-auction» электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб, жисмоний шахсларга «Давлат мулки» ахборот тизими орқали майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуқи берилади;

г) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ордер ва сертификат Давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда - ЯИДХП) орқали QR-код қўйилган ҳолда берилади;

онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида «E-auction» электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан электрон рақамли имзо орқали) расмийлаштирилади;

ҳар чорақда тегишли вазирлик ва идоралар ходимларининг жойига чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини оралиқ мониторинг қилиш тартиби бекор қилинади;

инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни қоғоз шаклида тақдим этиш тартиби бекор қилиниб, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг электрон базасини «Давлат мулки» ахборот тизимига интеграция қилиш ва тадбиркорлар электрон тизимга киритадиган маълумотлар орқали ҳисоботларни олиш йўлга қўйилади.

## 6. Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта муддатда тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхати;

б) уч ой муддатда мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ муниципал мулк объектларини белгилаш мезонларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига асосан тасарруф этиладиган республика мулкларининг рўйхати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгаши ҳамда улар билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасарруф этиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланишини таъминласин.

7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Давактив агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган корхоналарга берилган эксклюзив ҳуқуқларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

8. Давактив агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар давлат ихтиёридаги истироҳат боғларини хатловдан ўтказиб, уларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда, ҳудудлардаги барча давлат истироҳат боғларининг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Истироҳат боғларини бошқариш дирекциялари»ни ташкил этган ҳолда уларга ўтказилиши назарда тутилсин.

## 9. Давактив агентлиги (А. Ортиқов):

а) 2023 йил 1 июнга қадар майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини жисмоний шахслар аризалари бўйича хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартибини тасдиқласин;

б) қуйидагиларни:

2023 йил 1 июлга қадар республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк) объектларини бошқариш тўғрисидаги қарор лойиҳасини;



2023 йил 1 августга қадар Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирага (уйнинг бир қисмига) мулк ҳуқуқини эътироф этиш ваколатини маҳаллий ҳокимликларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштириш бўйича ягона давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламент лойиҳасини;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ***  
***Тошкент ш., 2023 йил 24 март, ПҚ-102-сон***

## **59. ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

Янги тахрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

**Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.**

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади - ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

**Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улўғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:**

**1. Янги тахрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгилансин.**

**2. Белгилаб қўйилсинки:**

**давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;**

**янги тахрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади;**

**янги тахрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланади.**

3. Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда - дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар:

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда - Давлат комиссияси) 2-иловага мувофиқ таркибда;

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашлари (кейинги ўринларда - экспертлик кенгашлари) 3 - 7-иловаларга мувофиқ таркибларда тузилсин.

**5. Белгилансинки, Давлат комиссияси:**

янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашларининг янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги тахрирдаги Конституция ва дастурни амалга оширишда кенг жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва хорижий экспертлар иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратади;

янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш доирасида қилинган ишларни кенгайтирилган тарзда йилига камида икки мартаба танқидий муҳокама қилиб боради ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари, экспертлик кенгашлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

**6. Экспертлик кенгашлари (Т. Нарбаева, Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев, Ж. Қўчқоров, А. Ташқулов):**

2024 йил 1 январга қадар ўрта ва узоқ истиқболли суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни ривожлантириш концепциялари ишлаб чиқилиши ва Давлат комиссиясига киритилишини таъминласин;

янги тахрирдаги Конституцияда мустақамланган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг устувор принциплари ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида акс эттирилиши устидан мониторинг олиб борсин;

янги тахрирдаги Конституция ва дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чоракда Давлат комиссиясига ҳисобот киритиб борсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти янги тахрирдаги Конституцияни амалга ошириш жараёнини ахборот-таҳлилий, илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлаш учун масъул этиб белгилансин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:**

янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш;

давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги тахрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш;

янги тахрирдаги Конституция асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш.

**8. Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизимини жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир ой муддатда мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимига ўтишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

**9. Янги тахрирдаги Конституциянинг 32-моддасида белгиланган мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:**

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) икки ой муддатда «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) бир ой муддатда фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилиш тартибини жорий этишга қаратилган мутлақо янги механизмларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини тақдим қилсин.

**10. Янги тахрирдаги Конституциянинг 78-моддасида белгиланган болалар ва ёшларда халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга оид қоидаларни амалга ошириш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб**

республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этилсин.

Олий Мажлис палаталарига бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, боланинг жисмоний, ақлий ва маданий жихатдан тўлиқ ривожланиши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қисқа муддатда қабул қилиш тавсия этилсин.

11. Фуқароларнинг янги таҳрирдаги Конституциянинг 50-моддасида белгиланган таълим олиш ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 августдан бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтириладиган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритилсин.

12. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 41, 65 - 67-моддалари талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омиллارни бартараф этиш, мулкий муносабатларга асосиз аралашувга йўл қўймаслик мақсадида 2023 йил 1 июндан бошлаб қуйидагилар бекор қилинсин:

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун электрон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг фаолият кўрсатиш вақтига нисбатан чекловлар.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Марказий банк (М. Нурмуратов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов), Табиат ресурслари вазирлиги (А. Абдухақимов) билан биргаликда икки ой муддатда «яшил молиялаштириш» механизмларини татбиқ этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда шу жумладан «яшил сертификат», «яшил кредитлар» ва халқаро тажрибада кенг фойдаланиладиган бошқа институтларни назарда тутсин.

14. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 55-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божини ундирмаслик, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилсин.

Олий суд (Б. Исламов) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда 2023 йил 1 октябрга қадар ушбу бандда назарда тутилган масала бўйича қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

15. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 21-моддасида белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

икки ой муддатда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиш;

2024 йил 1 январга қадар қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиб, унда белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини мутаносиблик принципига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

16. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Олий суд (Б. Исламов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда икки ой муддатда янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида белгиланган давлатнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитларни яратиш мажбурияти тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган механизмларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

**17. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 26-моддасида белгиланган инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Олий суд (Б. Исламов) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда шахсни ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини жорий этиш бўйича асослантилган таклифларни киритсин.**

18. Янги таҳрирдаги Конституция 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб:

а) жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш мақсадида, унга қуйидаги қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилсин:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;

иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан махсус техника воситаларидан фойдаланиш;

**б) адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида тахсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб боришга рухсат этилсин.**

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Олий суд (Б. Исламов), Бош прокуратура (Н. Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) ва Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) билан биргаликда икки ой муддатда ҳимоячининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб бориш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

**19. Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов), Миллий гвардия (Р. Джураев) ва Давлат хавфсизлик хизмати (А. Азизов) билан биргаликда бир ой муддатда ушланган ва тергов остида бўлган шахснинг конституциявий процессуал ҳуқуқларини батафсил тушунтириб берувчи кўргазмалар материалларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, тергов идоралари биноларида фуқароларга кўринадиган тарзда жойлаштирилишини таъминласин.**

20. Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И. Абдурахманов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2023/2024 ўқув йили бошлангунига қадар:

барча таълим турлари ва босқичларидаги Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни янги таҳрирдаги Конституция норма ва қоидаларига мослаштириш;

ўқувчиларга, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётларни яратиш чораларини кўрсин.

Мазкур банддаги чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

21. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (Ғ. Мирзаев) Адлия вазирлиги (А. Ташкулов), Судьялар олий кенгаши (Х. Ёдгоров) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2023-2024 йилларда янги таҳрирдаги Конституция бўйича давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш режасини тасдиқласин:

алоҳида график асосида барча бўғиндаги давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларига янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқитишни ташкил этиш;  
давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг конституциявий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва баҳолаш тизимини янги таҳрирдаги Конституцияга мослаштириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш.

22. Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг моддама-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш бўйича таҳрир кенгаши 8-иловага мувофиқ таркибда шакллантирилсин ва унинг ишчи органи этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти белгилансин.

Таҳрир кенгаши (М. Раҳманкулов):

шарҳни тайёрлашда янги таҳрирдаги Конституциянинг кўп миллатли халқимизни бирлаштиришдаги салоҳиятини, унда ўз аксини топган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини очиб беришга, шунингдек, унинг матни аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар учун тушунарли ва содда тилда бўлишига эътибор қаратсин;

етақчи миллий ва хорижий экспертлар, ҳуқуқшунослар ва давлат арбобларини жалб этган ҳолда, 2023 йил 1 декабрга қадар шарҳ матни тайёрланишини ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда чоп этилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

23. Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Раҳманкулов) ва Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) 2023 йил 1 июнга қадар ўзбек ва хорижий тилларда «**Янги Ўзбекистон Конституцияси**» ягона миллий портали (кейинги ўринларда - портал) ва унинг мобил иловаси ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, портал ва унинг мобил иловасида фуқаро ва тадбиркорлар учун қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштириш ҳамда уни амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти назарда тутилсин.

24. Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти (М. Раҳманкулов) билан биргаликда уч ой муддатда қонуности ҳужжатларини хатловдан ўтказиш ҳамда порталга келиб тушган таклифларни умумлаштириш натижаларига кўра янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилиши лозим бўлган нормаларни қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларида янги таҳрирдаги Конституциянинг ҳаётга татбиқ этиб борилиши, шу жумладан аҳолининг турмушидаги ижобий ўзгаришларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

26. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб дастурда ижрочи сифатида назарда тутилган вазирликлар, идоралар ва экспертлик кенгашлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаковга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**  
**Тошкент ш., 2023 йил 8 май, ПФ-67-сон**

## **60. ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ 08.05.2023**

*(<https://president.uz/uz/lists/view/6277>)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувдаги нутқи**

**Хурматли парламент аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари!**

**Хурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Хабарингиз бор, шу йил 30 апрель куни мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, том маънодаги улкан тарихий воқеа бўлиб ўтди. Биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик.

Референдумда қатнашган фуқароларимизнинг мутлақ кўпчилиги “Бу - менинг Конституциям”, деб ғурур билан овоз берди.

Референдум кейинги йилларда халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши нақадар юксалганини амалда кўрсатди. Ушбу тарихий танлов орқали халқимиз бундан олти йил олдин бошлаган ислохотларимизга катта ишонч билан қараб, уларни тўла қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Эл-юртимизнинг ана шундай азму қарори асосида давлатчилигимиз ва иқтисодиётимизни бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратилди.

**Буларнинг барчаси - миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиз “қилса бўлар экан-ку”, деб, ўз рўзғори, оиласи мисолида юртимизда юз бераётган катта ўзгаришларни яққол сезаётганидан далолат эмасми?**

Конституциямиз лойиҳасини муҳокама қилишдан бошлаб то уни қабул қилгунча бўлган даврда ўтказилган умумхалқ муҳокамаларида миллионлаб юртдошларимиз фаол ва муносиб иштирок этдилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Энг муҳими, энди ислохотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон - жамият - давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз.

Албатта, халқимизнинг референдумдаги овози, билдирган юксак ишончи барчамизга катта масъулият юклайди, эл-юртимизни рози қилиш учун бизни янги марраларга ундайди, ислохотларни жадал давом эттиришда янада катта куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди.

**Фурсатдан фойдаланиб, ўзининг юксак фуқаролик бурчини чин дилдан адо этиб, Асосий қонунимизни қабул қилишда амалий таклиф ва ташаббуслари, ғоя ва фикрлари билан фаол иштирок этган кўпмиллатли, мард ва олижаноб халқимизга таъзим қиламан.**

Шу билан бирга, жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб, эзгу ишларимизда бизни қўллаб-қувватлаб келаётган мухтарам нурунийларимиз, илм-фан ва маданият арбоблари, зиёлиларимизга, жонкуяр ўқитувчи-мураббийлар ва шифокорларимизга, иқтисодиётимиз ривожига янги куч бераётган тадбиркорларимизга, ишчи-хизматчилар, миришкор деҳқон ва фермерларимизга, кластерлар ходимларига, жамиятимизнинг таянч устуни бўлмиш маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторларига, келажагимиз эгаси бўлган азму шижоатли ёшларимизга, бир сўз билан айтганда, **Ўзбекистоннинг барча ҳақиқий ватанпарварларига самимий миннатдорлик билдираман.**

Айни пайтда халқ билан мулоқот қилиб, унинг фикрини олиб, Асосий қонунимизни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган Конституциявий комиссия аъзоларига, барча депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар вакилларига, қонун лойиҳасини халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқишда фаол иштирок этган олимлар, маҳаллий ва хорижий экспертларга, референдум жараёнларини ҳаққоний ёритиб, ўзининг холис фикрларини билдирган барча оммавий ахборот воситалари ходимларига, халқаро кузатувчиларга алоҳида ташаккурлар айтаман.

**Азиз ватандошлар!**

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз ўз танловини амалга ошириб, янгиланган Конституция учун овоз берган 30 апрель санаси тарихимизда унутилмас ёрқин саҳифа бўлиб қолади. Айнан шу куни кўпни кўрган, ҳаёт маъносини, тинчлик ва инсон қадрини чуқур англайдиган эл-юртимиз демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатини яна бир бор амалда тасдиқлади.

Қадим тарихимиздан келиб чиққан ҳолда, ота-боболаримизга хос эзгу қадриятларни рўёбга чиқариш, яъни инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамларимиз билан бамаслаҳат иш кўриш биз учун чинакам демократия намунасидир.

Халқимизда “Бирдамлик бор жойда илдамлик бор”, деган доно нақл бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бўлган юртда албатта кут-барака, тараққиёт бўлади.

Бизнинг энг катта бойлигимиз - Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўпмиллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни - мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир.

**Хурматли йиғилиш иштирокчилари!**

**Янгиланган Конституциямизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон - суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб, қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга. Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан Асосий қонунда муҳрланган бу принциплар - мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, унинг келажагини белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди.**

Дунёда кундан-кунга янги-янги синовлар, хавф-хатар ва таҳдидлар пайдо бўлаётганини барчангиз кўриб турибсиз. Энг нуфузли сиёсатшунос ва экспертлар ҳам, “ақл марказлари” ҳам жаҳонда содир бўлаётган ҳозирги зиддият ва тўқнашувлар қачон ва нима билан тугагини айта олмаяпти.

Шундай мураккаб вазиятда, ҳар бир ишимизда, қабул қилаётган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шарт. Бунинг учун, биринчидан, ота-боболаримизнинг асрий армони бўлган, тенгсиз ва буюк неъмат - мустақиллигимизни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириш барчамиз учун ҳаёт-мамонт масаласи эканини унутмаслигимиз зарур.

Бизнинг уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой ва бетакрор маданиятга эга бунёдкор халқимиз бор. Қирқ миллионга яқинлашиб бораётган бугунги Ўзбекистон халқининг тақдири ва истиқболи, фаровон ҳаёти учун барчамиз масъул ва жавобгармиз. Шу сабабдан юртимизда тинчлик ва барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Эл-юртимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлаш учун “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз кўча” концепцияларини жадал амалга оширамиз. Бунинг учун янги ташкил қилинган “маҳалладаги бешлик” тизимини давлат ва жамият томонидан ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз. Фуқаролараро тотувлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда тинчликсевар ташқи сиёсатимизни давом эттириб, узок ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқаларини, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз.

Биз мамлакатимиз суверенитетини янада мустаҳкамлашда глобал иқлим ўзгариши, озик-овқат, энергетика, логистика билан боғлиқ хавф-хатарлар, сув тақчиллигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича янги ташаббус ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳамкорларимиз билан бирга фаол иш олиб борамиз.

Иккинчидан, биз Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилдик.

**Мамлакатимизда 2 миллион 200 мингдан зиёд оилалар ижтимоий кўмакка муҳтож. Аҳолимизнинг 55 фоизи ёшлардан иборат.**

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Янгиланган Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилмоқда. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлаш учун жуда кўп ишлашимиз зарур. Бунга давлат бюджетидан ҳар йили қўшимча 30-40 триллион сўм ажратиш керак бўлади. Бунинг ҳисобидан, ҳар йили юзлаб янги боғчалар, мактаб ва шифохоналар қуришимиз лозим.



**Ёшлар сиёсатини, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришни устувор вазифа сифатида юқори босқичга кўтариш бўйича ҳам янги имкониятларни сафарбар этамиз.** Нурунийлар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган инсонлар, алоҳида эътиборга муҳтож аҳоли қатламига ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтираемиз. Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб борамиз.

Ўзимизга савол берайлик нима учун аҳолимиз референдумда бунчалик фаол бўлди?

**Нимага улар ислохотларимизни қўллаб-қувватламоқда? Чунки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизнинг қишлоқ ва овулларидан тортиб, пойтахтимиз маҳалла ва кўчаларидаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишларини ўз кўзлари билан кўраяптилар.**

Биргина мисол, ўтган йилдан бошлаб “очик бюджет” тизимини жорий этганимиз қишлоқ ва маҳаллалардаги оддий одамларимиз кайфиятига қандай ижобий таъсир кўрсатганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Лекин, одамларимизнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун ҳозиргидан кўра икки қарра кўп ишларни бажаришимиз керак.

Яхши биласизлар, биз мамлакатимизда камбағаллик борлигини тан олиб, алоҳида дастурлар асосида уни қисқартириш бўйича катта иш олиб бормоқдамиз.

**Шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини ошириш борасида “учта дафтар”, ижтимоий реестр тизимини йўлга қўйиб, салмоқли натижаларга эришдик. Лекин ҳали қиладиган ишларимиз ҳам оз эмас.**

Бу борада одамларимиз янгиланган Конституциядан, биз жорий этаётган янги тизимдан кўп нарсаларни кутмоқда.

Аҳолимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш учун, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминлаш зарур. Ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини ҳозирги 80 миллиард доллардан яқин йилларда 160 миллиард долларга етказиш учун бор имкониятларни ишга солишимиз керак. Бу - аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 4 минг долларга етади, дегани.

Биз бундан буён ҳам хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш борасидаги ишларни жадал давом эттираемиз. Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, энергетика, транспорт, қурилиш соҳаларига катта-катта инвестициялар жалб қилинади.

Умуман, ҳукумат 1 августга қадар давлат ўзига олган ҳар бир янги мажбурият бўйича уларнинг маблағлари, ижро механизмлари, бу масалада масъул вазирлик ва ҳокимликлар ҳамда мутасаддилар аниқ кўрсатилган алоҳида дастур ишлаб чиқиб, парламентимизга киритади.

Учинчидан, Конституциямизда илк бор, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди.

**Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига оид нормалар ҳам 3 баробар кўпайтирилди.**

Бу - авваламбор барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, дегани.

Бундан буён, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади.

Энг муҳими, “Қонун - муқаддас, ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтириш шарт!” деган қараш жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдорлар учун ҳаёт қондасига айланиши керак.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини албатта амалда таъминлашимиз зарур.

Шу мақсадда, Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. **Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди.** Адвокатлар мақоми оширилиб, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг ваколатга эга экани қайд этилди.

Албатта, Асосий қонунга киритилган бу илғор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди, кўп жамиятлар бундай ўзгаришларни фақат орзу қилади. Бунинг учун суд-ҳуқуқ идораларининг кадрлар салоҳиятини яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз зарур.

**Энг муҳими, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билим ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга, аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳаммамиз учун дунёқарашимизни ўзгартириш талаб этилади. Қандай оғир бўлмасин, бу ишларни амалга оширишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда.**

Тўртинчидан, демократик тараққиёт йўлини қатъий давом эттираемиз.

Бош қомусимизда бу мақсадга эришиш кафолатларини янада кучайтирдик. Бизга инсон ва бизнеснинг оғирини енгил қиладиган, уларга сифатли хизмат кўрсатадиган ихчам ва самарали бошқарув тизими керак. Маъмурий ислохотларни айнан шу мақсадда бошладик. Биринчи босқичда ҳукумат ва вазирликлар ихчам қилиниб, уларнинг иш услуби ўзгартирилди. Навбатдаги вазифамиз - вилоят ва туман даражасида ҳам бошқарув сифатини оширишдан иборат.

**Менинг энг катта ниятим - одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизим яратиш. Шу боис, молия, солиқ, бандлик каби идораларнинг камида 30 фоиз ваколатларини маҳалла даражасига тушириш мўлжалланмоқда.**

Шу билан бирга, янгиланган Конституциямиздаги ўзгаришлар бир қатор сиёсий ислохотларни ҳам назарда тутди. Бу борада парламент фаолиятида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, **Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса 14 тадан 18 тага етказилди.**

Айни пайтда, палаталарнинг ваколатларига ҳам аниқлик киритилди. Масалан, ҳукуматни шакллантириш, унинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари Қонунчилик палатасининг ваколатига ўтказилди.

**Шу билан бирга, депутатларимиз асосий эътиборни қонунларнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга қаратадиган, уларнинг ижросини самарали ташкил этишда ҳукумат билан биргаликда қаттиқ ишлайдиган вақт келди.**

Сенатнинг фаолияти эса ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, маҳаллий Кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарур.

**Буларнинг барчаси, депутат ва сенаторларимиз зиммасига катта масъулият юклаши табиий, албатта. Энди улар пастга тушиб, кўпроқ одамларимиз билан учрашиб, уларнинг муаммоларини эшитса, вазирлар ва ҳокимлар билан биргаликда ҳар бир масала бўйича аниқ ечимларни топса, бундан умумий ишимизга фақат фойда бўлади.**

Бугунги кунда халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган энг таъсирчан куч, бу - оммавий ахборот воситалари, журналистлардир.

**Жамиятимиздаги очиқлик сиёсатини изчил давом эттириш мақсадида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлар қатъий кафолатланмоқда.**

**Шу билан бирга, сўз эркинлиги, бу - масъулият ҳам дегани. Яъни ахборот маконида ҳаққонийлик ва холислик бош мезон эканини унутмаслигимиз зарур.**

Айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ролини ошириш, ҳуқуқларини кафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон - дунёвий давлат ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Халқимизнинг референдум орқали билдирган хоҳиш-иродаси, қатъий танлови ҳам шу.

Бундан буён ҳам миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлиги таъминланади. Барча диний конфессиялар эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берамиз,

**Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттираемиз. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.**

**Хурматли йиғилиш қатнашчилари!**

Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунданок “Биз халқимизга хизмат қилгани келганмиз. Биз халқимизни рози қилиш учун келганмиз”, деган гапларни доим такрорлайман.

**Биз ислохотларни бошлаган пайтда, ўзимиз тасаввур ҳам қилмаган жуда кўп муаммо ва синовларга дуч келдик. Уларга эл-юртимиз билан биргаликда ечим топиб, ҳар бир масалани жойида ҳал қилиб бораемиз. Чунки, янгиланган Конституциямизнинг маъно-мазмунини, бош мақсади ҳам халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб шароит яратиб беришдан**

иборатдир. Бу мақсад йўлида қанчалик оғир бўлмасин, зарур маблағларни, керак бўлса, ортиқчаси билан топиб, барча имкониятларни ишга солаёпмиз.

Халқимизнинг ўзи - энг адолатли ҳакам. Мен аминман, бугун юртимиздаги ҳар бир инсон “ҳаётимда ижобий ўзгариш бўлмоқда”, деб айта олади.

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётида мутлақо янги даврга қадам қўймоқдамиз. Чунки, янгиланган Конституциямизни қабул қилиш билан биз Учинчи Ренессанс учун ҳуқуқий пойдевор яратдик. Бугун халқимиз интилаётган ана шу буюк мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаман, деган ҳар бир юртдошимиз, аввало ушбу пойдеворга таяниб, ҳаракат қилиши лозим.

Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда, ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашда Асосий қонунимиз уларга бекиёс имкониятлар очиб беради.

Шу муносабат билан, мен бугун иккита муҳим Фармонни имзоладим.

Биринчи Фармон янгиланган Конституциямизни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш учун унинг мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ вазифаларни назарда тутди.

Шу маънода, Бош қонунимизнинг ҳар бир банди ва моддасини жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз учун ҳаёт қоидасига айлантириш, бу борада уларнинг тушунча ва тасаввурларини кенгайтириш, ҳар бир маҳалла, таълим маскани, ташкилот ва корхонада чуқур ўрганиш мақсадида ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш зарур.

Шу билан бирга, янгиланган Конституциянинг 128-моддасида мамлакат Президентига берилган ваколатдан фойдаланиб, мен иккинчи муҳим Фармонни имзоладим. Унга мувофиқ, юртимизда муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилади.

Бундай қарорга келиш учун қандай объектив зарурат бор, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Нима учун, қолган уч ярим йиллик Президентлик муддатидан ўз ташаббусим билан воз кечаяпман? Чунки, ўзингиз кўриб турибсиз, Асосий қонунимизга мувофиқ, биринчидан, ҳокимиятнинг барча бўғинлари ислоҳ қилиниб, улар ўртасидаги муносабат ва мувозанат жиддий ўзгармоқда.

Иккинчидан, янгиланган Конституциямиз Президент, парламент, ҳукумат, вазирлар, ҳокимлар олдига кечиктириб бўлмайдиган янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни қўймоқда.

Учинчидан, халқимиз биздан барча соҳаларда ғоят муҳим ва долзарб ўзгариш ва ислохотларни кутмоқда.

Тўртинчидан, дунёда ва минтақамизда кескин ва мураккаб жараёнлар ҳукм сураётган ҳозирги вазиятда тўғри ва самарали ривожланиш йўлини излаб топиш ва уни амалга ошириш энг ўткир ва долзарб масалага айланмоқда.

Шу муносабат билан бутун халқимизга мурожаат қилмоқчиман.

Азиз ва мухтарам ватандошлар, барчангиз кўриб турибсиз, олдимизга бугун янада улкан марралар қўймоқдамиз.

Бундан буён ҳам жамият ва давлат ҳаёти, бугунги ва келгуси тараққиётига оид ҳар бир масала бўйича фақат ва фақат сизлар, донишманд, бағрикенг халқимиз билан бамаслаҳат иш олиб борамиз.

Асосий қонунимизда халқ - давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб бежиз ёзилмаган. Шу нуқтаи назардан, янгиланган давлат ҳокимияти тизимида халқимиз, яна бир бор айтаман, фақат халқимиз ўзи ишонган раҳбарга мандат бериши мақсадга мувофиқ.

Ўйлайманки, бугунги мавжуд шароитда бу - энг тўғри ва адолатли қарор бўлади.

Сайловлар қонунга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилади. Бунда сиёсий партиялар, Президентликка номзодлар юртимиз тинчлиги ва унинг равнақиға, халқимиз фаровонлиғига хизмат қиладиган янги ғоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлаб айтмоқчиман: кўзлаган марраларимиз қанчалик юксак ва мураккаб бўлмасин, уларга эришиш учун бизда барча имкониятлар бор.

Буюк аждодларимиз мероси, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати, интеллектуал ва маънавий салоҳияти, унинг меҳнатсеварлик ва тadbиркорлик фазилати бу йўлда бизга куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ишончим комил, сизлар билан, бутун халқимиз билан эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Янги Ўзбекистонни барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, биргаликда қурамиз.

Мана шундай улўғ мақсад йўлида ҳаммангизга сихат-саломатлик, янги ютуқ ва зафарлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Яратганнинг ўзи барча олижаноб ишларимизда мададкор бўлсин!

*Эътиборингиз учун раҳмат.*

**61. МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА - Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110 ва 128-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 66-моддасига асосан:

1. 2023 йил 9 июль кунига муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайинлансин.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш., 2023 йил 8 май, ПФ-68-сон*

**66-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгари сайлов**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Сенат Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаган тақдирда, сайлов ушбу Кодексга тўлиқ мувофиқ ҳолда икки ой ичида ўтказилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир тадбирларни амалга ошириш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.